

## КУЛИБОЕВ АЗАМАТ ШОНАЗАРОВИЧ



1982 йил Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманида туғилған. 2005 йилда Тошкент давлат аграр университети “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши, 2007 йилда мазкур университетнинг “Бухгалтерия ҳисоби” магистратура мутахассислигини тамомлаган.

А.Ш.Кулибоев меҳнат фаолиятини 2008 йилда Тошкент Давлат аграр университети “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасида асистент лавозимида бошлаган. 2008-2016 йилларда бюджет ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектларда ҳисобчи, бош ҳисобчи, бошқарма бошлиғи, 2016-2018 йилларда Тошкент молия институти “Бюджет ҳисоби” кафедраси ўқитувчisi, 2018-2020 йилларда Тошкент молия институти “Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши” кафедраси катта ўқитувчisi лавозимларида фаолият юритган. 2022 йилдан ҳозирги кунга қадар институт “Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши” кафедрасида доцент лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

2022 йилда “Давлат тиббиёт муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертацияси(PhD)ни муваффақиятли ҳимоя қилган.

Амалий ва илмий-педагогик фаолияти давомида жами 108 та илмий иш, 20 та илмий мақола (шундан, нуфузли хорижий илмий журнallарда 5 та), халқаро ва республика илмий-амалий конференциялар тўпламларида 86 та маъруза тезислари нашр қилинган. Шунингдек, жами 20 та ўқув услубий ишланма (4 та дарслик, 2 та ўқув қўлланма ва 14 та ўқув-услубий қўлланма) ларнинг муаллифи ҳисобланади.



## КУЛИБОЕВ АЗАМАТ ШОНАЗАРОВИЧ

# ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲАМДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ:

*Назария ва амалиёт*



МОНОГРАФИЯ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**КУЛИБОЕВ АЗАМАТ ШОНАЗАРОВИЧ**

**ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА  
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲАМДА  
МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ:  
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

***МОНОГРАФИЯ***

**ТОШКЕНТ  
«IQTISOD-MOLIYA»  
2023**

**УЎК: 657:614.2(075)**

**КБК: 65.052.254.95**

**Тақризчилар:** и.ф.д., проф. **Н.К.Ризаев**  
и.ф.д., проф. **А.А.Остонокулов**  
PhD., доц. **Ш.П.Хайитов**

**Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий назорат: назария ва амалиёт: Монография / -Т.: А.Ш.Кулибоев; «Iqtisod-Moliya», 2023. – 236 б.**

Монографияда давлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг зарурлиги назарий жиҳатдан асосланган. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни тартибга солувчи норматив-хўжалик тизимлаштирилган ҳолда ўрганилган. Давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолиятини бошқаришда ҳисоб сиёсатининг муҳимлиги илмий жиҳатдан асосланган ва уни шакллантиришнинг амалий масалалари баён қилинган. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш манбалари билан боғлиқ ҳолда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган. Тиббий пуллик хизматлар калькуляцияси ва харажатлар ҳисобининг методологик муаммолари тадқиқ этилган. Давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш услубиёти ва бухгалтерия ҳисоби методологиясини такомиллаштириш йўналишлари таклиф этилган. Давлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини бошқаришда ички назорат тизими ва молиявий назоратни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Монографиядан ушбу соҳада фаолият юритувчи олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ҳамда бюджет ҳисоби ва молиявий назорат тизимида фаолият юритаётган амалиётчи мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

*Мазкур монография Тошкент молия институти Кенгашининг  
“30” август 2023 йилдаги “1/7.6(3)”-сонли қарори билан  
нашр этишига тавсия этилган.*

**УЎК: 657:614.2(075)**

**КБК: 65.052.254.95**

**ISBN: 978-9943-9649-5-2**

**© А.Ш.Кулибоев, 2023  
© «IQTISOD-MOLIYA», 2023**

# МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>4</b>
<b>I БОБ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>6</b>
1.1. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асослари.....	6
1.2. Давлат тиббиёт ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятини бошқаришда ҳисоб сиёсатининг зарурлиги.....	27
1.3. Давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолиятида ички назорат тизимининг назарий-ташкилий асослари.....	48
<b>II БОБ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ АМАЛИЙ ЖИХАТЛАРИ.....</b>	<b>62</b>
2.1. Давлат тиббиёт ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳисоб сиёсатининг амалда қўлланилиши.....	62
2.2. Давлат тиббиёт ташкилотларини бюджетдан молиялаштириш жараёнлари ҳисобини юритиш.....	81
2.3. Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олиш.....	97
<b>III БОБ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ...</b>	<b>107</b>
3.1. Давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш услубиётини такомиллаштириш.....	107
3.2. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш.....	118
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>137</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>142</b>
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>155</b>

## КИРИШ

Мамлакатимизда бюджет ҳисоби ва давлат молиявий назорати соҳасини ислоҳ этишда «тиббиёт муассасаларида бюджет жараёнининг шаффоғлигини янада ошириш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисбот механизмини такомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг бўйсунувидаги тиббиёт муассасаларида бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятини ошириш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган молиявий назорат стандартларини жорий қилиш»<sup>1</sup>, бюджет ташкилотларининг ҳисоб ахборот тизимини давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимига интеграция қилиш орқали ахборотларнинг ишончлилиги ва таҳлил имкониятларини оширишни тақозо қилмоқда. Мазкур масалалар тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назорат бўйича мавжуд назарий-услубий асосларни кенг тадқиқ этиш ҳамда такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги ПФ–6300-сон «Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 21 августдаги ПҚ–3231-сон «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2018 йил 22 августдаги ПҚ–3917-сон «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 14 февралдаги ПҚ–128-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ–3231-сон «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги карори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 920-модда; 15.02.2022 й., 07/22/128/0131-сон).

такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага оид бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур монография муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти давлат тиббиёт муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш, уни ҳалқаро стандартлар талаблари асосида ташкил қилиш, мамлакатимизда «Бюджет ҳисоби», «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисоби» фанларини илмий ва назарий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилиши ҳамда бюджет ҳисоби ва назоратини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти давлат тиббиёт муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, молиявий ҳисботларни шакллантириш, молиявий назоратни амалга ошириш жараёнида услугубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Илмий натижалардан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ҳамда олий ўқув юртларида соҳага оид фанларнинг ўқув дастурларини ишлаб чиқишида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

# **И БОБ. ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асослари**

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларнинг олиб борилиши, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада юксалтириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга қаратилган бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилиниши бунга яққол мисол бўла олади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси соғлиқни сақлаш соҳаси тараққиётини янги босқичга кўтарди десак муболаға бўлмайди. Бунда, соҳани ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш назарда тутилган, жумладан:

“аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулиялиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;

оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш;

пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;

фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арzon, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, доридармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлашга алоҳида эътибор берилган”<sup>2</sup>.

Шунингдек, 2017-2019 йиллар мобайнида ўнлаб марказлар, хусусан, онкология, нейрохирургия, травматология ва ортопедия, аллергология, нефрология ва буйрак трансплантацияси, неврология, наркология, болалар хирургияси йўналишларида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил қилинди. Республика аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатаётган тиббиёт марказларини сони 20 тага етказилди ва уларнинг худудларда тегишли филиаллари фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Натижада бугунги кунга келиб Ўзбекистонда ўртacha умр давомийлиги 73,8 ёшни: эркаклар учун – 71,4 ёш, аёллар учун эса, – 76,2 ёшни ташкил этмоқда. Бутун дунёда эса, умр давомийлигининг ўртacha кўрсаткичи аёлларда 74 ёшни, эркакларда 69 ёшни ташкил қилиб турган бир вақтда юртимизда соҳага қаратилган алоҳида эътибор натижасида аҳолимизнинг ўртacha умр кўриш ёши йил сайин ортиб бормоқда<sup>3</sup>.

Бундан ташқари “COVID-19” инфекцияси дунё миқёсида яшин тезлигида тарқалиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда тезкорлик билан амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли бу коронавирус инфекцияси оммалashiшини нисбатан жиловлашга эришилди. Бунда мамлакатимиз худудларида қисқа муддатларда даволаш профилактика муассасалари, карантин зоналари ҳамда бутун дунёда мавжуд бўлмаган Ўзбекистон тажрибаси саралаш тақсимлаш марказлари ташкил этилгани муҳим роль ўйнади.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ( 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон).

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги маълумотлари.

Коронавирус инфекциясига қарши курашиш чора-тадбирлари асосида қурилган шундай манзиллардан бири Тошкент вилояти Зангиота туманида барпо этилган юқумли касалликлар шифохонаси ҳисобланади. Бу тиббиёт муассасаси 4 минг ўринга мўлжалланган.

Зангиота туманидаги барпо этилган шифохона лойиҳасининг умумий қиймати 504 миллиард сўм бўлиб, 33 гектар майдондаги 2 та комплексдан иборат. Уни бунёд этишда юқумли касалликлар хусусияти ва замонавий тиббиёт талаблари тўлиқ инобатга олинган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қисқа фурсатда тайёрланиши бундай марказларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмади. Хусусан, стационар жойларнинг ҳаммаси бокслangan, ҳар бир хона автоном бўлиб, бир хонадаги ҳаво бошқасига ўтмайди ҳамда реанимация бўлимлари керакли тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланган.

Шунингдек, ушбу даврда параллел равишда замонавий тиббий иштоотларни бунёд этиш ишлари ҳамда тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар изчиллик билан давом эттирилди. Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ортириб, кўламини янада кенгайтириш мақсадида Чилонзор туманида Иккинчи перинатал ва замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланган Болалар миллий тиббиёт марказлари қурилиб, ўз фаолиятини бошлади.

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш йўлида бир қатор амалий чора-тадбирлар амалга оширилиб, соҳада фаолият юритаётган 70 мингдан зиёд шифокорлар ва кўп сонли ўрта тиббиёт ходимларига зарурӣ шартшароитлар яратиш, меҳнатига яраша ҳақ тўлаш чоралари кўрилиб, уларнинг мамлакатимиз тиббиётига қилган хизматлари муносиб рағбатлантирилиб келинмоқда.

Пандемия даврида коронавирус инфекциясига қарши курашиш, аҳолига тез тиббий ёрдамни кўрсатиш ҳамда касалликни эртароқ бартараф қилишда тиббиёт ходимларининг ўрни катта.

Президентимиз ўз нутқида мамлакатимизнинг тиббиёт тизимини шакллантиришда “Туб ислоҳотларимизнинг дастлабки

кунларидан бошлаб биз ҳалқимиз соғлиғини мустаҳкамлашга энг устувор вазифа, деб қараб келмоқдамиз. Ўтган беш йилда бу борада катта ишларни амалга оширидик, илғор хорижий ютуқларни ўрганиб, етарлича тажриба тўпладик. Келгуси беш йилда ҳам аҳолимизни сифатли ва малакали тиббий хизмат билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтиришни Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг энг муҳим йўналиши сифатида белгилаб олдик”,<sup>4</sup> - дея таъкидлаб ўтган.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш ва уларнинг моддий техника базасини янгилаш мақсадида давлат бюджетидан ушбу соҳага 2017-2021 йилларда маблағ ажратиш кўпаймоқда. Буни қуйидаги жадвал маълумотларида кўришимиз мумкин (1.1-жадвалга қаранг).

### *1.1-жадвал*

#### **Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағлар тўғрисида маълумот<sup>5</sup>, (млрд.сўмда)**

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Давлат бюджети харажатлари	49 107,4	62 170	107 118,4	131 104,5	165 879
Соғлиқни сақлаш	7 304,9	9 562	12 078	14 842,6	19 648
Давлат бюджети харажатлари таркибидаги улуши, %да	14,9	15,4	11,3	11,3	11,8

1.1-жадвалда келтирилган маълумотлар сўнгги беш йил давомида Давлат бюджети харажатлари таркибидаги соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағларнинг улуши 2017 йилда 14,9 фоиз бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 11,8 фоизни кўрсатади. Бу ерда давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган маблағлар улуши фоиз кўрсаткичларида камайган бўлса-да, лекин, давлат бюджети харажатларининг Ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улушининг кўпайиши ҳисобига 2021 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига давлат бюджетидан ажратилган маблағ ҳажми 2017 йилга

<sup>4</sup>Мирзиёев Ш.М. Кучли ва самарали тиббиёт тизимини шакллантириш –халқпарвар давлатнинг энг асосий вазифаси (Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутки. 18.03.2022 йил.<http://www.xs.uz.>).

<sup>5</sup> Фукаролар учун бюджет 2018-2021 маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

нисбатан 12 343,1 млрд. сўмга кўпайган. Бу соҳага ажратилган маблағнинг 168,97 фоизга ўсганлигидан далолат беради. Шунингдек, давлат бюджети харажатлари ҳам, 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 116 771,6 млрд. сўмга ёки 237,79 фоизга ошган.

Буни биз сўнгги беш йил мобайнида тиббиёт ташкилотлари сони ва улардаги штат бирликлари сонининг ошиши билан изоҳлашимиз мумкин. 2017-2021 йиллардаги тиббиёт ташкилотлари бўйича кўрсаткичларни ўрганганимизда, ҳақиқатан ҳам, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича давлат сиёsatининг устувор вазифалари ижроси таъминланаётганлигига амин бўлдик (1.2-жадвал).

#### *1.2-жадвал*

#### **2017-2021 йиллардаги тиббиёт ташкилотлари кўрсаткичлари<sup>6</sup>**


<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2017 йил</b>	<b>2018 йил</b>	<b>2019 йил</b>	<b>2020 йил</b>	<b>2021 йил</b>	<b>2021 йилнинг 2017 йилга нисбатан ўзариши, (+,-)</b>
Тиббиёт ташкилотлари сони	3655	3 647	3 655	3 655	3 704	49
Штат бирликлари, киши	430229	453405	468314	468314	488530	58301
Шу жумладан, врачлар, киши	95180	102552	105899	105899	110613	15433

Мамлакатимизда фаолият юритаётган давлат бюджетдан молиялаштириладиган тиббиёт ташкилотлари сони 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 49 тага, яъни 1,3 фоизга кўпайганини 1.2-жадвал маълумотлари таҳлилидан кўришимиз мумкин. Шунга мутаносиб равишда тиббиёт ташкилотларидаги штат бирликлари сони ҳам 58 301 кишига, яъни 13,6 фоизга ошганлиги ҳам ахолига кўрсатиладиган тиббий хизмат турларининг кўпайганлигидан далолат беради. Бу жадвалдаги врачлар сонининг 2021 йилда 2017 йилга қараганда 15 433 кишига кўпайганлигини вилоят ва туманлардаги марказий шифохоналар, ахолига тиббий хизмат

<sup>6</sup> Фукаролар учун бюджет 2018-2021 маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

кўрсатиш поликлиникаларда янги мутахассислик штатлари бўйича врачларнинг ишга қабул қилиниши билан изоҳлаш мумкин.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан яна шуни кўришимиз мумкинки, 2022 йилнинг бошига фаолият юритаётган тиббиёт ташкилотлари сони 3 704 тани ташкил этади. Ушбу тиббиёт ташкилотларининг фаолияти қуидаги турларга бўлинади (1.1-расм).



### 1.1-расм. Тиббиёт ташкилотларининг турлари<sup>7</sup>

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, тиббий фаолиятни ташкил этувчи хизматлар 250 тани ташкил қиласди. Тиббий фаолиятни ташкил этувчи тиббий хизмат турлари бўйича ҳар бир давлат даволаш муассасаси ўзининг ихтисослашган фаолият тури бўйича аҳолига амбулатор ва стационар шароитда хизмат кўрсатади. Буни биз тадқиқотимиз обьекти бўлган Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар мисолида қўришимиз мумкин (1.3-жадвал).

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан Фуқаролар учун бюджет 2018-2021 маълумотлари асосида тузилган.

### 1.3-жадвал

## **Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар турлари (амбулатор ва стационар шароитларда)<sup>8</sup>**

Т/р	Тиббий хизматларнинг номи	Даволаш тuri
1	Ички касалликлар (терапия) бўйича маслаҳат, диагностика ва консерватив даволаш	амбулатор шароитда
	Ички касалликлар (терапия) бўйича маслаҳат, диагностика ва консерватив даволаш	стационар шароитда
2	Физиотерапия бўйича маслаҳат, диагностика ва консерватив даволаш.	амбулатор шароитда
	Физиотерапия бўйича маслаҳат, диагностика ва консерватив даволаш	стационар шароитда
3	Даволаш физкультураси ва спорт тиббиёти бўйича маслаҳат, диагностика ва консерватив даволаш.	амбулатор шароитда
	Даволаш физкультураси ва спорт тиббиёти бўйича маслаҳат, диагностика ва консерватив даволаш.	стационар шароитда
4	Неврология бўйича маслаҳат, диагностика ва консерватив даволаш.	амбулатор шароитда
	Неврология бўйича маслаҳат, диагностика ва консерватив даволаш	стационар шароитда
5	Реабилитология бўйича маслаҳат, диагностика ва консерватив даволаш	амбулатор шароитда
	Реабилитология бўйича маслаҳат, диагностика ва консерватив даволаш	стационар шароитда
6	Травматология-ортопедия бўйича маслаҳат, диагностика ва консерватив даволаш	амбулатор шароитида
	Травматология-ортопедия бўйича маслаҳат, диагностика ва консерватив даволаш	стационар шароитида
7	Травматология-ортопедия бўйича маслаҳат, диагностика, консерватив ва оператив даволаш	амбулатор шароитда
	Травматология-ортопедия бўйича маслаҳат, диагностика, консерватив ва оператив даволаш	стационар шароитда
8	Вертебрология бўйича маслаҳат, диагностика ва консерватив даволаш	амбулатор шароитида
	Вертебрология бўйича маслаҳат, диагностика ва консерватив даволаш	стационар шароитда
9	Вертебрология бўйича маслаҳат, диагностика, консерватив ва оператив даволаш	амбулатор шароитида
	Вертебрология бўйича маслаҳат, диагностика, консерватив ва оператив даволаш	стационар шароитда
10	Ортопедия бўйича маслаҳат, диагностика, консерватив ва оператив даволаш.	амбулатор шароитида
	Ортопедия бўйича маслаҳат, диагностика, консерватив ва оператив даволаш.	стационар шароитида

<sup>8</sup>Муаллиф томонидан илмий тадқиқот асосида тузилган.

1.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, марказ томонидан аҳолига тиббий хизматлар бир вақтнинг ўзида ҳам амбулатор, ҳам стационар шароитларда кўрсатилади. Бу борада марказ томонидан шароит яратилиб, мутахассис шифокорлар жалб қилинган.

Шундай давлат тиббиёт ташкилотлари борки, улар фақат аҳолига тиббий хизматларни фақат амбулатор шароитдагина кўрсатади ва шунга ихтиослашган (1.2-расм).



### 1.2-расм. Тиббиёт ташкилотлари томонидан амбулатор шароитда кўрсатиладиган тиббий хизматлар турлари<sup>9</sup>

Буларга мамлакатимизда фаолият юритаётган кўп тармоқли марказий, болалар ва оиласвий поликлиникаларни ҳамда қишлоқ врачлик пунктларини киритиш мумкин. Буни муассасаларда

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан илмий тадқикот асосида тузилган.

аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар давлат бюджети маблағларидан молиялаштирилиши, тор доирадаги тиббиёт ходимлари ва умумий амалиёт шифокорлари фаолият юритиши билан изоҳлаш мумкин. Бу тиббиёт ташкилотларида аҳолига бепул тиббий хизматлар кўрсатилади.

1.2-расмда кўрсатилган амбулатор шароитдаги тиббий хизматлар аҳоли саломатлигини сақлаш, профилактика тадбирларини ўтказиш ва дастлабки касаллик аломатлари сезилганда кўрсатилади. Бу тиббий хизматлар албатта, оиласвий ва болалар поликлиникалари ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари шифокорлари томонидан кўрсатилади.

Хозирги кунда аҳоли орасида учрайдиган ўткир юқумли, онкологик, руҳий-асаб, наркологик ва бошқа касалликлар турлари борки, уларни фақат стационар шароитда даволаш мумкин. Бундай касаллик билан мурожаат қилган беморларга умумий профилли стационар тиббиёт ташкилотлари ва ихтисослаштирилган стационар муассасалар томонидан 1.3-расмдаги тиббий хизмат турлари кўрсатилади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизматларнинг таркибий турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш ҳамда даволаш ташкилотларининг моддий ва техник базасини мустаҳкамлаш бугунги куннинг муҳим масалаларидан саналади. Ушбу масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш давлат раҳбари ва соғлиқни сақлашга масъул идора раҳбарларининг назоратида турибди.

Шу ўринда Президентимиз ўз нутқида “Тиббиёт шундай соҳаки, унга дахлдор бўлмаган инсоннинг ўзи йўқ. Ҳаммамиз ҳам, иссиқ жонмиз, тиббиёт муассасаларига кунда-кунаро мурожаат қилмаган кишини топиш қийин. Барчамизга аёнки, одам соғлом бўлмаса, унга иш ҳам, моддий неъматлар ҳам, ҳаёт қувончлари ҳам татимайди. Шу боис, ўз фуқароларининг соғлиғини ҳимоя қилиш, кучли ва самарали тиббиёт тизимини шакллантириш – халқпарвар

давлатнинг энг асосий вазифаларидан ҳисобланади”<sup>10</sup> - деб таъкидлаганлари жамиятимизда тиббиёт ташкилотларининг нақадар муҳим ўрин тутишини англатиб туриди.



### **1.3-расм. Тиббиёт ташкилотлари томонидан стационар шароитда кўрсатиладиган тиббий хизматлар турлари<sup>11</sup>**

Янги Ўзбекистонни 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясидаги еттига устувор йўналишларидан тўртинчиси “Адолатли ижтимоий сиёsat юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” деб номланади.

<sup>10</sup>Мирзиёев Ш.М. Кучли ва самарали тиббиёт тизимини шакллантириши –халқпарвар давлатнинг энг асосий вазифаси (Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни саклаш соҳаси вакиллари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутки. 18.03.2022 йил.<http://www.xs.uz.>).

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан илмий тадқиқот асосида тузилган.

Бу йўналишда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш ва такомиллаштириш бўйича қўйидагиларни “бажариш мақсад қилинган:

- кўрсатилаётган тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш ва қулайлигини ошириш мақсадида республика ҳудудларида тиббиёт кластерларини ташкил этиш;
- аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, тиббий хизматларни марказлаштириш ва аҳолини тиббий суғурталаш амалиётини жорий қилиш;
- тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;
- дори-дармон ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ҳамда аҳолига арzon ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш тизимини такомиллаштириш;
- бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳага ажратиладиган маблағларни ошириш;
- репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;
- тиббий хизматлардаги хусусий секторнинг улушкини 25 фоизга етказиш;
- мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ва тиббиёт воситаларининг улушкини 80 фоизга етказиш;
- санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги халқаро мақомга эга лабораторияларини ташкил этиш;
- ҳудудларда бирламчи тиббий хизматни “бир қадам” тамойили асосида ташкил этиш;
- малакали шифокорларнинг ойлик маошларини босқичмабосқич 1 000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш.

Тараққиёт стратегиясида аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

- ҳудудларда бирламчи тиббий хизматини “бир қадам” тамойили асосида йўлга қўйиб, 105 та оилавий шифокор пункти ва 31 та оилавий поликлиника ташкил этиш;

- ҳудудларда соғлиқни сақлаш соҳасига тегишли объектларнинг қурилиш ишларини 2022 йил якунига қадар якунлаш бўйича амалий чораларни кўриш масаласи қўйилган”<sup>12</sup>.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун давлат тиббиёт ташкилотларида сифатли ва тезкор тиббий хизматлар маблағларининг мақсадли сарфланиши, улар юзасидан ҳисобдорлик ва назоратни таъминлаш учун бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш, молиявий ҳисботларни тузиш ва тақдим қилиш ҳамда узлуксиз назоратни амалга ошириш талаб этилади.

Шунинdek, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, замонавий технологиялар ва техникаларнинг қўлланилиши баробарида давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назорат тизимининг ўзига хос хусусиятлари вужудга келади. Бу эса, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратнинг назарий ва услубий асосларини тадқиқ этиш заруриятини вужудга келтиради.

Шу ўринда илмий тадқиқот мавзуумизнинг номидан келиб чиқиб, “тиббиёт муассасалари” ва “тиббиёт ташкилотлари” тушунчаларига аниқлик киритиб кетишини мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 76-моддасида “Бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулқдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади.

Муассасанинг ўзига бириктириб қўйилган ва ўзи сотиб олган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари ушбу Кодекснинг 178 ва 180-моддаларига мувофиқ белгиланади.

<sup>12</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси тўғрисида”ти Фармони (2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон).

Муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги пул маблағлари билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса, тегишли мол-мулкнинг эгаси унинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

Айрим турдаги давлат муассасалари ва бошқа муассасалар ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари қонунчилик билан белгиланади”<sup>13</sup> – деб таъриф келтирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг тегишли моддаларида “тиббиёт ташкилоти” ва “тиббиёт муассасалари” деган тушунчалар биргаликда ишлатилган.

Мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий асарларида бу тушунчаларга батафсил таъриф бермаса-да, улардан фойдаланганлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари К.Ахмеджанов, А.Бакайбаева, А.Ибрагимов, К.Ибрагимов, М.Маматкулов, С.Мехмонов, А.Остонокулов, Н.Ризаев, З.Хамирова, Н.Шанасирова, Ш.Қурбонов, Б.Ҳамдамов ва Ш.Ғаниевлар томонидан давлат тиббиёт муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари ҳамда уларни ривожлантириш истиқболлари ўрганилган.

Жумладан, А.Остонокулов томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишида бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисботининг назарий ва услубий асосларини тадқиқ этган. Тадқиқот ишини ўрганганимизда олим меъёрий хужжатлардан келиб чиқсан ҳолда керакли ўринларда “тиббиёт ташкилоти” ёки “тиббиёт муассасалари” тушунчаларидан фойдаланганлигини кўришимиз мумкин<sup>14</sup>.

К.Ибрагимовнинг илмий тадқиқотида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботни ташкил этиш масалаларига алоҳида аҳамият берилган бўлиб, бунда давлат секторида ташкилий -ҳуқуқий мақомига кўра

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (1995 йил 21 декабрь, ЎРҚ -163-І-сон).

<sup>14</sup> Остонокулов А.А. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ҳисботи методологиясини такомиллаштириш Дис. автореф. иқт.фан.д-ри (DSc). –Т. 2021. –72 б.

субъектларнинг икки турга “Бюджет ташкилоти” ва “Муассасалар” ажратилишини, яъни “ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман бюджетдан молиявий жиҳатдан таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланиши”<sup>15</sup> кўрсатилган.

Ш.Курбонов томонидан давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ички аудитини такомиллаштириш масалалари илмий тадқиқ қилинган. Тадқиқотчи Бюджет кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ “тиббиёт ташкилоти” тушунчаси орқали мавзунинг долзарблигини очиб беришга ҳамда тиббиёт ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини такомиллаштириш йўлларини илмий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилган<sup>16</sup>.

Илмий тадқиқот ишини бажариш жараёнида хорижлик олимлар томонидан олиб борилган илмий ишлар билан ҳам танишиб чиқдик. Шулардан, А.Федотовнинг илмий тадқиқотида давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини сақлаш харажатларини бухгалтерия ҳисоби ва назорати масалалари ёритиб берилган. Илмий тадқиқот ишида “соғлиқни сақлаш муассасаси” тушунчасидан фойдаланилганлигини кўришимиз мумкин<sup>17</sup>.

А.Ушаковнинг илмий тадқиқотлари шаҳар соғлиқни сақлаш муассасаларида маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини бухгалтерия ҳисоби ва аудитига бағишлиланган. Тадқиқотчи томонидан “соғлиқни сақлаш тизимидағи муассасаларнинг даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш самарадорлигини текшириш бўйича асосланган илмий ва амалий

<sup>15</sup>Ибрагимов К.Ш. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботни такомиллаштириш (Олий таълим муассасалари мисолида). и.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореферати. – Т. 2018. –54 б.

<sup>16</sup>Курбонов Ш.М. Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ички аудитни такомиллаштириш. и.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореферати. – Т. 2022. –58 б.

<sup>17</sup>Федотов А.В. Бухгалтерский учета и контроль расходов по содержанию государственных учреждений здравоохранения Краснодарского Края. Автореферат дисс. к.э.н. Кубанский государственный аграрный университет. Краснодар, 2006. - 24 с.

тавсиялар”<sup>18</sup> ишлаб чиқилган. Илмий тадқиқот ишида “соғлиқни сақлаш муассасаси” тушунчасидан бевосита фойдаланган.

Юқорида маҳаллий ва хорижилик иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларини ўрганиб, таҳлил қилганимизда ҳам соғлиқни сақлаш соҳасига кирувчи ташкилотларга нисбатан “тиббиёт муассасаси” ёки “соғлиқни сақлаш муассасаси” деган тушунчалардан кенгроқ фойдаланилганлигига гувоҳ бўлдик.

Шуни инобатга олиб, бизнинг фикримизча, раҳбарларнинг моддий жавобгарлик нуқтаи назаридан “тиббиёт ташкилоти” тушунчаси ишлатиш тўғрироқ бўлади. Чунки илмий тадқиқот ишларини бажариш, кўплаб норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш жараёнида соғлиқни сақлаш тизими ҳам ижтимоий соҳага киритилган ҳамда давлатнинг ижтимоий–маданий вазифаларини тўлиқ бажаради.

Хозирги вақтда давлат бюджетининг жами харажатларига нисбатан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган маблағларнинг умумий улуши 11,8 фоизни ташкил қилиб, бу маблағлар сарфи ҳудудлар жойлашган давлат тиббиёт ташкилотларини молиялаштирилиши ҳисобига амалга оширилади. Бу маблағларнинг мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш ҳамда улар бўйича тегишли ахборотларни шакллантирилиши муассасаларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Ҳар бир давлат тиббиёт ташкилотига бюджетдан маблағ ажратиш молия органлари томонидан тасдиқланган харажатлар сметалари асосида амалга оширилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджетдан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида Ҳукумат қарорига асосан 2000 йил 1 январидан бошлаб тиббиёт муассасаларига ҳам

<sup>18</sup>Ушаков А.А. Бухгалтерский учет и аудит эффективности использования средств в муниципальных учреждениях здравоохранения. Автореферат дисс. к.э.н. Ростовский государственный экономический университет. Ростов-на-Дону, 2012. -24 с.

бюджетдан ташқари маблағлар манбаларини шакллантиришга рухсат берилди.

Ушбу ҳужжатда “давлат тиббиёт муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағларини шакллантириш манбалари сифатида тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлари, фаолият ихтисослиги бўйича кўрсатилган тиббий хизматларни реализация қилишдан олинган даромадлари, ҳисбот чорагининг сўнгги иш куни охирида ҳаражатлар сметаси бўйича тежалган маблағлари, тиббиёт ташкилоти балансида турган мол-мulkни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми, белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар ва ҳомийликдан олинган маблағлар кўрсатилган”<sup>19</sup>.

Шунингдек, ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни амалдаги норматив – ҳукуқий ҳужжатларга асосан муассаса раҳбари амалга оширади. Тиббиёт ташкилоти раҳбари муассасада бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағларини самарали ва мақсадли сарфланиши, шунингдек, муассаса балансидаги мол-мulkлари ва мажбуриятлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилишларида бюджет ижроси ҳисобининг маълумотларига асосланадилар.

Шу ўринда, ҳар бир давлат тиббиёт ташкилотида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг мақсади бўлади ва унинг олдига бажариши керак бўлган бир қатор вазифалар кўйилади.

Тиббиёт ташкилотларининг сметалари ижроси юзасидан ишончли, тўлиқ молиявий ҳамда бошқа ахборотлар билан фойдаланувчиларни таъминлаш давлат тиббиёт муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнингт мақсади саналади.

---

<sup>19</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори (1999 йил 3 сентябрь, 414-сон).

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг аҳамиятини бажарадиган қуидаги вазифаларига қараб белгилаш мумкин:

бухгалтерия счётларида активлар ва мажбуриятларнинг ҳолати ҳамда ҳаракати тўғрисидаги тўлиқ ва ишончли ахборотларни шакллантириш;

ташкилот маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш;

сметалар ижроси натижаларини шакллантириш;

ташкилотни ички ва ташқи бухгалтерия ахборотларидан фойдаланувчилари томонидан талаб қилинадиган молиявий ҳисботларини тайёрлаш;

ташкилотнинг иқтисодий фаолиятининг салбий натижаларини олдини олиш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун ички иқтисодий захираларини аниқлаш;

молиявий ҳисботнинг ички ва ташқи фойдаланувчиларига амалдаги қонунчиликка риоя этилиши устидан ички ва ташқи молиявий назоратни амалга ошириш учун керак бўлган бухгалтерия маълумотларини тақдим этиш;

бюджет ижросига оид бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш ва ҳисботларни тузиш;

давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг моҳиятини унинг функциялари орқали муфассал очиб бериш мумкин. Давлат тиббиёт ташкилотларини бошқаришда бухгалтерия ҳисоби қуидаги функцияларни бажаради (1.4-расм).

Бухгалтерия ҳисобининг **ахборот функцияси** молиявий ҳисбот маълумотлари маълум тенденцияларни аниқлашга ёрдам беради. Даволаш муассасаларида маблағларни сарфлашнинг мақсадли йўналиши ва улардан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш.



#### **1.4-расм. Давлат тиббиёт ташкилотларини бошқариш тизимида бухгалтерия ҳисобининг функциялари<sup>20</sup>**

Бухгалтерия ҳисоби муассасанинг маблағлари ва уларнинг ҳаракати, хўжалик жараёнлари, молиявий натижалари тўғрисида умумлашган, батафсил ахборотларни акс эттиради ва тўплайди.

Бухгалтерия ахборотлари оператив ва статистик ҳисобда, даромадлар ва харожатлар сметасини тузишда, муассасанинг кейинги йиллардаги молиявий ҳолатини прогноз қилишда кенг қўлланилади.

**Назорат функцияси** муассаса балансидаги мавжуд молмулкнинг сақланиши, унинг мақсадли ишлатилишини, шунингдек, шахсий ҳисобвараклардаги маблағлар (бюджет ва бюджетдан ташқари)нинг мақсадли сарфланишини назорат қилиш зарурлигини назарда тутади. Ташкилотларнинг нормал фаолият юритишида бухгалтерия ҳисобининг назорат функциясининг аҳамияти шундан иборатки, уларнинг меъёрий ҳужжатлар ва услубий кўрсатма талабларидан чиқмаслигини аниқлаб туради.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритища учта назорат тури қўлланилади: дастлабки назорат, жорий назорат ва кейинги назорат.

Молия органлари ва бюджет муассасаларининг молиявий – хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланилади, бунинг натижасида муассасалар

<sup>20</sup>Муаллиф томонидан илмий тадқиқот асосида тузилган.

нормал фаолиятининг барча жиҳатлари бўйича бошқарув қарорлари ишлаб чиқилади – бу бухгалтерия ҳисобининг **аналитик функцияси** ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг аналитик функциясида ташкилотни самарали бошқариш учун барча зарур кўрсаткичлар юзасидан режанинг бажарилиши ва молиялаштириш ҳолати таҳлил этилади, маблағлар билан таъминланиш ва улардан фойдаланиш ҳолати обдон таҳлил қилинади. Ҳисобнинг бу функцияси тиббиёт муассасасига бюджетдан ажратилган маблағлардан тўлиқ фойдаланилмаслигининг ёки ортиқча харажатларни амалга оширилганлигини сабабларини аниқлаш имконини беради.

Бюджет маблағларидан тўлиқ фойдаланмаслик кўпинча муассаса томонидан ўзига юкландган функцияларни бажармаганлигини кўрсатади. Ортиқча харажатларнинг мавжудлиги бюджет интизоминининг бузилиши деб ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг **тарбиявий функцияси**ни аҳамияти шундан иборатки, бунда бухгалтерия ҳисоби фақатгина назарий билим, норматив-хуқуқий хужжатлар, ҳисобни ташкил этишнинг ташкилий, техник ва услубий жиҳатларигагина эмас, балки ҳисобнинг ахлоқий жиҳатлари ҳисобланадиган касб этикасига ҳам асосланади. Чунки амалиётда ҳисоб юритиш ва бухгалтерия ахборотидан фойдаланувчилар билан бўладиган муомала жараёнида профессионал бухгалтерларга хос фикрлаш ҳамда психологик маданият талаб қилинади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби уларнинг фаолият йўналиши ёки ихтисослашуви билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларига эга.

Ушбу хусусиятлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

“бюджет таснифи асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этилиши ва ҳисботларни шакллантирилиши;

даромадлар ва харажатлар сметаларининг ижроси назорат қилиниши;

бюджет ижросини ғазначилик тизимига ўтиши;

касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисобини юритилиши;

давлат тиббиёт ташкилотларининг фаолият йўналишлари ва ихтинослашуви бўйича бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари”<sup>21</sup>.

Соғлиқни сақлаш тизимидағи тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари ҳисоб вазифаларини, хусусан тасдиқланган сметаларни тўғри ижросини таъминлаш, бюджет интизомига қатъий риоя қилиш, бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантириш, муассасанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг ички иқтисодий захираларини аниқлашни тақазо қилади.

Юқорида таъкидланганидек, давлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, бошқариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда бухгалтерия ҳисоби мухим аҳамиятга эга. Давлат тиббиёт ташкилотларида барча ҳисоб объектлари пул ўчлов бирлигига ҳисоби юритилиб, молиявий ҳисоботларда акс эттирилади. Бу бухгалтерия ҳисоби объектлари тўғрисида тўлиқ маълумот олиш имконини беради, лекин тиббиёт ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш ва тасарруф этишда маълумотларнинг тўлиқ бўлиши таъминламайди. Шу боисдан, давлат тиббиёт ташкилотларида самарали бошқарув юзасидан қарор қабул қилиш мақсадида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритиш мухим саналади.

Ҳисоб обьекти сифатида: балансдаги активлар ҳамда мажбуриятлар, молиявий-хўжалик жараёнлари, даромад, харажат, муассасанинг молиявий натижалари ва уларнинг ҳолатига оид хўжалик муомалалари киради. Давлат тиббиёт ташкилотлари бухгалтерия ҳисобининг обьектлари 1.5-расмда келтирилган.

Номолиявий активлар муассасанинг асосий воситалари, номоддий активлари, товар-моддий захиралари ҳамда номоддий активларга қўйилмалар билан ифодаланади.

---

<sup>21</sup>Кулибоев А.Ш. Тиббиёт муассасаларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг методологик масалалари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. – Тошкент, 2017. 4-сон, - Б. 1-8. (08.00.00; №19).



### **1.5-расм. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия хисобининг объектлари<sup>22</sup>**

Молиявий активларга муассасанинг шахсий ҳисоб ва рақларидаги бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича пул маблағлари, кассадаги пул маблағлари ҳамда депозитга қўйилган пул маблағлари киради.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг дебиторлар ва кредиторларни ҳисобга оловчи ишчи субсчётларида мол етказиб берувчилар томонидан етказиб берган товар моддий қийматликлари, бажарган ишлари (кўрсатган хизматлари) учун олиб бориладиган ҳисоб-китоблар, бюджет ҳамда ижтимоий суғурта тўловларига ажратмалар бўйича, касаба уюшма ташкилотлари, ҳисобдор шахслар, ходимлар, депонент қилинган суммалар, шунингдек бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 61-моддасига асосан “Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига тиббиёт ташкилотларининг пуллик тиббий хизматларни реализация қилишдан олинган даромадлари пуллик тиббий хизматларни реализация қилишдан тушган тушумлар ва уларни кўрсатиш бўйича харажатлар ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади”<sup>23</sup>.

<sup>22</sup> Муаллиф томонидан илмий тадқиқот асосида тузилган.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 61-модда.

Шунингдек, муассаса балансида турган асосий воситаларни ижарага беришдан олинидиган маблағларнинг 40 фоизи ижара шартномасига асосан даромад сифатида қаралади.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг харажатлари таркибига:

тиббий хизматни кўрсатиш жараёнида қилинадиган давр харажатлари;

тақсимланиши зарур бўлган харажатлар;

тиббий хизматларни кўрсатишга оид харажатлар киради.

Молия йилига оид якун юзасидан давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий натижаларини бухгалтерия ҳисобида жорий ҳамда якуний молиявий натижалар кўринишида ҳисобга олинади.

Юқоридаги таҳлил қилиб, ўрганилган маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш, тиббиёт ташкилотларининг фаолият тури ва ихтисослашувига қараб бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилиш нечоғлик муҳим эканлигини кўришимиз мумкин. Давлат тиббиёт муассасаларининг тиббиё хизматлар кўрсатадиган турларига кўра, ҳисобни қонунчиликда белгиланган тартибда юритиш, ички назоратга амал қилиш, молиявий ҳисботларни ўз вақтида шакллантириш мақсадида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш зарур.

## **1.2. Давлат тиббиёт ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятини бошқаришда ҳисоб сиёсатининг зарурлиги**

Давлат тиббиёт ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби ўзига хос хусусиятларига эга, бундай муассасаларнинг балансида қимматбаҳо тиббий ускуналар ва турли хил тиббий хизматлар кўрсатишда сарфланадиган товар-моддий захираларини ўз ичига оладиган объектлар мавжуд.

Давлат тиббиёт ташкилотларида тиббий ускуна ва жиҳозлар доимий равишда ўзгариб туради, захиралар тез тугайди ва ўз вақтида тўлдиришни талаб қиласди. Агар, давлат тиббиёт

ташкilotларида жаррохлик амалиёти билан боғлиқ тиббий хизматлар кўрсатиладиган бўлса, улар форс-мажор ҳолатларнинг олдини олиш учун сугурта компаниялари билан ишлаши керак.

Давлат тиббиёт ташкilotларида бухгалтерия ҳисобини юритишда ўзига хос жиҳатларини келтириб чиқаради. Бу ўз навбатида, ҳисоб ва ҳисбот билан боғлиқ ёндашув, қоидалар, усул ва услубларни яхлит ҳолда ҳисоб сиёсати шаклида тадқиқ қилишни талаб этади.

Бугунги кунда давлат тиббиёт ташкilotларида бухгалтерия ҳисобини юритишда муайян муаммолар мавжуд бўлиб, улар: “тиббиёт ташкilotларида алоҳида ҳисоб сиёсати шакллантирилмаганлиги, ҳисоб юритишнинг ташкилий, техник ҳамда услубий жиҳатлари талаб даражасида ташкил қилинмаётганлиги, тиббиёт ташкilotларида солиқ ва йифимлар бўйича имтиёзларни акс эттириш бўйича алоҳида услубий кўрсатма мавжуд эмаслиги, тиббиёт ташкilotларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантиришдаги ёндошувлар, тиббиёт ташкilotларида бирламчи хужжатлари ҳамда ҳисоб регистрларини талаб даражасида юритилмаслиги, бухгалтерия бўлими ходимлари бажарадиган вазифалари тақсимоти шакллантирилмаганлиги”<sup>24</sup> кабилардан иборат. Юқоридаги санаб ўтилган муаммоларнинг ечими давлат тиббиёт ташкilotларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришни талаб этади.

Давлат тиббиёт ташкilotларида ҳам ҳисобни ташкил этиш ва юритиш, молиявий ҳисботларни тузишнинг ўзига хос хусусиятлари ва мураккаб томонлари мавжуд. Чунки, иш ҳажмидан келиб чиқиб, давлат тиббиёт ташкilotининг ҳисоб объектлари ўзгариб боради. Шунингдек, давлат тиббиёт ташкilotининг фаолият йўналиши бўйича ўзига хос хусусияти бухгалтерия ҳисоби объектларининг турлича характерда намоён бўлишига олиб келади. Соғлиқни сақлаш соҳасига оид қонун талабларини бажариш,


<sup>24</sup> Кулибоев А.Ш. Тиббиёт муассасаларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг методологик масалалари.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. – Тошкент, 2017. 4-сон, - Б. 1-8.

мулкий муносабатлар ва жавобгарликни таъминлаш ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳисоб ишларида мураккабликни келтириб чиқаради.

Шу боисдан, бухгалтерия ҳисобини амалдаги норматив-хужжатлар талабалари асосида давлат тиббиёт ташкилотлари кесимида ташкил этиш ҳамда юритиш, шу билан бирга, молиявий ҳисботларни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини фаолият хусусияти билан боғлиқликда белгилаб олишни тақозо этади. Тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини қонун хужжатларида кўрсатилган талаблар асосида ташкил этиш, ҳисоб обьектлари таркибини белгилаш ва уларни тан олиш, мулкий муносабатларни белгилаш ва мулкий жавобгарликни таъминлаш, ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш шаклларини белгилаш ҳамда молиявий ҳисботларни шакллантириш тартиби бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши зарур.

Ҳисоб сиёсати деганда, белгиланган принципларга мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисобини юритиш ҳамда молиявий ҳисботларни тузиш жараёнида қўлланиладиган аниқ услублар, асослар, рухсат этиш ҳолатлари, қоидалар ва усуллар мажмуи тушунилади.

Ҳисоб сиёсати давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан бюджет тўғрисидаги қонун хужжатларида мавжуд ўзаро бир-биридан фарқ қилувчи бир нечта ҳисоб юритиш усулларидан бирини танлаш мақсадида тузилади. Давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришда, ташкилотнинг молиявий-хўжалик муомалаларига мувофиқлигини таъминлайдиган, қатъий қоидаларга амал қилиши зарур. Давлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятида ҳисоб сиёсатини шакллантиришда қатор қоидаларга асосланилади (1.6-расм).



### 1.6-расм. Ҳисоб сиёсатининг принциплари<sup>25</sup>

Давлат тиббиёт ташкилотларида иккиёқлама ёзув усулида ҳисоб юритиш принципи барча хўжалик операцияларини ҳисоб регистрларида рўйхатга олишни иккиёқлама ёзув тизими асосида амалга оширишини билдиради. Бунда, битта хўжалик операцияси бухгалтерия ҳисобининг икки счётида - бирининг дебетида ва иккинчисининг кредитида акс эттирилади.

Узлуксизлик принципи бухгалтерия ҳисобини юритиш муддати давлат тиббиёт муассасасиининг фаолияти даврига мувофиқ бўлишини, яъни ҳисоб ёзувлари юритиш тиббиёт ташкилотининг ташкил этилишидан то тутатилгунига қадар амалга оширилишини билдиради.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг барча хўжалик операциялари, ҳолатлар, активлар ва пассивлар ягона, бир хил бирликда ўлчаниши - пул билан баҳоланиши лозим. Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби миллий валюта - сўмда юритилади.

Бухгалтерия операциялари ва ҳолатларининг ишончлилиги бирламчи ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқланади ва ҳар бир ҳисоб ёзуви ҳақиқатда амалга оширилган хўжалик операцияларини

<sup>25</sup> Муаллиф томонидан 1-сон БХСга асосан тузилган.

тасдиқловчи бирламчи ҳисоб хужжатларига асосланган бўлиши керак.

Ҳисоблаш принципида муассаса активлари ва пассивлари, даромад ҳамда харажатлар, молиявий-хўжалик муомалаларини бухгалтерия ҳисобида пул маблағлари (эквивалентлари) олинган, тўланган вақтда акс эттирасдан, ушбу муомалалар амалга оширилган вақтда акс эттирилади.

Олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик) принципи давлат тиббиёт муассасаларининг молиявий ҳисботида активлар ва даромадларни ошириб баҳолашга ҳамда мажбуриятлар ёки харажатларни камайтириб баҳолашга йўл қўйилмаслигини назарда тутади.

Мазмуннинг шаклдан устунлиги принципи тиббиёт ташкилотларининг ҳисоб хужжатлари ва молиявий ҳисботларидаги ахборот операция ва ҳолатларнинг мазмунини ишончли акс эттирса, мазкур ахборот молиявий ҳисботда ҳисобга олиниши ва қўрсатилиши лозимлигини англатади.

Молиявий ахборот фойдали ва мазмунли бўлиши учун у турли ҳисбот даврларидағи ахборотлар билан қиёсланадиган бўлиши лозим. Шунингдек, фойдаланувчилар ҳам давлат тиббиёт ташкилот томонидан молиявий ҳисбот тайёрлашда фойдаланилган ҳисоб сиёсатидан, ундаги барча ўзгаришлардан ва ўзгариш натижаларидан хабардор бўлишлари керак.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг молиявий ҳисботида тақдим этилаётган ахборот ишончли бўлишини таъминлаш учун маълумотлар холисона бўлиши зарур.

Ҳисбот давридаги даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлиги деганда ҳисбот давридаги давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан амалга оширилган харажатларни мазкур даврдаги даромадлар билан бирга акс эттирилишини англатади.

Активлар ва мажбуриятларни ҳақиқий баҳолаш принципи давлат тиббиёт ташкилоти учун баҳолашда активни қиймати асос бўлиши назарда тутилади.

Давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритища юқоридаги принципларга асосланилади ҳамда уларнинг молиявий ҳисботлари шакллантирилади.


Давлат тиббиёт ташкилотининг ҳисоб сиёсати – ички ҳужжат бўлиб, барча манфаатдор томонларга муайян ҳисбот даврида тиббиёт ташкилотининг бухгалтерия ва солиқ ҳисбининг барча хусусиятларини очиб беради. Давлат тиббиёт ташкилотининг ҳисоб сиёсати бош бухгалтер ёки амалдаги қонунчиликка мувофиқ бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари томонидан шакллантирилади, муассаса раҳбарининг буйруги билан тасдиқланади ва йилдан-йилга изчил қўлланилади.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини тартиба соловчи норматив қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган ҳолатларда ёки давлат тиббиёт муассасаси қайта ташкил этилганда ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини солиштиришни таъминлаш мақсадида ҳисоб сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар молия йили бошидан, агар, тиббиёт муассасаси қайта ташкил этилаётган бўлса, уни қайта ташкил этилган санадан киритилади.

Давлат тиббиёт ташкилотининг ҳисоб сиёсати молиявий ҳисботни барча қўлланилаётган бюджет ҳисоби стандартлари асосида шакллантирилишини таъминлаши керак. Ҳисоб сиёсатининг тузилиши давлат тиббиёт ташкилоти томонидан мустақил равишда белгиланади.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг ҳисоб сиёсати ўз ичига қўйидагиларни олиши керак (1.7-расм).



### **1.7-расм. Давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини таркибий тузилиши<sup>26</sup>**

Ҳисоб сиёсатини давлат тиббиёт ташкилотларининг фаолияти, ихтисослашиши ва таркибий тузилишини инобатга олиб ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунга қараб, давлат тиббиёт ташкилотларида раҳбарнинг фармойиши асосида тасдиқланган ҳисоб сиёсатига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий активларни талон-тарож қилинmasлиги учун ички молиявий назоратнинг амалга оширилиши ҳамда молиявий, статистик ва солик ҳисботларини белгиланган муддатда тузиб, топширилиши текшириб борилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришда ички назорат тизимини ташкил этиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

<sup>26</sup> Илмий тадқиқот натижасида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунининг 21-моддасида “Ички назорат бухгалтерия ҳисобини юритишда, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузишда хўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлигини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини, активларнинг бут сақланишини таъминлаш, талон-тарож қилиш ҳоллари ва хатоликларнинг олдини олиш ҳамда аниқлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсати асосида ташкил этилган чора-тадбирлар тизимиdir”<sup>27</sup> – деб таъриф берилган.

Ички назоратни ташкил этиш тартиби тиббиёт ташкилотлари фаолиятининг ҳажми ва хусусиятига, шунингдек, уларнинг бошқарув тизимига қараб кўриб чиқилади.

Ҳисоб сиёсати ва ички назорат ўртасида ҳам тўғридан-тўғри, ҳам тескари боғлиқликлари мавжуд. Иқтисодий ҳаёт фактларини акс эттиришнинг турли усулларини такомиллаштириш, шунингдек, ҳисоб сиёсатини шакллантиришда уларнинг иқтисодий зарурияти ва мақсадга мувофиқлигига тиббиёт муассасаларининг ички назорат тизимини яратиш орқали эришиш мумкин.

Соғлиқни сақлаш соҳасида меҳнат ҳақи, ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар, капитал қўйилмалар ва бошқа турдаги харажатларини молиялаштирилиши давлат тиббиёт ташкилотлари фаолият йўналишларига қараб бир - биридан фарқ қиласи. Бу эса, ушбу ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда фаолият соҳаларидан келиб чиқиб, алоҳида ёндашувларни талаб қиласи.

Давлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини умумий ҳолда иккита гурухга бўлиш мумкин: стационар ва амбулатор даволаш муассасалари. Мамлакатимизда фаолият юритаётган ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотлари мамлакатимиз ва хорижлик фуқарларга бир вақтнинг ўзида стационар ва амбулатор тиббий хизматларни кўрсата олади. Лекин, амбулатор тиббиёт ташкилот-

<sup>27</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни. 2016 йил 13 апрель ЎРҚ-404-сон.

лари мамлакатимиз ва хорижлик фуқарларга фақат амбулатор шароитда тиббий хизматларни кўрсатиши мумкин.

Шу сабабдан, ушбу тиббиёт ташкилотлари молия органлари томонидан молиялаштирилаётганда уларни фаолият йўналиши ёки ихтисослашиши инобатга олинади. Биз 1.4-жадвал орқали амбулатор ва стационар тиббий хизматларни амалга оширувчи даволаш ташкилотларининг фаолият билан боғлиқ харажатларини молиялаштириш ҳолатини кўриб ўтамиз.

#### *1.4-жадвал*

**Давлат тиббиёт ташкилотларида харажатларни  
молиялаштиришнинг таркибий тузилиши ва ўзгариши<sup>28</sup>,  
(фоизда)**

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
<b>Меҳнат ҳақи билан боғлиқ харажатлар</b>					
Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази	38,0	39,9	49,6	56,8	49,0
Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси	50,8	51,5	62,8	57,5	45,0
Шайхонтоҳур ТТБ	93,7	89,4	90,0	87,3	76,0
Шайхонтоҳур тумани 40-сон Оиласвий поликлиникаси	87,9	88,8	91,4	90,9	90,2
<b>Моддий қийматликлар билан боғлиқ харажатлар</b>					
Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази	37,9	43,1	46,7	42,7	41,5
Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси	47,2	46,7	35,7	40,5	40,9
Шайхонтоҳур ТТБ	2,4	7,0	7,1	10,1	21,7
Шайхонтоҳур тумани 40-сон Оиласвий поликлиникаси	12,1	11,2	8,6	9,1	9,8

<sup>28</sup>Тадқиқот объектларининг молиявий ҳисбот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Давлат тиббиёт ташкилотларини молиялаштиришнинг ҳолатини юқоридаги жадвал маълумотларига асосан, таҳлил қилар эканмиз, бунда, меҳнат ҳақи ва моддий қийматликлар билан боғлиқ харажатларни 2017-2021 йиллар мобайнида молиялаштирилишини 4 та давлат тиббиёт муассасаси мисолида бир-биридан фарқли жиҳатларини кўришимиз мумкин.

Жадвалдаги маълумотларидан маълумки, стационар даволаш муассасалари (Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси) билан амбулатор тиббий хизмат кўрсатувчи давлат тиббиёт муассасалари (Шайхонтоҳур ТТБ, Шайхонтоҳур тумани 40-сон Оиласвий поликлиникаси)нинг меҳнат ҳақи ва моддий қийматликлар билан боғлиқ харажатларини молиялаштириш ўртасида катта фарқланиш мавжуд.

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси стационар даволаш муассасаси бўлганлигини уларнинг харажатлари молиялаштирилишини жадвал маълумотларидан билиб олиш қийин эмас. Шунингдек, Шайхонтоҳур ТТБ ва Шайхонтоҳур тумани 40-сон Оиласвий поликлиникасининг меҳнат ҳақи ва моддий қийматликлар билан боғлиқ харажатларини молиялаштириш ўртасидаги фарқ унча катта эмас.

Стационар даволаш муассасаларида пуллик тиббий хизмат кўрсатиш улуши юқорилиги туфайли уларда моддий қийматликлар билан боғлиқ харажатлар салмоғи ҳам 37,9 фоиздан 47,2 фоизгачани ташкил қилган. Амбулатор тиббий хизмат кўрсатувчи давлат тиббиёт муассасаларида пуллик тиббий хизмат кўрсатиш даражаси юқори эмаслиги туфайли уларда моддий қийматликлар билан боғлиқ харажатлар салмоғи ҳам 2,4 фоиздан 21,7 фоизгачани ташкил қилган.

Стационар даволаш муассасаларида аҳолига тиббий хизмат турларининг кўплиги, бир вақтнинг ўзида уларда амбулатор

хизматлар кўрсатиш имкониятларининг мавжудлиги ҳам, тадқиқот объекти сифатида алоҳида ўрганиш, шунингдек, уларнинг ҳисоб ва ҳисботга оид ўзига хос жиҳатларини ўрганиб таҳлил қилиш, ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш талаб этилади.

Давлат бюджетини тартиба солувчи қонун ҳужжатларида давлат тиббиёт муассасалари молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун бюджет ёки бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган. Шундан келиб чиқиб, ташкилотларнинг фаолияти харажатлар сметалари асосида давлат бюджетидан, ёхуд даромадлар ва харажатлар сметалари асосида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Ушбу ҳолат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятини келтириб чиқаради. Фикримизни тадқиқот объектлари ҳисобланган стационар даволаш ва амбулатор тиббиёт ташкилотлари молиявий кўрсаткичларини таққослаш орқали кўриб ўтамиз (1.5-жадвал).

Юқоридаги 1.5-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатиб турибдики, 2017-2021 йилларда давлат тиббиёт ташкилотларини бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ҳолати амбулатор тиббий хизмат кўрсатувчи давлат тиббиёт ташкилотлари (Шайхонтоҳур ТТБ, Шайхонтоҳур тумани 40-сон Оиласвий поликлиникаси)да деярли фарқланмайди. Стационар даволаш муассасалари ҳисобланган Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳамда Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонасининг фаолиятини молиялаштиришнинг таркибий тузилишини йиллар кесимидағи ўзгаришини таҳлил қилганимизда, муассасаларни бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштиришда катта фарқ мавжуд.

**Давлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини  
молиялаштиришнинг таркибий тузилиши ва даврий  
ўзгариши<sup>29</sup>, (фоизда)**

<b>Давлат тиббиёт ташкилотлари</b>	<b>2017</b> <b>йил</b>	<b>2018</b> <b>йил</b>	<b>2019</b> <b>йил</b>	<b>2020</b> <b>йил</b>	<b>2021</b> <b>йил</b>
	<b>Бюджет маблағлари</b>	<b>Бюджетдан ташқари маблағлар</b>	<b>Бюджет маблағлари</b>	<b>Бюджетдан ташқари маблағлар</b>	<b>Бюджет маблағлари</b>
Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази	96,9	97,9	11,2	57,2	
	3,1	2,1	88,8	42,8	
Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси	96,6	96,5	9,9	56,0	
	3,4	3,5	90,1	44,0	
Шайхонтохур ТТБ	97,5	97,2	12,7	48,4	
	2,5	2,8	87,3	51,6	
Шайхонтохур тумани 40-сон Оиласвий поликлиникаси	97,3	96,8	24,1	53,6	
	2,7	3,2	75,9	46,4	
	97,6	97,3	18,1	43,3	
	2,4	2,7	81,9	56,7	

Буни ушбу стационар даволаш муассасаларидаги бюджет маблағлари ҳисобидан даволанадиган ва пуллик тиббий хизмат учун bemорларга ажратилган ўринлар сонидаги фарқ билан изоҳлаш мумкин. Чунки, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази 315 ўринга мўлжалланган бўлиб, шундан 200 ўрини бюджет маблағлари ҳисобидан даволанадиган bemорларга мўлжалланган. Қолган

<sup>29</sup> Тадқиқот объектларининг молиявий ҳисбот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

115 ўрини беморларга пуллик тиббий хизматлар кўрсатиш учун ажратилган. Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси 150 ўринли, шундан 30 та ўрин бюджет маблағлари ҳисобидан даволанадиган беморларга ажратилган бўлиб, 120 та ўрин пуллик тиббий хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган.

Юқоридаги жадвал маълумотлар таҳлилидан кўриш мумкинки, стационар даволаш муассасалари фаолиятида бюджетдан ташқари маблағларнинг улуши юқори. Даволаш муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларнинг улушкининг юқорилиги мазкур муассасаларда бюджетдан ташқари маблағларнинг аналитик ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ахборотларни умумлаштириш билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларни келтириб чиқаради. Биз қуйидаги 1.6-жадвалда тадқиқот обьекти ҳисобланган даволаш муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадларининг таркибий тузилишини кўриб ўтамиз.

Қуйидаги жадвал маълумотларини таҳлил қиласиз, иккита стационар даволаш муассасасини бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадининг асосий улушкини фаолият ихтисослиги бўйича аҳолига кўрсатадиган пуллик тиббий хизматдан топган маблағи эгаллайди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадига бўш турган мол-мулкини ижарага беришдан тушган маблағи ҳам киритилган.

Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонасида эса, умумий бюджет маблағлари ҳажмини беш фоизгача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлари бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадига киритилган. Бундан ташқари, даволаш муассасаларида бюджетдан ташқари даромадлари таркибида ҳомийликдан олинган маблағлар ва бошқа тушумлар ҳам киритилганлигини кўришимиз мумкин.

**1.6-жадвал**

**Даволаш ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар  
бўйича даромадларнинг таркибий тузилиши ва даврий  
ўзгариши<sup>30</sup>, (фоизда)**

<b>Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>	<b>2021</b>
	<b>йил</b>	<b>йил</b>	<b>йил</b>	<b>йил</b>	<b>йил</b>
<b>Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази</b>					
Фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан	99,3	99,5	98,9	97,5	99,9
Бюджет ташкилоти балансида турган мол- мулкни ижарага беришдан	0,7	0,5	0,7	1,0	0,1
Хомийликдан олинган бошқа тушумлар			0,4	1,1	
<b>Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси</b>					
Тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган микдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар	2,4	2,6	7,9	9,7	4,6
Фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар	97,6	97,4	90,7	90,3	95,4
бошқа тушумлар			1,4		

Юқоридаги кўриб ўтилган жадвалларнинг таҳлиллар асосида олинган натижалар стационар тарзда фаолият юритадиган даволаш муассасалари хизмат фаолияти хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, ҳисоб сиёсатини шаклантириш, уларда тиббий пуллик хизматларни амалга ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда доридармон ва ярани боғлаш воситалари билан узлуксиз таъминлаш заруриятининг мавжудлиги бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ички назорат тизимини амалга оширишда алоҳида ёндашувни талаб этади.

<sup>30</sup> Тадқикот объектларининг молиявий ҳисбот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ташкилий, техник ҳамда услугий жиҳатларини ягона тартибга келтириш, даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси бўйича тезкор, ишончли бухгалтерия ахборотларини шакллантириш имкониятини яратади.

Бу борада хорижлик олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларини ўрганиш жараёнида ҳам гувоҳ бўлдик. Жумладан, А.Федотовнинг илмий тадқиқот ишида “давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобини тартибга солувчи амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ ҳисоб сиёсатини шакллантиришлари шартлиги, амалий жиҳатдан давлат тиббиёт муассасаларининг аксарият қисми ўрганилганда ҳисоб сиёсатининг мавжуд эмаслиги, хўжалик фаолиятининг маълумотларини ҳисобга олиш ва умумлаштиришда тўлиқ акс эттирилмаслигига олиб келишини илмий жиҳатдан асослаган. Олим соғлиқни сақлаш муассасаларининг хусусиятларини акс эттирувчи ва бухгалтерия ҳисобининг муайян вариантларини қўллаш ҳуқуқини берувчи асослар рўйхатини ўз ичига олган бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш мақсадларида тиббиёт муассасасининг ҳисоб сиёсати моделини ишлаб чиқсан. Бундай моделдан фойдаланиш соғлиқни сақлаш муассасалари мутахассисларига бухгалтерия ва солиқ ҳисобларини юритишга ёрдам беришини илмий-амалий жиҳатдан исботлаб берган”<sup>31</sup>.

С.Фирстова томонидан олиб борилган тадқиқотларда тиббиёт муассасаларида ҳисоб сиёсатини тузишнинг асосий қоидалари, ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши керак бўлган ҳисоб обьектлари ва иловалар рўйхати кўрсатилган. Олим тадбиркорлик ва бошқа даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланувчи тиббиёт муассасаси ҳисоб сиёсатида кўрсатиладиган пуллик тиббий хизматлар ва ишлар турларини, алоҳида бўлинмаларга эга бўлган тиббиёт муассасалари ўша бўлинмаларга тегишли фойда улушкини аниқлаш учун қайси кўрсаткичлардан фойдаланишини, тадбиркорлик фаолиятидан олинган маблағлар ҳисобидан олинган

<sup>31</sup>Федотов А.В. Бухгалтерский учета и контроль расходов по содержанию государственных учреждений здравоохранения Краснодарского Края. Автореферат дисс. к.э.н. Кубанский государственный аграрный университет. Краснодар, 2006. - 24 с.

ва унда фойдаланиладиган мол-мулк учун амортизацияни ҳисоблаш усулини акс эттириш кераклигини илмий-амалий жиҳатдан асослаб берган<sup>32</sup>.

Л.Трофимова давлат сектори муассасаларида ҳисоб сиёсати шаклларининг хусусиятларини тадқиқ қилган. Тадқиқот ишида Россия Федерациясининг бюджет ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва давлат сектори учун молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ асосий воситалар ва товар-моддий бойликларини ҳисобга олиш усулларининг ўзгарувчанлиги, давлат секторида бухгалтерия ҳисоби учун ҳисоб сиёсатини шакллантириш методикаси кўрсатиб берилган. Ҳисоб сиёсатини шакллантириш методикасида аввало давлат муассасаларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини аниқлаш, бюджет ҳисобини ташкил этиш мақсадида саволлар йиғиш блокини қўллаш ҳамда кейинчалик ҳисоб сиёсатига тузатишлар киритишда қийинчиликлар юзага келмаслиги учун ретроспектив тарзда қўлланиши кераклигини илмий жиҳатдан асослаб берган<sup>33</sup>.

Илмий тадқиқот жараёнида олимларимиз томонидан бажарилган илмий ишларни ўрганиш натижаси шуни кўрсатадики, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби, молиявий назорат, бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий ҳисбот услубиётини такомиллаштириш масалаларига бағишлиланган илмий тадқиқот ишлари бажарилган бўлсада, айнан давлат тиббиёт ташкилотлари фаолияти юзасидан бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ҳамда молиявий назоратни яхшилашга оид илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмаган.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг соҳага оид илмий ишларини ўрганиб чиққанимизда, давлат тиббиёт ташкилотларида ҳам ҳисоб сиёсатини шакллантиришда унинг таркибий тузилиши (ташкилий, техник ва услубий жиҳатлари)га алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик (1.8-расм).

<sup>32</sup>Фирстова С.Ю. Бухгалтерский учет в медицине. Учебник.-М.: АйПиЭр Медиа, 2007. -283 с.

<sup>33</sup>Трофимова Л.Б. Особенности форм учетной политики в учреждениях государственного сектора. В журнале «Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях». 2013. № 22 (334).

## Умумий қоидалар



Давлат тиббиёт муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш



Давлат тиббиёт муассасаларида солиққа оид масалалар



Күшимча қоидалар



Иловалар

### 1.8-расм. Давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилиши<sup>34</sup>

Умумий қоидалар қисмида давлат тиббиёт ташкилотининг ҳисоб сиёсатида ошкор этилиши керак бўлган қоидалар рўйхати батафсил ёритилади. Буларга: ҳисоб сиёсатининг мақсади, қўлланиш даври, фойдаланувчилар, эълон қилиниши ва махфийлик доираси, ҳисоб сиёсатини шакллантириш асослари ва тамойилларини киритиш мумкин.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш қисмида муассасаларда бухгалтерия ҳисоби ҳисоб сиёсати принциплари асосида юритилиши, тиббиёт ташкилотларининг ўзига хос хусусиятларига қараб бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилинишидан молиявий ҳисботларни тузиш ва тақдим қилишгacha бўлган жараёнлар акс эттирилади.

Давлат тиббиёт ташкилотининг ҳисоб сиёсатида ташкилотларни бюджетдан ташқари олган даромадлари учун ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган

<sup>34</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

имтиёзлари ҳамда улар билан боғлиқ масалалари акс эттирилиши керак.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг ҳисоб сиёсати Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Соғлиқни сақлаш соҳасига оид низомлар ва стандартлар асосида ишлаб чиқилади.

Илмий назарий ҳамда услубий жиҳатдан таҳлил қиласиган бўлсак, бухгалтерия ҳисоби амалиёти билан боғлиқ тарзда шакллантирилган ҳисоб сиёсати тиббиёт ташкилоти молиявий хўжалик фаолиятини самарали бошқаришнинг зарур режагларидан бўлиб, муассасани барча мавжуд соҳалардаги фаолияти самарадорлигига бевосита таъсир қиласиди. Ҳисоб сиёсатини тўғри ишлаб чиқилганлиги, тузилганлиги ва бухгалтерия ахборотини тўлик очиб берилиши давлат тиббиёт муассасаларининг фаолият самарадорлигига бевосита таъсир қиласиди.

Шу боис, давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда, уларнинг амбулатор ёки стационар шароитда тиббий хизматлар қўрсатиши, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қайси ихтисослик бўйича фаолият қўрсатишини инобатга олган ҳолда, унинг ташкилий, техник ҳамда услубий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (1.7-жадвал).

Юқоридаги жадвал маълумотларидан қўриш мумкинки, ҳисоб сиёсати давлат тиббиёт ташкилотларидаги ҳисоб жараёнларининг барча-ташкилий, техник ва услубий жиҳатларини қамраб олган.

Ҳисоб сиёсатини услубий жиҳати давлат тиббиёт ташкилотларида мулклар ва мажбуриятларни баҳолаш, эскириш ҳисоблаш, калькуляцияларни шакллантириш ва шу кабиларни қандай усуллари қўлланилишини кўрсатади.

Ташкилий жиҳати эса, ушбу усулларни бухгалтерия хизматини ташкил этишда қандай амалга оширилишини билдиради.

**Давлат тиббиёт муассасалари ҳисоб сиёсатининг таркиби ва  
элементлари<sup>35</sup>**

<b>Таркиби</b>	<b>Ҳисоб сиёсатининг элементлари</b>
<b>Ташкилий</b>	давлат тиббиёт ташкилотлари бухгалтерия ҳисобининг норматив-хуқуқий асослари; давлат тиббиёт ташкилотларининг бухгалтерия хизмати ташкилий тузилмаси (лавозим йўриқномалари); намунавий шакллари назарда тутилмаган, хўжалик операцияларини қайд қилиш учун қўлланиладиган бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг шаклларини расмийлаштириш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш; асосий воситаларнинг инвентарь рақами тузилмаси; инвентаризация ўтказишнинг тартиби ва муддатлари; муассасада бухгалтерия архивини ташкил этиш; ички молиявий назоратни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби; доимий комиссиялар таркиби; зарур ҳолларда ички назорат муаммоларини ҳал этиш учун аудиторлик ташкилотини жалб қилиш тартиби.
<b>Техник</b>	бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар айланиши; бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган ҳисоб регистрлари; бухгалтерия счёtlари ҳамда уларни қўллаш; ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш усуллари (қўлда ёки дастурий таъминотни қўллаш орқали); фойдаланиладиган дастурий таъминот ва бошқалар.
<b>Услубий</b>	асосий воситаларни қайта баҳолаш услублари; инвентаризация қилишда (ортиқча ёки камомад аниқланганда) мулкни баҳолаш услублари; асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усуллари; активларни ҳисобдан чиқариш услуги; тиббий хизматлар калькуляциясини шакллантириш тартиби; бухгалтерия ҳисоби методологиясининг муаммоли масалаларини ҳисоб сиёсатида акс эттириш.

Техник жиҳати ушбу усулларни ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларида қандай амалга оширилишини кўрсатади.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг ҳисоб сиёсатини шакллантириш ўзига хос мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, у бир нечта кетмакет босқичларни ўз ичига олади (1.8-жадвал).

<sup>35</sup> Муаллиф ишланмаси.

**Ҳисоб сиёсатини шакллантириш босқичларида бухгалтерия  
ҳисоби ва ҳисоботи тамойилларининг амал қилишини ўзаро  
алоқаси<sup>36</sup>**

<b>Ҳисоб сиёсатини шакллантириш босқичлари</b>	<b>Тамойиллар</b>
Тайёргарлик	Мулкни изоляция қилиш
	Фаолиятнинг узлуксизлиги
	Доимийлик
	Эҳтиёткорлик
	Моддийлик
	Профессионал баҳолаш
Лойиха	Кетма-кетлик
	Тўлиқлик
	Ҳисоблаш тамойили
	Ўз вақтидалик
	Аниқлик
	Ишончлилик
	Мувофиқлик
	Муқаммаллик
	Рационаллик
	Ахборотни тизимлаштириш
Якуний (финал)	Ахборот таҳлили
	Мазмуннинг шаклдан устунлиги
Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар	Олинган натижаларни назорат қилиш
	Кетма-кетлик
Ҳисоб сиёсатини ошкор қилиш	Таққосланувчанлик
	Нейтраллик
	Хақиқийлик
	Тушунарлилик
	Мавжудлилик
	Мувофиқлик
	Аҳамиятлилик

Давлат тиббиёт ташкилотларида бошқарув қарорларининг тўғри қабул қилиниши олинган бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг аниқлиқ даражаси ва баҳоланишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини

<sup>36</sup>Муаллиф ишланмаси.

шакллантириш жараёни 1.8-жадвалда кўрсатилган босқичларда амалга оширилади.

Бу ўз навбатида, даволаш муассасаларида кўрсатилган тиббий хизмат турлари бўйича қилинган харажатлар юзасидан оператив ахборотларни шакллантириш, маблағлардан фойдаланишини назорат қилиш ва маблағлар узлуксизлигини таъминлаш, ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга хизмат қилади.

Шунингдек, давлат тиббиёт ташкилотларида озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармон ва ярани боғлаш воситаларнинг белгиланган лимитларга асосан оператив тарзда таъминланиши ва уларнинг сарфланишини назорат қилиш, масъул шахсларнинг ҳисобдорлигини белгилаш ва шахсий жавобгарлигини ошириш ҳам ҳисоб сиёсати билан белгиланади.

Тайёргарлик босқичида ҳисоб сиёсатини шакллантириш жараёнидан олдин амалдаги ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар таҳлил қилинади, натижада давлат тиббиёт муассасалари ҳисоб сиёсатида кўриб чиқмоқчи бўлган бир қатор масалалар аниқланади. Тиббиёт ташкилоти фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган бухгалтерия ҳисобининг соҳалари, бўлимлари ва объектларини ажратиб кўрсатиш тавсия этилади.

Лойиҳа босқичида ҳисоб сиёсатини шакллантириши учун барча мумкин бўлган вариантлар кўриб чиқилади. Бош ҳисобчи ҳисоб сиёсатини шакллантириш учун жавобгар бўлишига қармай, бухгалтерия ҳисобининг у ёки бу усулини танлашда фақат бухгалтерия бўлимининг фаолияти нуқтаи назаридан афзалликларга асосланиб бўлмайди, ҳисоб сиёсати муассасанинг барча таркибий бўлимлари фаолиятини ўз ичига қамраб олади. Бундан ташқари ҳисоб сиёсатини шакллантиришда оқилона ҳисобга олиш талабига риоя қилиш керак.

Якуний босқичда муайян ҳудудлар, объектлар ва операциялар учун бухгалтерия ҳисоби усулларини танлаш бўйича муассаса томонидан қабул қилинган қарорлар ҳисоб сиёсатига киритиш орқали тўғри расмийлаштирилади. Танланган ҳисоб сиёсати

тегишли меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган талаблар ва қоидаларга жавоб берадиган ички меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар мамлакатимиздаги меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилганда, тиббиёт ташкилоти фаолиятида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилганда ва ҳисоб объектлари ҳақидаги маълумотлар сифатини оширишга олиб келадиган янги усуллари ишлаб чиқилганда амалга оширилади. Ҳисобот йилидан кейинги йил учун ҳисоб сиёсатига киритилган ўзгартиришлар молиявий ҳисботни тушунтириш хатида изоҳ берилади.

Ҳисоб сиёсатини ошкор қилиш уни оммага эълон қилиши ҳисобланади. Ҳисоб сиёсатини ошкор қилиш мажбурияти ўз молиявий ҳисботларини тўлиқ ёки қисман нашр этадиган ташкилотларга нисбатан қўлланилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришни ҳар бир босқичида кўрсатилган тамойиллар билан боғлиқлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки, улар ишончли ва тушунарли ҳисоб сиёсатини яратишда, барча манфаатдор фойдаланувчиларга зарур маълумотларни тақдим этишда ва муассаса фаолиятининг самарадорлигини оширишга имкон беради.

### **1.3. Давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолиятида ички назорат тизимининг назарий-ташкилий асослари**

Молия йили мобайнида сметалар ижроси жараёни очиқлигини таъминлаш, даромадлар ҳамда харажатларга оид маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш, маблағларнинг мақсадли ва манзилли сарфланиши юзасидан кузатувни ошириш, молиялаштиришни амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот тизимини такомиллаштириш, давлат тиббиёт ташкилотларида бюджет-смета тартибга риоя қилинишини таъминлаш юзасидан жавобгарликни ошириш, шу билан бирга, замонавий ахборот технологиялар ва давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини жорий этиш орқали бюджет тизимиға оид

қонунчилик талабларини бузишни олдини олиш ва профилактикаси юзасидан давлат молиявий назоратининг ролини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, давлат молиявий назоратида бюджет қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш мақсадида давлат молиявий назорати объектлари ўрганилади, таҳлил қилинади ҳамда таққосланади. Давлат молиявий назорати давлатнинг молия сиёсатини амалга оширишга ва молиявий барқарорлик учун шароитларни яратишга қаратилган.

Молиявий назорат услубий жиҳатдан мустақил, барча турдаги молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳисобига назорат доирасидаги иқтисодий бошқарув фаолияти ҳисобланади.

Молиявий назорат молия органларида амалга ошириладиган молиявий жараёнларни мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигига, халқаро ҳуқуқ нормаларига, фойдаланишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини ва фаолиятнинг ҳақиқий якуний натижаларига эришишни текширишни таъминлайди.

Молиявий назорат доирасига пуллик асосда амалга ошириладиган иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни, яъни пул маблағларидан, айрим ҳолларда эса, уларнинг эквивалентларидан фойдаланишларни киритиш мумкин. Ушбу жараёнда молиявий назоратни амалга ошириш ҳам маълум бир тамойилларга асосланилади (1.9-расм).

Молиявий назоратнинг қонунийлик тамойилида молиявий назорат жараёнининг барча иштирокчилари пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жамоат муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари меъёрларига риоя қилиш мажбуриятини оладилар. Ҳар қандай назорат ҳаракатлари ваколатли бўлиши ва амалдаги қонунчиликдан четга чиқмаслиги керак.



### **1.9-расм. Молиявий назорат тамойиллари<sup>37</sup>**

Конуннинг бузилиши текширилаётган муассаса учун салбий молиявий оқибатларга олиб келиши мумкин. Жумладан, муассаса фаолиятини тугатиш, санкциялар қўллаш, етказилган зарарни қоплаш ва ишни судга ошириш (суд ишларини юритиш).

Молиявий назоратнинг объективлик тамоили. Бу ўз навбатида, ҳуқуқий ва ахлоқий хусусиятга эга бўлган асосий талаблар: назоратни амалга оширишда манфаатдорлик, тарафкашлик, қарамлик ва бошқа шунга ўхшаш муносабатларнинг йўқлиги ва унинг ишончлилиги билан белгиланади.

Бирорта ҳам, ўрганилмаган факт тергов предмети бўлиши мумкин эмас ва текшириш натижалари, ҳатто уларда қонун бузилиши аниқланмаган бўлса ҳам, тасдиқланиши ва асосланиши керак. Объективлик кафолати молиявий назорат жараёнини тартибга соловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, услугубий кўрсатмалар, йўриқномалар ва назорат режаларига риоя қилиш ҳисобланади.

Молиявий назоратнинг мустақиллик тамоили, шуни англатадики, унда назорат фаолиятини амалга оширувчи мансабдор

<sup>37</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

шахслар, молиявий ёки бошқа сабабларга кўра текширилаётган шахсларга қарам бўлмаслиги керак. Текширувчиларнинг хулосасини ўзгартириш учун бу мансабдор шахсларга ҳеч ким босим ўтказмаслиги керак.

Молиявий назорат органларининг фаолияти қонун ҳужжатларида ёки ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисидаги шартномада уларга берилган чегаралар доирасида қатъий амалга оширилади.

Молиявий назоратнинг ошкоралик тамойили. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг реал молиявий аҳволи иқтисодий муносабатларнинг марказий элементи ҳисобланади. Молиявий назорат натижалари фақат молиявий назорат жараёнининг чекланган миқдордаги иштирокчилари учун эмас, балки, кенг фойдаланувчилар доираси учун ҳам очик бўлиши керак. Текширув материаллари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак. Молиявий назорат натижаларини яшириш молиявий текширишни қадрсизлантиради, ташкилот ва муассасаларнинг молиявий-хўжалик фаолиятидаги салбий фактларнинг олдини олиш, бартараф этиш учун аҳамиятини йўқотади.

Молиявий назоратнинг махфийлик тамойилининг моҳияти шундан иборатки, текшириш пайтида назоратчи томонидан олинган маълумотлардан фақат амалдаги қонунчиликка мувофиқ фойдаланилиш ёки учинчи шахсларга берилиши мумкин. Назорат қилувчилар тафтиш ва текширишлар жараёнида ўzlари томонидан олинган ёки тузилган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаши шарт ва ушбу ҳужжатларни ёки уларнинг нусхаларини учинчи шахсларга бериши мумкин эмас. Назорат қилувчилар муассаса раҳбарининг розилигисиз улардаги маълумотларни оғзаки равишда ошкор қилиши тақиқланади, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Муассаса тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш ёки тарқатиш, текширувчининг фикрича, унга моддий ёки бошқа заар етказмаслигидан қатъий назар, махфийлик тамойилига риоя қилиши керак. Ушбу тамойилга амал қилиш муассаса билан

муносабатларнинг давом этиши ёки тугатилишидан қатъий назар шарт. Текширувчи касбий муаммоларни ҳал қилиш жараёнида унга маълум бўлган текширилаётган муассасанинг иши тўғрисидаги маҳфий маълумотлардан ўз манфаати учун ёки учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб фойдаланиши мумкин эмас.

Молиявий назоратнинг жавобгарлик тамойилида молиявий назорат жараёнининг барча иштирокчилари назорат тадбирларини сифатсиз ва малакасиз амалга оширганликлари учун жавобгарлиги кўзда тутилган.

Масалан, молиявий назоратни амалга оширишда мансабдор шахслар назорат текширувни сифатсиз ва нотўғри ўтказган тақдирда, кейинчалик текширилаётган шахсга зарар етказганда интизомий, фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Молиявий назоратнинг самарадорлик тамойили. Назорат молиявий натижаларни келтира олади, уни назорат харажатларини назорат натижалари бўйича аниқланган даромадлар билан таққослаш йўли орқали ҳисоблаш мумкин.

Молиявий назоратнинг мажбурийлик тамойилининг мазмуни шундан иборатки, молиявий назорат маълум вақт давомида, маълум бир ҳудудда ҳамда муайян мансабдор шахсларга, ташкилотларнинг таркибий бўлинмаларига нисбатан мажбурий бўлиши керак.

Молиявий назоратнинг изчиллиги. Мамлакатимиз иқтисодиётини бошқаришнинг турли даражаларида ишлайдиган бюджет, солик, божхона, банк, суғурта, аудит, ички ва бошқа назорат тизимлари мавжуд. Умуман олганда, улар давлат ҳокимиятининг турли тармоқлари ва даражалари, тадбиркорлик фаолиятини ифодаловчи молиявий назоратни амалга оширадилар, лекин айни пайтда қонунга риоя қилиш тизимини ташкил этувчи элемент ҳисобланади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратнинг ўзига хос хусусиятлари бор, бу унинг мақсади ва вазифаларида акс этади. Ҳозирги вақтда фаолият юритаётган давлат тиббиёт ташкилотлари

бюджет маблағлари ҳисобидан қисман ёки тўлиқ молиялаштирилади. Бу ҳам молиялаштиришнинг ўзига хос томонларидан бири ҳисобланади.

Молиявий назорат субъектига давлат тиббиёт ташкилотида назорат функцияларини бажарувчи маҳсус бўлимни киритиш мумкин.

Молиявий назорат обьекти эса фаолияти бюджет ва бюджетдан ташқари мабағлар ҳисобидан молиялаштирилайдиган тиббиёт ташкилотининг хўжалик-фаолияти ҳисобланади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратни ташкил қилиш ҳамда амалга оширишдан бош мақсад маблағлар, давлат активларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва қонунийлигини тъминлашдир.



### 1.10-расм. Молиявий назоратнинг вазифалари<sup>38</sup>

<sup>38</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратни ташкил қилишнинг белгиланган мақсадига эришиш учун қуидаги асосий вазифалар бажарилиши керак (1.10-расм).

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назорат дастлабки, жорий ва кейинги назорат шаклида амалга оширилади.

Дастлабки назоратда давлат тиббиёт ташкилотларининг режаси, дастури ва сметаларининг тузилиши назоратдан ўтказилади.

Жорий назорат-махсус органлар томонидан тезкор амалга ошириб турилади. Бунга бухгалтерия ҳисобининг асосий функцияларидан бири назорат бўлиб, кўп жиҳатдан бухгалтерия ҳисоби тузилмасини тўғри ташкил қилинишига боғлиқлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Кейинги назорат – бу ўтган даврдаги фаолиятни текширишдир, буларга хўжалик фаолиятини комплекс тафтиш ёки молиявий аудитдан ўтказишни киритиш мумкин.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадиган молиявий назорат органларига бюджет қонунчилигига кўрсатилган ваколатли органлар киради.

Молиявий назорат давлат тиббиёт ташкилотларида қуидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин (1.11-расм).

Текшириш ҳамда мавзули назоратда давлат тиббиёт ташкилотларида айнан бир ҳисбот даври юзасидан назорат объектлари ўрганилади ва фаолияти натижаларига баҳо берилади.

Молиявий назоратни эксперт баҳолаш ва аналитик ҳисобкитоблар шаклидан давлат тиббиёт ташкилотларида дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини тўғри сарфланганлигини текшириш жараёнидагина фойдаланилади. Бунда четдан мутахассислар жалб қилиниб, ҳар бир bemor бўйича бир кунлик меъёр асосида сарфланган дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори текширилади.



### **1.11-расм. Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назорат шакллари<sup>39</sup>**

Молиявий назоратга оид маълумотлар ва хужжатларни ўрганиш шакли давлат тиббиёт ташкилотларига зарур бўлган пуллик тиббий хизмат турлари бўйича тушумлар, моддий харажатлар ва уларнинг сарфланиш ҳолати, пуллик тиббий хизмат турлари калькуляцияси ҳисобни бирламчи хужжатлар билан солишириб текширишда қўлланилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларидағи номолиявий активлар ҳамда молиявий активларни инвентаризациядан ўтказиш амалда белгиланган меъёрий ҳуқуқий хужжатлар талаблариға асосланади. Шунингдек, инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулклар, маблағлар камомади ва ортиқча чиқишлари бўйича далолатномалар тузилиб, муассаса раҳбарига бошқарув қарорини қабул қилиш учун тезкор маълумот тайёрланади.

<sup>39</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

Давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий ҳисобот кўрсаткичларини таҳлил қилишдан мақсад молия йилида муассасаларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар кассаси ижроси, уларнинг ҳолати, даромадлар ва харажатлар, номолиявий активлар ҳаракати, дебитор ва кредитор қарздорликлар ҳамда фаолият тури бўйича пуллик тиббий хизмат кўрсатишдан тушган маблағларни олдинги йиллар билан таққослаб ўрганишдир. Бунда, муассасанинг молия – хўжалик фаолияти тўлиқ таҳлил қилиниб, бошқарув қарорлари учун тезкор маълумотлар тайёрланади. Юқоридаги молиявий назорат шаклларига кўра қуидаги назорат текширув турларига ажратилади (1.12-расм).



*1.12-расм. Давлат тиббиёт ташкилотларида назорат текширув турлари<sup>40</sup>*

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратнинг ҳар бир тури ўзига хос афзалликларга эга.

Профилактик текширувлар тиббиёт ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятини дастлабки назорат қилиш босқичида ташкил этилади. Бу молиявий назоратнинг энг самарали усули бўлиб, тиббиёт ташкилотларининг хўжалик фаолиятида турли хил

<sup>40</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

молиявий хуқуқбузарликлар, жиноятлар ва ресурсларни йўқотишнинг олдини олишга ёрдам беради.


Тематик текширув бу тиббиёт ташкилоти томонидан амалга ошириладиган муайян хўжалик операцияларини кейинги назорат қилиш шакли ҳисобланади. Тематик текширувлар пайтида ҳуқуқий маълумотлар, бухгалтерия маълумотлари, хронологик кузатувлар қўлланилади, шунингдек, қимматбаҳо нарсалар ва касса операциялари ҳам, танлаб инвентаризация қилинади.

Тафтиш бу назорат обьектини чуқур ва кенгайтирилган қамраб олиш учун қўлланиладиган назорат фаолияти шаклидир. Тафтишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, обьектни текширишда унинг барча хўжалик фаолиятини акс эттирувчи турли хил маълумотлар манбаларидан фойдаланилади ва бузилишлар бирламчи ҳужжатлар (смета, счёт-фактуралар, шартномалар, тўлов квитанциялари ва бошқалар) билан тасдиқланади.

Шунингдек, назорат қилиш обьектларига кўра назорат чораларини қуидагиларга бўлиш мумкин: умумдавлат текшириш; соҳалар бўйича текшириш; минтақавий текшириш; обьект бўйича текшириш.

Бошқарув фаолияти турларидан бири сифатида давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назорат бир қатор мажбурий тамойиллар асосида амалга оширилиши керак (1.13-расм).

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратнинг қонунийлик тамойилида муассаса фаолиятини текширувчилар амалдаги тиббиёт ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиши талаб этилади. Тиббиёт ташкилотида ҳар қандай назорат ишларини олиб борища ваколатли бўлиши ҳамда амалдаги лавозим йўриқномасидан четга чиқмаслиги керак.



### **1.13-расм. Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратнинг мажбурий тамойиллари<sup>41</sup>**

Холислик тамойилининг моҳияти, назоратчи жамоа манфаатлари устуворлигига риоя этиши, беғараз бўлиши ва тахминларга асосланиши, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа шахсларнинг босимлари сабабли ўзининг касбга оид фикрмуроҳзасида таваккалчилик қиласлиги, тиббиёт муассасасининг молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларга йўл қўймаслиги керак.

Мустақиллик тамойилида давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратни амалга оширувчи бўлим фақат муассаса раҳбарига бўйсунади ва ҳисбот беради, бошқаларнинг аралашишига йўл қўйилмайди.

Ошкоралик тамойили, давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратнинг натижалари фақатгина, муассасанинг бошқарув ходимларига эмас, балки ишловчи ходимларни ҳам ҳабардор қилишни назарда тутади.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг самарадорлик тамойилида тиббиёт ташкилотини текшириш давридаги молиявий натижалар таҳлил қилинади, даромадлар билан харажатлар таққослаш йўли билан ҳисобланади.

<sup>41</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

Амалдаги норматив ҳужжатларга асосан ташкилотларнинг молиявий ва номолиявий активларидан фойдаланишдаги моддий жавобгар шахсларнинг лавозимини сустеъмол қилганлиги туфайли маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

Молиявий назорат натижалари бўйича текширув далолатномаси тузилади, у молиявий назорат ходимлари, текширилаётган давлат тиббиёт ташкилоти раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади.

Текширув далолатномаси асосида қонунбузарликларни белгиланган муддатларда бартараф этиш чора-тадбирлари кўрсатилган тақдимнома ёки уни олиш вақтида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма тайёрланади.

Молиявий назорат органлари тақдимномалар ва кўрсатмаларнинг бажарилишини мажбурий равишда назорат қиласи. Агар, улар бажарилмаса, жарима шаклида маъмурий чоралар кўрилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратни ташкил этиш муаммоларини иккита катта гурухга бўлиш мумкин.

Биринчидан, бу молиявий назоратни амалга оширишни тартибга солувчи қонунчилик базаси билан боғлиқ муаммолар. Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назорат органларининг ваколатлари ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланмаганлиги, ижро органларининг назорат функциялари ва уларнинг фаолият соҳаларининг чалкашлиги, молиявий назоратни амалга ошириш бўйича аниқ ички стандартларнинг йўқлиги, стратегик молиявий назоратни жорий молиявий назоратдан ажратилмаганлиги, молиявий назорат обьектлари доирасининг ноаниқлиги каби ҳуқуқий камчиликлардан иборат.

Муаммоларнинг иккинчи гурухи молиявий назорат органлари фаолиятидаги камчиликлар билан боғлиқ. Бюджетнинг даромад қисмини ижро этиш, солик ундириш, турли имтиёзлар белгилаш ва тўловлардан озод қилиш бўйича чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги ва қонунга хилофлиги, бюджет олдидаги қарздорликнинг ортиб бориши ва тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига

риоя этмаслик ҳолатларини шу гурӯҳ камчиликлари сифатида эътироф этиш мумкин.

Мавжуд молиявий назорат тизимининг юқорида тавсифланган барча салбий томонлари мавжуд тузилма ва таъсир кўрсатиш усулларини ислоҳ қилишнинг ишончли ҳуқуқий асосларини яратиш асосида тегишли молиявий назорат тизимини яратишни тақозо этади. Молиявий назоратнинг бундай тизимини дунёда ва мамлакатда хукм сураётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароит, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти йўналишларининг доимий равишда кенгайиб бораётгани, шунингдек, ахборот оқимининг кўпайиши ва хўжалик юритувчи субъектларни ўзгартириш тенденцияси талаб этилади.

Шундай қилиб, ҳақиқатан самарали молиявий назоратни яратиш учун молиявий назорат тизимида жиддий ўзгаришларни амалга ошириш керак. Бунда, қуйидаги бир қатор муаммоларни ҳал қилиш талаб этилади:

“тўлиқ ва тизимли норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш;

ташкилий жиҳатдан молиявий назорат тузилмаларини ислоҳ қилиш;

янги назорат тартиблар тизимини яратиш;

ахборот-технология инфратузилмаси ва услубий базани ташкил этиш;

назорат қилувчи органларнинг моддий-техник, жумладан, ижтимоий ва молиявий фаолиятини таъминлаш”<sup>42</sup>.

Давлат тиббиёт ташкилотларида ички молиявий назоратни яратиш зарурияти туғилганда, уни ташкил этишнинг қуйидаги варианtlари танланиши мақсадга мувофиқ:

“биринчиси, назорат функцияларини тақсимлаш ва уларни тиббиёт муассасаси бошқарувчи ходимлари ўртасида тақсимлаш;

иккинчиси, тиббиёт ташкилотларида жамоатчилик комиссиясини тузиш;

<sup>42</sup>Кулибоев А.Ш. Давлат тиббиёт муассасаларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришда ахборот тизимларидан фойдаланиш://Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларини жорий этишда акциядорларнинг ролини кучайтириш йўллари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами.–Тошкент, 2018.– Б. 245.

учинчиси, ички аудит бўлимини ташкил этиш. Аудиторни ёллаш ёки штатда бундай лавозимни жорий этиш”<sup>43</sup>.

Соғлиқни сақлаш тизимидағи муассасаларда ички назоратни яратиш учун, бошқарув жараёнининг ҳар қандай босқичида назорат объектиning ҳақиқий ҳолати дастлабки режалаштирилган ҳолатдан фарқ қиласи. Бундай ўзгаришларнинг сифати ва мазмуни ҳақида ўз вақтида маълумот олиш учун ички назорат тизими зарур.

Умуман олганда, давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратнинг назарий, хуқуқий асосларини ўрганиш, мамлакатимизда бошқарув ҳисоби назарияси ва амалиётини соғлиқни сақлаш тизимининг ҳамма бўғинларида назорат функциясини таъминлашда комплекс ёндашувга хизмат қиласи, дейиш мумкин.

---

<sup>43</sup>Kuliboyev A.Sh. «Organization of management accounting in public medical institutions» IMPACT: International Journal of Research in Business Management, Vol. 10, Issue 5, May 2022. – Pp. 1–8.

## **II БОБ. ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

### **2.1. Давлат тиббиёт ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳисоб сиёсатининг амалда қўлланилиши**

Мамлакатимиз бюджетидан молиялаштириладиган давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб ишларини ташкил этиш ва молиявий ҳисботларни тузиш қоидаларига келсак, 2010 йилдан бери кўплаб норматив-хукуқий хужжатлар қабул қилинганлигини кўришимиз мумкин. Ҳозирги вақтда фаолият юритаётган давлат тиббиёт ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)га асосан юритади ва “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалари” (2018 йил 15 февраль, 2971-сон)га мувофиқ молиявий ҳисботларни тузади ҳамда топширади.

Давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан харажатлар сметаси ва штат жадваллари “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низом” (2014 йил 15 декабрь, 2634-сон)га асосан тузилади, тасдиқланади ҳамда молия органларида рўйхатдан ўtkазилади.

Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисботларига бўлган ишончлилик даражасини ва маълум бир даврийликдаги молиявий ҳисботларини, шунингдек, бошқа бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисботларини ўзаро солиштириш даражасини оширишга мўлжалланган, барча бюджет ташкилотларида қўлланилиши назарда тутилган “Ҳисоб сиёсати” номли Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли БҲС) (2016 йил 27 декабрь, 2853-сон) расмий жиҳатдан кучга кирган бўлса-да, ҳозирги кунга қадар амалдаги ҳолат бўйича тадқиқотимиз давомида ўрганилган давлат тиббиёт муассасаларида ҳисоб сиёсатининг шакллантирилмаганлигига гувоҳ бўлдик.

Лекин, давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсати таркибий бўлинмалари ва элементларининг айрим жиҳатлари тарқоқ ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Жумладан, давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатининг қўйидаги элементларини: балансга кирим қилинган асосий воситаларга инвентарь рақам берилиши, ҳисоб объектлари аналитик ҳисобини юритиш учун бухгалтерия счётларининг қўлланилиши, асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш, муассаса балансидаги асосий воситалар ва товар-моддий захираларининг инвентаризациядан ўтказилиши, асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши, инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг ҳисобда акс эттирилиши ва пуллик тиббий хизматлар калькуляциясини шакллантиришни амалиётда қўлланилганлигини кўришимиз мумкин.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил этишининг услугий асосларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

“Ўзбекистон Республикаси Молия вазири буйруғи билан тасдиқлаган бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича низомлар, йўриқномалар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш учун услугий кўрсатмалари, тавсиявий хусусиятга эга бўлган тушунтириш хатлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан тегишли тармоқ вазирлик ва идоралар билан биргалиқда тасдиқланган норматив ҳужжатлар;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири буйруғи билан тасдиқланган даволаш-профилактика муассасаларида пуллик тиббий хизматлар таннархларини шакллантириш тартиби тўғрисида низоми;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган санитария меъёрлари, қоидалари ва гигиеник нормативлари;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Молия вазирлиги биргаликда тасдиқланган соғлиқни сақлаш ходимларини штат нормативлари;

Ҳисоб сиёсати, иш ҳужжатлари, дастурий таъминот ва бошқалар”<sup>44</sup>.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия хизмати тузилмаси ва бухгалтерия хизмати ходимлари лавозим йўриқномаларининг амалдаги ҳолатини ҳам қониқарли, деб бўлмайди.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия хизмати ходимлари “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг штат нормативлари” асосида шакллантирилиб, ташкилотнинг штатлар жадвалида акс эттирилади. Бунда албатта тиббиёт ташкилотининг фаолият кўрсатиш турига қаралади. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ бош ҳисобчи бошчилик қиласиган ташкилотнинг бухгалтерияси мустақил таркибий бўлинма ҳисобланади ва ташкилотнинг бошқа бирон-бир бўлинмаси таркибига киритилиши тақиқланади. Бош ҳисобчи бухгалтерия ходимлари учун хизмат вазифаларини ҳар бир ходим учун алоҳида белгилайди. Бухгалтерияда хизмат вазифалари функционал белгиларга қараб тақсимланади, яъни ходимларнинг ҳар бир грухига ёки алоҳида бир ходимга ишнинг ҳажмига қараб, маълум бир соҳа биректирилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларидаги ҳолатни ўрганганимизда бухгалтерия ходимларининг лавозим йўриқномалари яхлит ҳолда тасдиқланмаганлигини кўришимиз мумкин. Фақатгина ташкилот бош ҳисобчиси, иш ҳақи ҳисоб-китоби ҳисобчиси, моддий бойликлар ҳисобчиси ва ғазначиники тасдиқланган. Бундай вазиятда бош ҳисобчи қолган бухгалтерия ходимларига оғзаки топшириқ бериш билан чекланади.

---

<sup>44</sup>Kuliboyev A.Sh. «Management accounting system in state medical institutions and its organizational aspects»// International conference on Developments in Education. Toronto, Canada. August 29<sup>th</sup> 2022. -Pp. 56-60.

Асосий воситаларнинг тўғри, бут ва тўлиқ сақланиши бўйича назоратни йўлга қўйиш ҳамда ҳисобини ташкил этиш давлат тиббиёт ташкилоти балансида бўлган ҳар бир асосий воситага (кутубхона фондларидан ташқари) бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага асосан ўн белгидан иборат инвентарь рақам берилади.

Инвентарь рақамнинг дастлабки уч белгиси асосий воситани ҳисобга олувчи субсчёти билдиради, тўртинчи ва бешинчи белги-асосий воситанинг гуруҳини, қолган беш белги эса, асосий воситанинг гуруҳдаги тартиб рақамини билдиради.

Масалан, 0110000001 - инвентарь рақамида 011 -“Нотураржой иморатлар” субсчётини, 001 - нотураржой иморатларнинг тартиб рақамини билдиради;

0191000001-инвентарь рақамида 019 “Бошқа асосий воситалар” субсчётини, 10-гурух-хўжалик инвентари, 00001-предметнинг тартиб рақамини билдиради.

Хозир барча давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан харид қилинган асосий воситаларга инвентарь рақами “УзАСБО” дастурий мажмуасида асосий воситаларни балансга кирим қилиш вақтида берилмоқда.

Давлат тиббиёт ташкилотларида инвентаризация ўтказиш тартиби 19-сонли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш” (1999 йил 2 ноябрь, 833-сон) қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Мол-мulkни инвентаризацияси унинг жойлашган жойи ва моддий жавобгар шахс бўйича ўтказилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида мажбурий тартибдаги инвентаризация куйидаги ҳолатларда ўтказилади:

асосий восита сотиб олинганда, ижарага берилганда, сотилганда, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат корхонасини ўзгартириш (давлат тасарруфидан чиқарилган)да;

Йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан, бундан инвентаризацияси ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин ўтказилган мол-мулк мустасно.

Инвентаризацияни ўтказишининг асосий қоидаларидан бири ҳисобот йилидаги инвентаризациялар сони, уларни ўтказиш санаси, активлар ва мажбуриятлар рўйхати муассаса раҳбари томонидан белгиланиши керак. Бу ҳолатнинг амалда мавжуд эмаслигини тадқиқот ўтказилган муассасалар мисолида кўрдик.

Умумий ҳолатда, давлат тиббиёт ташкилотлари балансидаги асосий воситалар, товар-моддий захиралар ва пул маблағлари 2.1-жадвалда кўрсатилган муддатларда инвентаризациядан ўтказилиши керак. Инвентаризацияни ўтказиш учун давлат тиббиёт муассасаларида доимий ишлайдиган инвентаризация комиссияси тузилади.

Доимий ишлайдиган инвентаризация комиссиясининг шахсий таркиби давлат тиббиёт ташкилоти раҳбарининг бўйруғи билан тасдиқланади. Комиссия таркибига комиссия раиси сифатида раҳбар ёки унинг ўринбосари, бош ҳисобчи, моддий бойликлар ҳисобчиси, муассаса таркибидаги бўлим ёки бўлинмаларнинг моддий жавобгар шахслари киритилади. Шунингдек, доимий ишлайдиган инвентаризация комиссияси таркибига муассасанинг ички аудит хизмати вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

Давлат тиббиёт ташкилотлари бухгалтериясида ходимларнинг иш ҳақига доир ҳужжатлари сақланади, қолган бухгалтерия ҳужжатлари давлат молиявий назорат органлари томонидан текширилгандан сўнг текширув далолатномаларига асосан архивга топшириб юборилади. 2014 йилдан бошлаб ходимларнинг иш ҳақига оид маълумотлари тўлиқ “УЗАСБО” дастурий мажмуаси серверларида сақланиши йўлга қўйилган. Бу ҳам бухгалтерия ходимларига яратилган қулайликлардан бири ҳисобланади.

## 2.1-жадвал

### Давлат тиббиёт ташкилотларида инвентаризация объектлари ва уни ўтказиш муддатлари<sup>45</sup>

<b>№</b>	<b>Инвентариза- ция объектлари</b>	<b>Инвентаризацияни ўтказиш муддати</b>	<b>Инвентаризацияни ўтказишга масъул</b>	<b>Назорат қилувчи шахс</b>
1	Асосий воситалар	икки йилда камида бир марта	Доимий ишлидиган инвентаризация комиссияси	Раҳбар
1.1.	Шундан, кутубхона фондлари	беш йилда бир марта	Доимий ишлидиган инвентаризация комиссияси	Раҳбар
2	Товар-моддий захиралар	бир йилда камида бир марта	Доимий ишлидиган инвентаризация комиссияси	Раҳбар
2.1	Шундан, озиқ- овқат маҳсулотлари	хар чоракда	Доимий ишлидиган инвентаризация комиссияси	Раҳбар
2.2.	Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари	хар чоракда	Доимий ишлидиган инвентаризация комиссияси	Раҳбар
2.3.	Ёнилғи, ёқилғи- мойлаш материаллари	хар чоракда	Доимий ишлидиган инвентаризация комиссияси	Раҳбар
3	Пул маблағлари, пул хужжатлари, қийматликлари ва қатъий ҳисобдаги бланклар	ойда бир марта	Доимий ишлидиган инвентаризация комиссияси	Раҳбар

Давлат тиббиёт ташкилотларида ички назоратни ташкил  
қилиш мақсадида дастлаб, муассасанинг фаолият йўналишларига

<sup>45</sup>Муаллиф ишланмаси.

мувофик, амалдаги меъёрий хужжатларнинг талабларига риоя қилиш, ҳисоб сиёсатини шакллантириб, уни амалиётга тўлиқ жорий қилиш зарур. Иккинчи навбатда, давлат тиббиёт ташкилотларида таркибий бўлим (бўлинма)ларнинг фаолиятини назорат қилиш, молия-хўжалик жараёнларини бошқариш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлаш ҳамда самарали бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминлаш мақсадида бошқарув ҳисобини жорий этиш зарур.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг амалдаги ҳолатини илмий жиҳатдан тадқиқ қилганимизда ҳисоб сиёсатини техник жиҳатларининг қуидаги элементларидан фойдаланаётганлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, давлат тиббиёт ташкилотлари бухгалтерия ҳисобида хужжатларнинг айланиши. Давлат тиббиёт ташкилотларининг таркибий бўлим ва бўлинмалари томонидан ой давомида бухгалтерия хизматига белгиланган муддатда қуидаги хужжатлар топширилади:


- фойдаланилган иш вақти ҳисоби ва иш ҳақи ҳисоблаш табели;
- кунлик озиқ-овқат маҳсулотларини бериш учун Меню-Талабнома;
- дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари бўйича ҳисобот;
- ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари бўйича ҳисобот;
- кунлик кассир ҳисоботи;
- ҳисобдор шахсларнинг аванс ҳисоботи;
- товар-моддий захиралари сарфланиши бўйича юк хат (талабнома)лари;
- коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан олинган ҳисоб-варақ ва солиштирма далолатномалар ҳамда бошқалар.

Юқоридаги хужжатлар муассаса масъул ходимлари томонидан тўлиқ расмийлаштирилиб, бухгалтерия хизмати ходимларига ўз вақтида топширилади. Топширилган хужжатлар асосида бухгалтерия хизмати ходимлари томонидан ойлик мемориал

ордерлар “УзАСБО” дастурий мажмуасида шакллантирилади, муассасанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аниқланади ҳамда ойлик айланма қайдномалари тайёрланиб, бошқарув қарорларини қабул қилишда раҳбариятга тезкор маълумотлар бериб борилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўлиқ “УзАСБО” дастурий мажмуасида юритилаётганлиги сабабли кунлик содир бўлган хўжалик муомалаларини дастурга киритиб бориш натижасида ҳисоб регистрлари автоматлашган ҳолда шаклланиб боради.

Давлат тиббиёт ташкилотлари бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган ҳисоб регистрларини 2.1-расм орқали ифодалаш мумкин.



## 2.1-расм. Давлат тиббиёт ташкилотлари бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган ҳисоб регистрлари<sup>46</sup>

<sup>46</sup>Муаллиф томонидан “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)га асосан тузилган.

Шунингдек, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг счёtlар режаси “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)нинг 25-иловасида келтирилган бўлиб, счёtlар бир неча субсчёtlарга бўлинади. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини қайта ишлаш ва уларни “УзАСБО” дастурий мажмуасига киритишда бухгалтерия субсчёtlаридан бевосита фойдаланилади. Бу ерда, ҳар бир субсчёт муайян бир шахсий ҳисобварақقا бириктирилган бўлади. Тиббиёт ташкилотларида бюджет таснифи асосида ҳар бир маблағнинг касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисобини юритиш учун алоҳида шахсий ҳисобварақлар очилади.

Ҳисоб сиёsatининг техник жиҳатларини ташкил қилувчи элементларидан бири бу ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш усуллари, деб номланади. Ҳозирги кунда барча бюджет ташкилотлари сингари, давлат тиббиёт муассасаларида ҳам ҳисоб маълумотлари дастурий таъминотни қўллаш орқали қайта ишланади. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, биз юқорида “УзАСБО” дастурий мажмуаси ҳақида бир неча маротаба фикр юритсак-да, аслида бу дастур ҳақида тўлиқ маълумот бермадик.

“УзАСБО” дастурий мажмуаси (ДМ) “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)га асосан Молия вазирлигининг Ахборот-ҳисоблаш марказида ишлаб чиқилган. Дастур мажмуаси Web-технологияга асосланган бўлиб, маълумотлар марказлашган ҳолда сақланади ва дастурдан фойдаланиш интернет тармоғи орқали амалга оширилади. “УзАСБО” дастурий мажмуаси ДМБАТ дастури билан маълумотлар алмашиш имкониятига эга.

Бюджет ташкилотларида автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоби дастурий мажмуаси ҳисобланган “УзАСБО”дан фойдаланишнинг ўзига хос афзалликлари бор (2.2-расм).

Давлат тиббиёт ташкилотлари бош ҳисобчиларига дастурдан фойдаланиш ҳуқуқи берилади, улар Молия вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-ҳисоблаш марказидан олинган “УзАСБО” дастурий

мажмуасига кириш учун логин ва пароллар билан Молия вазирлигининг дастурий майдончасидан фойдаланишлари мумкин.

### “УЗАСБО” ДМнинг фойдаланишдаги афзалликлари

- Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисботларни тайёрлашга оид методик кўрсатмалар ҳамда йўриқномаларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар дастурга марказлашган ҳолда киритиб борилади
- Барча фойдаланувчилар дастурнинг охирги версиясидан фойдаланишади
- Маълумотлар базаси маҳсус серверларда сақланиб, ҳар кунлик маълумотлар кун охирида архивга сақлаш учун олиб турилади
- Фойдаланувчининг компьютери носоз ҳолга келганида маълумотлар йўқолмайди ва фойдаланувчи бошқа компьютердан дастурда ишлашни давом эттириш имкониятига эга
- Дастур Интернет браузери орқали амалга оширилиб, фойдаланувчи компьютеридан ортиқча жой эгалламайди
- Бюджет ташкилотларидаги бухгалтерия ҳисобининг тўлиқ циклини ўз ичига олган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бўйича операциялар автоматлашади
- Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби бўйича Йўриқнома ва бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бўйича бошқа норматив-хукукий хужжатларнинг талабларига тўлиқ мувофиқликни таъминлайди
- ДМБАТ ва бошқа мавжуд компьютер дастурлари билан интеграциялашув учун кенг имкониятлар беради.

### 2.2-расм. “УЗАСБО” ДМдан фойдаланиш афзалликлари<sup>47</sup>

Биз юқорида давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш амалиётидаги ҳисоб сиёсатининг ташкилий ва техник жиҳатларини ташкил қилувчи элементларининг қўлланилиш ҳолатини кўриб чиқдик. Энди бухгалтерия ҳисобини юритишнинг услугубий жиҳатларини ташкил қилувчи ҳисоб сиёсатининг элементларини амалиётдаги қўлланилиши билан танишамиз.


Давлат тиббиёт ташкилотларида асосий воситалар ҳар йили келгуси молия йилининг 1 январь ҳолатига амалдаги қонунчиликка мувофиқ қайта баҳоланади. Асосий воситаларни қайта баҳолаш деганда, асосий воситаларнинг дастлабки қийматини ҳозирги бозор

<sup>47</sup>Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ахборот-ҳисоблаш маркази маълумотлари асосида тузилган.

нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштирилиши тушунилади. Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида ҳисоб ва ҳисоботда улар жорий қиймати бўйича акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати қайта баҳолангандা, қайта баҳолаш ўтказилган санадаги асосий воситаларнинг жамланган эскириши асосий воситаларни дастлабки қиймати ўзгаришининг тегишли асосий фондларни қайта баҳолаш индексларига тузатилади ҳамда кейинги ҳисобланадиган эскириш қайта баҳолангандан қиймати ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳар йили 1 январь ҳолатига асосий фондларни қайта баҳолаш индексларини эълон қиласди. Давлат тиббиёт ташкилотларида асосий воситаларни қайта баҳолаш “УзАСБО” дастурий мажмуаси орқали амалга оширилади (2.3-расм).



### 2.3-расм. Давлат тиббиёт ташкилотларида асосий воситаларни “УзАСБО” ДМда қайта баҳолаш<sup>48</sup>

Ҳар йили 1 январь ҳолатига давлат тиббиёт ташкилотларининг асосий воситаларини қайта баҳолаш ва уларнинг ҳисобини юритиш ишларини муассасанинг моддий бойликлар ҳисобчиси бажаради, назоратини бош ҳисобчи олиб боради.

Давлат тиббиёт ташкилотларида асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаларининг ҳисоби “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)га мувофиқ юритилади ва “УзАСБО” дастурий мажмуасининг “Қайта баҳолаш” номли 18-мемориал ордерида жамланма ҳисоби шакллантирилади.

Ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатлари элементларидан бири бу инвентаризация қилишда (ортиқча ёки камомадда) мулкни

<sup>48</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

баҳолаш услублари ҳисобланади. Амалдаги ҳолат бўйича давлат тиббиёт ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини ўрганганимизда бухгалтерия хизмати томонидан инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган асосий восита ва товар-моддий-захиралар, ортиқчалиги аниқланган санадаги шунга ўхшаш асосий восита ва товар-моддий-захираларнинг бозор қиймати бўйича уларни ҳақиқий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади (ортиқча чиқиш сабаби ва айбор шахс кейинчалик аниқланади), норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда давлат тиббиёт ташкилоти ҳисобига қабул қилинади ҳамда ҳисобда “Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида” Низом (2004 йил 6 апрель, 1334-сон) талабларига асосан акс эттирилади.

Агарда, асосий восита ва товар-моддий-захиралар бюджет ёки бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан олинган бўлса, айбор шахсдан ундириладиган сумма асосий восита ва товар-моддий-захиралар қийматидаги бюджет ёки бюджетдан ташқари маблағнинг улушига мос равища тақсимланиб, маблағни тегишли қисми бюджет даромадига ўтказиб берилади, қолган қисми давлат тиббиёт ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафига (ёки Фазначиликда очилган шахсий ҳисобварафига) кирим қилинади.

Давлат тиббиёт ташкилотида моддий жавобгар шахс бўйича аниқланган асосий восита ва товар-моддий-захиралар камомади ўрнига моддий жавобгар шахснинг муассаса ихтиёрига берган асосий восита ва товар-моддий-захиралар камомад чиқсан асосий восита ва товар-моддий-захиралар қийматига teng ёки кам бўлганда, ушбу асосий восита ва товар-моддий-захиралар амалдаги тартиб бўйича бозор қийматида кирим қилинади, етишмайдиган қисми эса моддий жавобгар шахслардан пул маблағларини кассага ёки муассаса шахсий ҳисобварафига ундириш орқали қопланади.

Инвентаризация натижасида аниқланган пул маблағларининг камомади моддий жавобгар шахслардан ундирилиб, белгиланган тартибда давлат тиббиёт ташкилотига кирим қилинади.

Инвентаризация жараёнида аниқланган асосий восита ва товар-моддий-захиралар, пул маблағлари камомади ва ортиқчаси бўйича инвентаризация комиссияси томонидан далолатномалар расмийлаштирилиб, давлат тиббиёт ташкилотининг раҳбарига тасдиқлатилади.

Давлат тиббиёт ташкилотлари асосий воситаларининг эскириши “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)нинг 63-иловасига мувофиқ “Бюджет ташкилотлари асосий воситаларининг йиллик эскириш меъёрлари”га асосан ҳар йили аниқланади. Шунингдек, ҳар ойда муассасанинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботида акс эттирилади. Бунда эскириш меъёрлари асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қийматига нисбатан фоизларда белгиланади.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш мазкур асосий воситалар муассасага қабул қилиб олинган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланади ҳамда мазкур асосий воситанинг дастлабки қиймати доирасида ёки бу асосий воситани балансдан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади. Ҳисбот йили давомида асосий воситаларга эскириш ҳар ойда йиллик эскириш суммасининг 1/12 миқдорида ҳисобланади. Давлат тиббиёт ташкилотларида асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш “УзАСБО” дастурий мажмуаси орқали амалга оширилади (2.4-расм).



2.4-расм. Давлат тиббиёт ташкилотларида асосий воситаларга “УзАСБО” ДМда эскириш ҳисоблаш<sup>49</sup>

<sup>49</sup>Муаллиф ишланмаси.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш асосий воситаларни дастлабки қиймати түлиқ қопланган ёки асосий восита балансдан ҳисобдан чиқарилгандаги ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб тұхтатилади.

Асосий воситаларнинг самарали фойдаланиш муддати мобайнида эскириш ҳисобланиши тұхтатилмайды, лекин асосий воситаларда амалга оширилған құшимча қуриш ишлари бажарылғанда, құшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозланғанда, реконструкция ёки модернизация қилинғанда, техник қайта жиҳозлаш ишлари олиб борылғанда түлиқ тұхтатилған ҳолаттар бундан мустасно.

Хисобот даврида асосий воситалар бүйіча эскириш ҳисоблаш амалга оширилиб, муассасанинг бухгалтерия ҳисобида тегишли ҳисобот даврида акс эттирилади. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш асосий воситалар қийматининг 100 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Давлат тиббиёт ташкилотларида номолиявий активларни ҳисобдан чиқаришнинг амалиётдаги тартибини изохлашдан олдин, албатта номолиявий активлар турлари билан танишиб чиқиши мақсадға мувофиқ ҳисобланади. Номолиявий активлар таркибига асосий воситалар, товар-моддий захиралари ва номоддий активлар киради.

Давлат тиббиёт ташкилотларида асосий воситаларни ҳисобдан чиқарылышы “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби түғрисидаги низом (янги таҳрирда)” (2004 йил 29 август, 1401-сон) қоидалари ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофиқ тартибга солинади.

Асосий воситалар қуйидагилар натижасида давлат тиббиёт ташкилотлари балансидан чиқарылади (2.5-расм).



## 2.5-расм. Давлат тиббиёт ташкилотларида асосий воситаларни балансдан чиқариш сабаблари<sup>50</sup>

Давлат тиббиёт ташкилотларида асосий воситаларнинг тугатилиши муносабати билан уларнинг қийматини балансдан чиқариш юқори ташкилотнинг розилик хати асосида амалга оширилади. Асосий воситалар қисман тугатилган ҳолатда уни дастлабки қиймати ва жамланган эскириш суммаси тегишлилиги бўйича асосий воситани тугатилган қисмини дастлабки қиймати ва жамланган эскириш суммасига камайтирилиши мумкин.

Асосий воситаларни давлат тиббиёт ташкилоти балансидан ҳисобдан чиқариш, шунингдек, асосий воситалар ва бошқа товар – моддий қийматликларни сотишдан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби амалдаги норматив -хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Асосий воситаларнинг уларни тугатилиши сабабли ҳисобдан чиқариш тўғрисида комиссиянинг қабул қилинган қарор натижалари “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома” (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)га

<sup>50</sup>Муаллиф томонидан “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Низом (янги таҳрирда) (2004 йил 29 август, 1401-сон) асосида тузилган.

мувофиқ “Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома” (АВ-4-сон шакл бюдж.) ва транспорт воситалари бўйича эса “Бюджет ташкилотларида транспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома” (АВ-4а-сон шакл бюдж.) билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатномалар икки нусхада тузилиб, барча комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

Бир нусхаси давлат тиббиёт ташкилотлари бухгалтериясига берилади, иккинчи нусхаси асосий воситаларни сақлаётган моддий жавобгар шахсада қолдирилади, ҳисобдан чиқариш натижасида қолган моддий қийматликларни омборга топшириш ёки сотиш учун асос бўлади. Ташкилот балансидаги транспорт воситасини ҳисобдан чиқаришда бухгалтерияга далолатнома билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигини Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органларида ҳисобдан чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам тақдим қилинади.

Давлат тиббиёт ташкилоти раҳбари (ёки унинг ўринбосари) томонидан ушбу далолатномалар тасдиқланмагунча асосий воситаларни демонтаж қилишга ва қисмларга бўлишга йўл қўйилмайди.

Номоддий активлардан давлат тиббиёт ташкилоти аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, аниқланган касалликларга диагностик ташхис қўйиш учун фойдаланади. Ташкилот балансида ушбу активлар тиббий хизматларни кўрсатиш жараёнида фойдаланиш учун узоқ муддат (бир йилдан ортиқ) сақлаб турилади. Номоддий активлар тиббиёт ташкилотининг моддий-ашёвий кўринишга эга бўлмаган мол-мулки ҳисобланади.

Номоддий активлар фойдаланишга яроқсиз ҳолга келгунига қадар бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади ҳамда фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган номоддий активлар амалдаги тартиб бўйича ҳисобдан чиқарилади. Номоддий активларни ҳисобдан чиқаришда асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришда тўлдириладиган ҳужжат шаклларидан фойдаланилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида товар-моддий захираларини балансдан ҳисобдан чиқариш тартиби “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби түғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)га мувофиқ амалга оширилади.

Товар-моддий захиралари давлат тиббиёт ташкилотининг балансидан 2.6-расмда кўрсатилган ҳолатларда чиқарилади.

Товар-моддий захираларини омбордан бериш давлат тиббиёт ташкилоти (ёки унинг ўринбосари) томонидан тасдиқланган ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади. Давлат тиббиёт ташкилотларида товар-моддий захираларини омбордан бериш учун қуидаги асосий ҳужжатлар расмийлаштириллади:

Давлат тиббиёт ташкилотларида товар-моддий захираларини (озик-овқат маҳсулотларидан ташқари) омбордан бериш ёки муассаса ичida жойдан-жойга қўчириш учун юк хати (талабнома) (434-сон шакл) асос бўлади. Талабнома икки нусхада ёзилади.



## 2.6-расм. Давлат тиббиёт ташкилотларида товар-моддий захираларини балансдан чиқариш сабаблари<sup>51</sup>

<sup>51</sup>Муаллиф томонидан “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби түғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон) асосида тузилган.

Давлат тиббиёт ташкилотининг омборидан озиқ-овқат маҳсулотлари “Озиқ-овқат маҳсулотларини бериш учун меню талабнома” (299-шакл)га асосан берилади. Меню талабнома озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаш меъёри ва муассасасида ҳар куни даволанаётган bemorlar сони ҳақидаги маълумотлар асосида тузилади. Ушбу ҳужжат озиқ-овқат маҳсулотларини бериш ва олиш ҳақидаги мансабдор шахснинг тилхати билан бирга белгиланган муддатда (ойига уч марта) муассаса бухгалтериясига топширилади.

Давлат тиббиёт ташкилоти эҳтиёжи учун берилган материаллар қайдномаси (410-сон шакл) ой давомида хўжалик ва бошқа мақсадлар беришда қўлланилади. Бунда, қайдномадаги ёзувларни хронологик тартибда эмас, ҳар бир материал тури бўйича пулинни ёзиш учун маълум қаторлар қолдирилган ҳолда тўлдирилади, натижада, ой охирида ҳар бир материал тури бўйича умумий якун чиқариш имконияти яратилади.

Зabor карта (431-сон шакл) материаллар ва қундалик ёнилғиларни беришда, ой давомида маълум муддатларда беришда қўлланилади. Бир неча турдаги материалларни мақсадга мувофиқ сарфлаш учун зabor картаси ҳар бир қабул қилиб оловчи номига ёзилади. Бу ҳужжат ҳам икки нусхада расмийлаштирилади, биттаси қабул қилиб оловчининг тилхати билан бирга омборхона мудирида сақланади, иккинчиси қабул қилиб оловчида сақланади.

Ҳар куни материаллар бериладиган бўлса, зabor картаси 15 кун муддатга, вақти-вақти билан бериладиган бўлса, бир ой муддатга ёзилади. Ёнилғи ва материаллар қабул қилиб оловчи ўз зabor картасини кўрсатгач, белгиланган лимит доирасида берилади. Лимитдан ортиқча белгиланган материаллар юк хати (талабнома) (434-сон шакл) бўйича берилади. Ёнилғиларни омборхонадан зabor картаси ёки талабнома бўйича бериш мумкин бўлмаган ҳолларда сарфланган ёнилғилар қолдигини ўлчаш далолатномалари бўйича хисобдан ўчирилади.

Ўлчаш далолатномалари билан ёнилғининг белгиланган сарфлаш меъёрлари таққосланганда камомад чиқса, давлат тиббиёт ташкилоти раҳбари ортиқча сарфлаш сабабини аниқлаш

тадбирларини, баъзан, айбдор шахслардан ундириш чораларини кўради.

Йўл варақаси ташкилот эҳтиёжи учун сарфланган барча турдаги ёқилгини ҳисобдан ўчириш учун ишлатилади. Ёқилғи қанча сарф бўлган бўлса, шунча ҳисобдан ўчирилади, бунда, сарфланган ёқилғи миқдори автомобилларнинг русумлари учун ўрнатилган тартибда белгиланган меъёрлардан ортиқ бўлмаслиги керак.

Товар-моддий захиралар улар сотиб олинган баҳода ёки улар ҳар хил нархларда сотиб олинган бўлса, ўртача баҳода ҳисобдан ўчирилади. Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар доирасида давлат тиббиёт ташкилоти раҳбари (ёки ваколатли шахс) томонидан тасдиқланган юқоридаги тегишли ҳужжатларга мувофиқ ҳисобдан чиқарилиши лозим.

Давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган пуллик тиббий хизматлар калькуляцияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 11 апрель 2017 йилдаги 150-сонли буйруғи асосида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи даволаш-профилактика муассасаларида аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматлар нархларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом” талабларига мувофиқ шакллантирилади.

Хозирги кунда давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб объектлари бўйича ҳисобни ташкил этиш, счёtlар режасида аналитик ҳисобини юритиш ва улар ҳаракатига оид ҳисбот кўрсаткичларини шакллантириш қоидалари ҳамда услубий талаблардан келиб чиқиб, яхлит ҳисоб сиёсатини шакллантириш зарур.

Юқорида давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг амалдаги тизими билан танишиб, уларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш жараёнида тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсати техник, ташкилий ва услубий жиҳатдан тўлиқ шакллантирилмаган, бу эса, ушбу муассасаларда бухгалтерия

ҳисобини юритиш услубиётининг муаммоли масалаларини юзага келтиради, ички назорат тизимиға салбий таъсир қиласи ҳамда бошқарув қарорларининг нотўғри қабул қилинишига олиб келади.


## **2.2. Давлат тиббиёт ташкилотларини бюджетдан молиялаштириш жараёнлари ҳисобини юритиш**

Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритаётган давлат тиббиёт ташкилотлари ўз функцияларини тўлиқ бажаришда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши учун узлуксиз равишда доридармон ва ярани боғлаш воситалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши, моддий-техник базани яхшилаш, сифатли тиббий хизматларни амалга ошириш, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар базасидан ҳисобкитобларни ўз муддатида амалга ошириш учун бюджет ва бюджетдан ташқари пул маблағларга зарурият туғилади.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси шароитида давлат тиббиёт ташкилотлари пул маблағларини Газначилик ва унинг ҳудудий бўлимларида очилган шахсий ҳисобварақларида юритадилар. Газна ижросига ўтмаган давлат тиббиёт муассасалари пул маблағлари банкларда очилган ҳисобварақларида юритилмоқда. Умумий кўринишида давлат тиббиёт ташкилотларининг ҳисобварақларидаги бюджет маблағларини қўйидагича акс эттириш мумкин (2.7-расм).

Давлат тиббиёт ташкилотларини ҳам ўз навбатида, давлат бюджети маблағларидан молиялаштирилишига қараб икки гурухга бўлиш мумкин.

Биринчидан, тўлиқ ёки қисман давлат бюджети маблағларидан молиялаштириладиган тиббиёт муассасалари. Бутурдаги давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджет маблағлари Газначилик ва унинг ҳудудий бўлимларида очилган шахсий ҳисобварақларда юритилади.



## 2.7-расм. Давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджет пул маблағлари ҳисобини юритилиши<sup>52</sup>

Иккинчидан, ҳукумат қарори асосида ташкил этилган, таъсисчиси давлат ҳисобланган давлат тиббиёт муассасалари. Бу турдаги давлат тиббиёт ташкилотлари бюджетдан молиялаштирилмасдан, ахолига фақат пуллик тиббий хизматлар кўрсатади. Пул маблағлари банкларда очилган ҳисобрақларидан юритилади.

Шунингдек, ғазна ижросига ўтган давлат тиббиёт ташкилотлари шахсий ҳисобварақларни очища молиялаштирилиш даражасига қараб, тегишли молия органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қиласидилар:

шахсий ғазна ҳисобварақни очиш учун ариза;

харажатлар сметасининг нусхаси;

Капитал қурилиш буюртмачилари учун – капитал қурилиш обьектлари бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмаси, қурилишларнинг ва лойиҳа-тадқиқот ишларини манзилли рўйхати ҳамда қурилишларнинг титул рўйхати.

Давлат тиббиёт ташкилотларини сақлаш учун бюджетдан молиялаштирилаётганда, ташкилотнинг молия йили учун тузган харажатлар сметаси ва унга илова қилинган харажат моддалари бўйича ҳисоб-китоблар талаб қилинади.

<sup>52</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг харажат гурухлари бўйича давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан молиялаштирилди (2.8-расм).



2.8-расм. Иқтисодий тасниф бўйича харажатлар гурухи<sup>53</sup>

Биринчи навбатда давлат тиббиёт ташкилотларининг сметасида I ва II гурух харажатлари бўйича тўловлар амалга оширилди. Лекин, II гурух харажатлари бўйича тўловлар амалга оширилмасдан туриб, I гурух харажатларининг тўловини амалга оширишга рухсат берилмайди.

Тегишли бюджет бўйича ғазна ҳисобваракларида I ва II гурух харажатлари тўлови учун зарур маблағларни қоплайдиган қолдиклар мавжуд бўлганда, I ва II гурух харажатларини тўлиқ

<sup>53</sup> “Бюджет таснифини кўллаш бўйича Йўрикнома” (2010 йил 11 октябрь, 2146-сон) асосида муаллиф томонидан тузилган.

амалга оширган давлат тиббиёт муассасалари учун III ва IV гурӯҳ харажатларини амалга оширишга рухсат берилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларини молиялаштиришда янги молия йилида бюджетдан ажратиладиган маблағлар давлат тиббиёт ташкилотларининг ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидаги ҳолатига кўра товар-моддий бойликларнинг нормативдан ортиқ қолдиғи суммасига камайтирилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида маблағлар ҳисобининг ташкил этилиши, юритилиши ва молиявий назоратни йўлга қўйиш бевосита сметалар ижроси билан боғлиқ. Бунда, харажатлар сметалари ижроси ҳисоби касса харажатлар ва ҳақиқий харажатлар шаклида ҳар бир харажат моддалари кесимида юритилади.

Харажатлар сметасининг касса ижроси ҳисобини юритиш харажат моддалари бўйича тиббиёт ташкилоти фаолиятида пул маблағларининг сарфланиши юзасидан ахборотларни очиб беришга қаратилган бўлса, ҳақиқий харажатлар ҳисобини юритиш эса, маблағлар ва уларнинг манбалари билан боғлиқ ҳақиқий ҳолатни акс эттириш учун хизмат қиласи.


Демак, харажатлар сметалари ижроси ҳисоби билан боғлиқ ҳолда касса харажатлар ва ҳақиқий харажатлар ҳисобига оид кўрсаткичларни таҳлил қилиш зарурияти вужудга келади. Қуйидаги 2.2-жадвалда тадқиқот обьекти саналган даволаш муассасалари-нинг сўнгги 5 йилликдаги харажатлар сметалари касса ижросига оид маълумотларни кўриб ўтамиш.

**Даволаш муассасалари фаолиятини давлат бюджетидан молиялаштириш билан боғлиқ касса  
харажатлар ва уларнинг таркибий тузилиши<sup>54</sup>, (минг сўмда)**

Кўрсаткичлар	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил	
	Касса харажатлари	Харажатлар таркибидаги улуши (%)								
<b>Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллый маркази</b>										
I-гурух “Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар”	2 638 627,3	35,0	3 274 077,7	36,1	5 090 593,7	54,8	5 440 966,9	58,1	6 933 641,3	58,2
II-гурух “Иш ҳақига қўшимчалар”	640 563,7	8,5	790 521,6	8,7	1 221 035,9	13,1	1 310 992,5	14,0	1 612 209,1	13,5
IV-гурух “Бошқа харажатлар”	4 251 132,9	56,5	5 006 472,5	55,2	2 978 448,2	32,1	2 606 089,9	27,9	3 361 867,5	28,2
<i>Шундан,</i>										
<i>Товар ва хизматлар бўйича харажатлар</i>	<i>1 141 824,0</i>	<i>15,2</i>	<i>2 370 875,4</i>	<i>26,1</i>	<i>2 439 008,2</i>	<i>26,3</i>	<i>2 606 089,9</i>	<i>27,9</i>	<i>3 361 867,5</i>	<i>28,2</i>
<i>Асосий воситалар бўйича харажатлар</i>			<i>67 789,0</i>	<i>0,8</i>						
<i>Ижтимоий нафакалар</i>	<i>3 109 308,9</i>	<i>41,3</i>	<i>2 567 808,1</i>	<i>28,3</i>	<i>539 440,0</i>	<i>5,8</i>				
<b>Жами</b>	<b>7 530 323,9</b>	<b>100</b>	<b>9 071 071,8</b>	<b>100</b>	<b>9 290 077,8</b>	<b>100</b>	<b>9 358 049,3</b>	<b>100</b>	<b>11 907 717,9</b>	<b>100</b>
<b>Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси</b>										
I-гурух “Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар”	231 486,9	48,1	258 934,7	55,8	404 864,8	55,7	774 593,2	62,3	695 086,6	40,7
II-гурух “Иш ҳақига қўшимчалар”	55 014,6	11,4	62 962,8	13,6	100 904,6	13,9	166 390,7	13,4	164 952,1	9,7
IV-гурух “Бошқа харажатлар”	194 596,3	40,5	142 098,6	30,6	221 168,6	30,4	301 164,6	24,3	846 815,4	49,6
<i>Шундан,</i>										
<i>Товар ва хизматлар бўйича харажатлар</i>	<i>167 222,3</i>	<i>34,8</i>	<i>113 829,6</i>	<i>24,5</i>	<i>144 292,6</i>	<i>19,8</i>	<i>259 223,6</i>	<i>20,9</i>	<i>763 295,4</i>	<i>44,7</i>
<i>Асосий воситалар бўйича харажатлар</i>	<i>8 568,0</i>	<i>1,8</i>	<i>10 369,0</i>	<i>2,2</i>	<i>54 286,0</i>	<i>7,5</i>	<i>9 320,0</i>	<i>0,8</i>	<i>23 747</i>	<i>1,4</i>
<i>Бошқа харажатлар</i>	<i>18 806,0</i>	<i>3,9</i>	<i>17 900,0</i>	<i>3,9</i>	<i>22 590,0</i>	<i>3,1</i>	<i>32 621,0</i>	<i>2,6</i>	<i>59 773</i>	<i>3,5</i>
<b>Жами</b>	<b>481 097,8</b>	<b>100,0</b>	<b>463 996,1</b>	<b>100,0</b>	<b>726 938,0</b>	<b>100,0</b>	<b>1 242 148,5</b>	<b>100,0</b>	<b>1 706 854,1</b>	<b>100,0</b>

<sup>54</sup> Тадқиқот обьектларининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Юқоридаги жадвал асосида таҳлил қиласынан бўлсак, бюджет маблағлари ҳисобидан Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг харажатларини молиялаштириш қўйидаги кўринишда бўлган (2.9-расм).



**2.9-расм. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази харажатларининг молиялаштирилиши ҳолати, (фоизда)<sup>55</sup>**


2.9-расм маълумотларидан тушуниш мумкинки, 2017-2021 йиллар давомида Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказини бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришда I ва II гуруҳлар бўйича харажатларининг салмоғи ошиб, яъни I гурух харажатларини молиялаштириш 2017 йилда умумий харажатларни 35 фоизини ташкил қилган бўлса, 2021 йилда бу 58,2 фоизга ўсган. II гурух харажатлари ҳам 2017 йилда умумий харажатларни 8,5 фоизини ташкил қилган бўлса, 2021 йилда бу қўрсаткич 13,5 фоизга ошган.

Марказнинг IV гуруҳ харажатларини 2017-2021 йиллардаги молиялаштириш ҳолати аксинча пасайганлиги жадвал маълумотларидан кўриниб турибди. Мазкур қўрсаткич 2017 йилда

<sup>55</sup> Тадқикот обьекти молиявий ҳисбот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

56,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда 28,2 фоизни ташкил этган ҳамда сўнгги тўрт йил давомида 28,3 фоизга қисқарган.

Буни коронавирус пандемияси натижасида бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг асосий қисми давлат тиббиёт ташкилотларининг ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган ижтимоий нафақаларга ажратилганлиги, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида санаторийларда даволаниши учун марказга бюджетдан маблағ ажратилмаётганлиги ҳамда давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатидаги олиб бораётган ислоҳотлар натижасида давлат тиббиёт муассасаларига солиқ, мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалар бўйича имтиёз берилиши туфайли бюджет маблағларидан тежаб фойдаланаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.



**2.10-расм. Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси харажатларининг молиялаштирилиши ҳолати, (фоизда)<sup>56</sup>**

<sup>56</sup> Тадқиқот обьекти молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Шунингдек, 2.2-жадвал маълумотларидан тадқиқот обьекти ҳисобланган Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси харажатларини молиялаштирилиш ҳолати юқоридаги кўринишида бўлган (2.10-расм). Юқоридаги 2.10-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси харажатларини бюджет маблағларидан молиялаштиришда 2017 йилга нисбатан 2020 йилда I-гуруҳ харажатларининг улуши 48,1 фоиздан 62,4 фоизга ҳамда II-гуруҳ харажатларининг улуши 11,4 фоиздан 13,4 фоизга ошган бўлса, IV-гуруҳ харажатларининг салмоғи 40,5 фоиздан 24,2 фоизга пасайган.

2021 йилдаги шифохона харажатларини молиялаштириш ҳолатини таҳлил қилганимизда, умумий харажатларга нисбатан I-гуруҳ харажатларининг улуши 40,7 фоиз, II-гуруҳ харажатларининг улуши 9,7 фоиз ва IV-гуруҳ харажатларининг улуши 49,6 фоизни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Шифохона харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришнинг 2020-2021 йиллардаги маълумотларидан кўриниб турибди-ки, 2020 йилга нисбатан 2021 йилда I-гуруҳ харажатлари 62,4 фоиздан 40,7 фоизга ва II-гуруҳ харажатлари 13,4 фоиздан 9,7 фоизга сезиларли даражада пасайган бўлса, IV-гуруҳ харажатларининг улуши 24,2 фоиздан 49,6 фоизга ўсган.

Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан 2020 йил учун молиялаштиришда коронавирус пандемияси туфайли иш ҳақи ва унга tenglashтириладиган тўловлар улуши ошган бўлса, 2021 йилда эса шифохонанинг аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини ошириш ва даволанувчиларга қулай шароитлар яратиш мақсадида инвентарь ва хўжалик жиҳозларини харид қилиш ҳисобига бошқа харажатлар улуши юқори бўлган.

Харажатлар сметаси доирасида давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан амалга оширилган, лекин тўлаб берилмаган харажатлар ҳақиқий харажат кўринишида ҳисобда акс эттирилади.

2.3-жадвал

**Даволаш муассасаларининг ҳақиқий харажатлари таркиби ва уларнинг даврий ўзгариши<sup>57</sup>,  
(минг сўмда)**

Кўрсаткичлар	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил	
	Ҳақиқий харажатлар	Харажатлар таркибидаги улуши (%)								
<b>Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллый маркази</b>										
I-гурӯх «Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар»	2 681 121,5	31,6	3 293 834,7	31,6	5 138 702,0	47,3	5 186 633,7	50,0	7 298 327,7	54,6
II-гурӯх «Иш ҳақига кўшимчалар»	648 817,3	7,6	809 873,3	7,8	1 239 577,6	11,4	1 218 744,4	11,8	1 740 751,3	13,0
IV-гурӯх «Бошқа харажатлар»	5 158 281,9	60,8	6 333 384,0	60,7	4 475 052,4	41,2	3 958 246,4	38,2	4 326 880,5	32,4
Шундан,										
Товар ва хизматлар бўйича харажатлар	1 250 430,2	14,7	2 546 265,7	24,4	2 475 443,0	22,8	2 786 655,7	26,9	3 274 314,3	24,5
Асосий воситалар бўйича харажатлар	797 662,8	9,4	1 219 310,2	11,7	1 460 169,4	13,5	1 171 590,8	11,3	1 052 566,1	7,9
Ижтимоий нафақалар	3 110 188,9	36,6	2 567 808,1	24,6	539 440,1	5,0				
<b>Жами</b>	<b>8 488 220,7</b>	<b>100</b>	<b>10 437 092,0</b>	<b>100</b>	<b>10 853 332</b>	<b>100</b>	<b>10 363 624,5</b>	<b>100</b>	<b>13 365 959,4</b>	<b>100</b>
<b>Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси</b>										
I-гурӯх «Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар»	230 946,8	50,6	265 278,2	57,6	419 966,4	60,6	783 225,5	63,8	694 503,4	41,6
II-гурӯх «Иш ҳақига кўшимчалар»	55 280,7	12,1	64 991,2	14,1	103 527,2	14,9	167 149,8	13,6	168 163,0	10,1
IV-гурӯх «Бошқа харажатлар»	170 303,3	37,3	130 626,7	28,3	169 076,5	24,4	278 167,4	22,6	808 663,4	48,4
Шундан,										
Товар ва хизматлар бўйича харажатлар	156 038,1	34,2	116 989,5	25,4	145 499,3	21,0	248 403,6	20,2	765 789,2	45,8
Асосий воситалар бўйича харажатлар	14 265,2	3,1	13 637,3	3,0	23 577,2	3,4	29 763,8	2,4	42 874,2	2,6
<b>Жами</b>	<b>456 530,9</b>	<b>100,0</b>	<b>460 896,2</b>	<b>100,0</b>	<b>692 570,2</b>	<b>100,0</b>	<b>1 228 542,7</b>	<b>100,0</b>	<b>1 671 329,7</b>	<b>100,0</b>

<sup>57</sup> Тадқиқот обьектларининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Смета доирасида иш ҳақи ҳисобланган, лекин суммаси тўлаб берилмаган ёки иш, хизматлар кўрсатилган, товарлар олинган, лекин пули тўлаб берилмаган харажатлар ҳақиқий харажат кўринишида тегишли дафтарларда, ҳисоботларда акс эттирилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларнинг асосий воситаларига эскириш ҳисоблаш, уларни қайта баҳолаш ва ҳисобдан чиқариш ҳамда товар-моддий захираларини ҳисобдан чиқариш муомалаларини ҳам ҳақиқий харажатларга киритиш мумкин.

Юқоридаги 2.3-жадвалда тадқиқот обьекти саналган даволаш муассасаларининг сўнгги 5 йилликдаги харажатлар сметалари доирасида амалга оширилган ҳақиқий харажатларига оид маълумотларни кўриб ўтамиз.

Жадвалда биз иккита стационар тиббиёт ташкилотларининг 2017-2021 йиллардаги ҳақиқий харажатларини ўрганганимиз. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг I-гуруҳ бўйича ҳақиқий харажатлари беш йил мобайнида ошиб борган, яъни, 2017 йилда жами харажатнинг 31,6 фоизини ташкил қилган бўлса, 2021 йилда 54,6 фоизини ташкил этган. Буни сўнгги беш йилда тиббиёт ходимларининг ойликлари ошиши билан изоҳлаш мумкин.

Шунга мутаносиб равишда II-гуруҳ бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлари ҳам кўпайган, яъни, 2017 йилда жами харажатнинг 7,6 фоизини ташкил қилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 13 фоизга teng.

Марказнинг IV-гуруҳи бўйича амалга ҳақиқий харажатлари салмоғи сўнгги беш йилда камайганлигини жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин. 2017 йилда бошқа харажатларнинг жами харажатга нисбатан улуши 60,8 фоизни teng бўлган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 32,4 фоизни ташкил қилган. Бунга асосий сабаб марказга 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида санаторийларда даволаниши учун марказга бюджетдан маблағ ажратилмаётганлигидир.

Шунингдек, Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонасининг 2017-2021 йиллардаги ҳақиқий харажатлари таркиби ва уларнинг даврий ўзгаришининг таҳлилида, I- ва II-гурухлар харажатларининг 2017 йилга нисбатан 2020 йилда ўсганлигини, IV-гурух харажатининг камайганлигини кўришимиз мумкин. Бунга таъмир этувчи омиллардан бири тиббиёт ходимларининг ойлиги ошганлиги бўлса, иккинчидан шифохонада товар ва хизматларга қилинадиган харажатлар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланиши ҳисобланади.

Лекин шифохонанинг 2020-2021 йиллардаги ҳақиқий харажатларини ўрганиш натижасида I-гурух харажатларининг улуши 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 22,2 фоизга, II-гурух харажатлари 3,5 фоизга камайган. Бу кўрсаткич IV-гурух бўйича 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 25,8 фоизга ошган. Буни шифохонадаги бюджет маблағлари ҳисобидан штат бирликларининг камайганлиги ҳамда пандемиядан кейин шифохонада даволанувчилар учун қулай шароитлар яратиш учун қўшимча харажатлар қилинганлиги билан изоҳлаш мумкин.

1.2-параграфда кўриб ўтилгандек, давлат тиббиёт муассасалари фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, уларда ҳисоб ишларини юритиш билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Хусусан, даволаш муассасаларида амбулатор муассасаларга нисбатан дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж юқори бўлади. Ўз навбатида даволаш муассасаларида дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобини ташкил этиш ва юритиш орқали уларнинг ҳаракатини назорат қилиш мумкин. Шунингдек, дори-дармон ва ярани боғлаш воситалари, озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳисобини ташкил этиш ва юритиш натижасида стационар муассасаларни узлуксиз ва самарали тарзда дори-дармон, тиббий воситалар, озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминлаш амалга оширилади. Биз қуйидаги даволаш муассасаларида дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳаракати билан боғлиқ маълумотларни кўриб ўтамиз (2.4-жадвал).

## 2.4-жадвал

**Даволаш муассасаларида бюджет маблағлари ҳисобидан кирим қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари ҳаракати түғрисида маълумот<sup>58</sup>,**  
*(минг сўмда)*

Кўрсаткич номи	Йиллар	Йил бошига қолдиқ	Кирим	Чиқим	Йил охирига қолдиқ
<b>Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази</b>					
Озиқ-овқат маҳсулотлари	2017	61 016,2	763 010,1	750 159,2	73 867,1
	2018	73 867,1	119 311,1	193 178,2	
	2019				
	2020		1 268 377,8	1 268 377,8	
	2021				
Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари	2017	7 810,4	218 102,8	215 186,6	10 726,6
	2018	10 726,6	776 170,0	760 901,7	25 994,9
	2019	25 994,9	924 504,1	934 729,4	15 769,6
	2020	15 769,6	1 032 495,1	1 048 264,7	
	2021		1 284 877,6	994 683,2	290 194,4
<b>Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси</b>					
Озиқ-овқат маҳсулотлари	2017		30 701,5	30 701,5	
	2018		42 565,6	42 565,6	
	2019		53 998,6	53 998,6	
	2020		51 202,6	51 202,6	
	2021				
Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари	2017	1 991,9	61 207,4	57 729,2	5 470,1
	2018	5 470,1	44 125,9	47 285,8	2 310,2
	2019	2 310,2	34 668,9	31 501,5	5 477,6
	2020	5 477,6	39 728,7	45 206,3	
	2021		115 496,5	112 265,3	3 231,2

Демак, 2.4-жадвалда тадқиқот обьекти ҳисобланган Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонасининг сўнгги беш йиллик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари ҳаракати түғрисидаги маълумотлари акс эттирилган.

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида 2017-2018 йиллар бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари омборга кирим қилиниб, марказ ошхонасида беморлар

<sup>58</sup> Тадқиқот обьектларининг молиявий ҳисбот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

учун таом тайёрланган, ошхона фаолият кўрсатган. 2019 йилдан бошлаб беморларни овқат билан таъминлаш хизмати аутсорсингга ўtkазилган. Пандемия туфайли 2020 йилда марказга чет эллардан Covid-19 инфекцияси билан касалланган беморлар келтирилиб даволанганилиги туфайли ошхона фаолияти йўлга қўйилган.

Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонасида 2021 йилдан бошлаб беморларни овқат билан таъминлаш хизмати аутсорсингта ўtkазилган. 2017-2021 йиллар мобайнида ордер билан даволанган беморлар учун шифохона ошхонасида таом тайёрлаб бериш йўлга қўйилган. Шифохонанинг 2017-2021 йиллардаги ҳисоботларида озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича йил охирида қолдиқ қолмаслигига сабаб, маҳсулотларнинг узлуксизлигини таъминлаш учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳам харид қилинганилиги дидир.

Даволаш муассасаларида озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари билан узлуксиз таъминлаш, уларнинг қолдигини етарлича даражада бўлиши, сифатли ва яроқли бўлиши учун улар билан боғлик лимитларни белгилаш зарур саналади. Айниқса, даволаш муассасаларида сифатли дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари билан узлуксиз таъминлаш ўта долзарбдир. Чунки, инсонларга кечикириб бўлмайдиган биринчи даражали тиббий ёрдам ва хизмат кўрсатиш бутун жамият ҳаёти учун зарур ҳисобланади.

Шу сабабдан ҳам, бюджет ташкилотлари учун “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари” (2002 йил 14 март, 1111-сон) тасдиқланган. Ушбу қоидаларга кўра, даволаш муассасаларида керакли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари билан узлуксиз таъминлашда улар бўйича ички бошқарув, ҳисобдорлик ва назорат тизимининг тўғри йўлга қўйилганилиги мухимдир.

Тадқиқот обьекти ҳисобланган даволаш муассасаларида ушбу ҳолатнинг тўғри амалга оширилаётганлиги ёки тўғрилигини аниqlаш учун озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари бўйича белгиланган лимитлар ва ундан оғишларни аниқлаймиз (2.5-жадвал).

2.5-жадвал

**Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари билан боғлиқ лимитлар ва ундан оғишишлар<sup>59</sup>, (минг сўмда)**

Кўрсат-кич номи	Йил-лар	Йил бошига қолдик	Кирим	Чиқим	Лимит	Йил охирига қолдик	Лимитдан оғишиш
<b>Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази</b>							
Озиқ-овқат маҳсулотлари	2017	61 016,2	763 010,1	750 159,2	31 256,6	73 867,1	-42 610,5
	2018	73 867,1	119 311,1	193 178,2	8 049,1		8 049,1
	2019						
	2020		1 268 377,8	1 268 377,8	52 849,1		52 849,1
	2021						
Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари	2017	7 810,4	218 102,8	215 186,6	42 331,8	10 726,6	31 605,2
	2018	10 726,6	776 170,0	760 901,7	149 685,6	25 994,9	123 690,7
	2019	25 994,9	924 504,1	934 729,4	183 881,2	15 769,6	168 111,6
	2020	15 769,6	1 032 495,1	1 048 264,7	206 216,0		206 216,0
	2021		1 284 877,6	994 683,2	195 675,4	290 194,4	-94 519,0
<b>Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси</b>							
Озиқ-овқат маҳсулотлари	2017		30 701,5	30 701,5	1 279,2		1 279,2
	2018		42 565,6	42 565,6	1 773,6		1 773,6
	2019		53 998,6	53 998,6	2 250,0		2 250,0
	2020		51 202,6	51 202,6	2 133,4		2 133,4
	2021						
Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари	2017	1 991,9	61 207,4	57 729,2	11 356,6	5 470,1	5 886,5
	2018	5 470,1	44 125,9	47 285,8	9 302,1	2 310,2	6 991,9
	2019	2 310,2	34 668,9	31 501,5	6 197,0	5 477,6	719,4
	2020	5 477,6	39 728,7	45 206,3	8 893,0		8 893,0
	2021		115 496,5	112 265,3	22 085	3 231,2	18 853,8

2.5-жадвалда тадқиқот обьектлари сифатида стационар даволаш муассасалари хисобланган Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонасининг 2017-2021 йиллардаги бюджет маблағлари хисобидан кирим қилиниб, сарфланган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари лимити таҳлил қилинган. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг

<sup>59</sup> Тадқиқот обьектларининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

озиқ-овқат маҳсулотларини ўрнатилган меъёрлар бўйича 2017-2021 йиллардаги таҳлили шуни кўрсатадики, 2017 йил йиллик ҳисоботига асосан озиқ-овқат маҳсулотларининг йил охиридаги қолдиғи 73 867,1 минг сўмни ташкил этган бўлиб, бу меъёрдан (лимитдан) 42 610,5 минг сўм ортиқча эканлигидан далолат беради. Марказнинг 2018 йилдан 2021 йилгача номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисботи ўрганилганда озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича йил охирига қолдиқ қолмаганлиги кўришимиз мумкин. Фақатгина 2020 йилда марказ коронавирус инфекцияси (COVID-19)ни юқтирган беморларни даволайдиган муассасага ихтисослаштирилганлиги учун озиқ-овқат маҳсулотлари сарфланган.

Марказда даволанаётган беморларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш 2019 йилдан аутсоринг хизматига ўтказилган бўлиб, марказнинг ошхонаси учун ажратилган ходимлар штати қисқартирилган.

Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситаларини ўрнатилган лимитлар бўйича 2017-2021 йиллардаги ҳисботларига асосан таҳлил қилинганда, 2017-2019 йиллардаги ҳисбот маълумотлари шуни кўрсатадики, дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситаларининг йил охиридаги қолдиқ суммалари ўрнатилган лимитдан ҳам паст ҳисобланади, 2020 йил охирида дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари қолдиқ суммага эга эмас. Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари учун белгиланган кун меъёри 60 кун эканлигини ҳисобга олсақ, марказнинг дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари учун бюджет маблағларига бўлган эҳтиёжи 2017 йилда 31 605,2 минг сўм, 2018 йилда 123 690,7 минг сўм, 2019 йилда 168 111,6 минг сўм ва 2020 йилда эса 206 216,0 минг сўмни ташкил қилганлигини кўрсатади. 2021 йил охирида марказнинг дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари қолдиғи ўрнатилган меъёрдан 94 519 минг сўм ортиқча эканлиги аниқланди.

Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси-нинг 2017-2021 йиллардаги ҳисботига асосан озиқ-овқат маҳсулотларини ўрнатилган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қилинганда, шифохонанинг 2017-2020 йилларда озиқ-овқат

маҳсулотлари бўйича йил охирида қолдиқ мавжуд эмас. 2021 йилдан шифохонада даволанаётган беморларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш аутсорсинг хизматига ўтказилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси ҳам 2017-2020 йилларда белгиланган кун меъёри бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари учун бюджет маблағларига эҳтиёжи 2017 йилда 1 279 минг сўм, 2018 йилда 1774 минг сўм, 2019 йилда 2 250 минг сўм ва 2020 йилда эса 2 133 минг сўмни ташкил қилган.

Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонасининг 2017-2021 йиллардаги ҳисоботига асосан дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситаларини ўрнатилган меъёрлар бўйича ҳисобкитоб қилинганда, 2020 йилдан бошқа барча йилларнинг йил охирида дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари қолдиғи мавжудлиги аникланди. Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари бўйича 2020 йил охирида қолдиқ қолмаганлигини мамлакатимизда коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалганлиги туфайли шифохона эҳтиёжи учун ишлатилганлиги билан изоҳлаш мумкин.


Шифохонанинг 2017-2021 йиллардаги ҳисбот маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, шифохонани белгиланган кун меъёрлари бўйича дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари билан бюджет маблағлари ҳисобидан таъминлаш даражаси етарли эмас. Бу ўз навбатида, бюджет маблағларига бўлган эҳтиёж 2017 йилда 5 886,5 минг сўм, 2018 йилда 6 991,9 минг сўм, 2019 йилда 719,4 минг сўм, 2020 йилда 8 893 минг сўм ва 2021 йилда эса 18 853,8 сўмни ташкил қилганлигини кўрсатади.

Юқоридаги стационар даволаш муассасалари молиявий ҳисбот маълумотларининг таҳлилидан шуни хulosа қилиш мумкинки, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун тиббиёт муассасалари фаолият йўналишига мос тарзда бухгалтерия ҳисобининг ташкилий, техник ва услубий таъминотини шакллантириш ҳамда муассаса таркибий бўлимларининг бухгалтерия билан ахборот алмашиш тизимини такомиллаштириш керак.

Даволаш муассасаларида бюджет маблағлари ҳисобидан кирим қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари ҳаракатини назорат қилишда моддий жавобгар шахсларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш зарур. Бунинг учун давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминлаш мақсадида бошқарув ҳисобини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

### **2.3. Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олиш**

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий соҳани бюджет маблағи билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш ва соҳага ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида бир қатор норматив-хужжатлар қабул қилинган. Ушбу хужжатларга мувофиқ 2000 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотларига ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ҳуқуқи берилди. 2014 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 44-моддасида ҳам бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига кўрсатилган (2.11-расм).




**2.11-расм. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари<sup>60</sup>**

<sup>60</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

Барча бюджет ташкилотлари сингари давлат тиббиёт ташкилотларига ҳам фаолият тури бўйича пуллик тиббий хизмат кўрсатиш, муассаса ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда тиббий хизмат сифатини ошириш учун моддий-техника базасини мустаҳкамлаш имконияти берилди.

Амалдаги бюджетга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари қўйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилиб, улар мақсадли равишда сарфланади (2.12-расм).




## **2.12-расм. Тиббиёт ташкилотини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари<sup>61</sup>**

Юқоридаги 2.12-расм маълумотларидан шуни таъкидлаш керакки, тиббиёт ташкилотини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантиришнинг ҳар бир манбаси тиббиёт ташкилоти ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш

<sup>61</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

ҳамда кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш учун муносиб шарт-шароитлар яратишига қаратилган. Ҳукуматнинг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан тиббиёт ташкилотининг бюджетдан ташқари даромадлари 01.01.2023 йилгача давлат бюджетига ундириладиган соликлар, йиғимлар ва мажбурий ажратмалардан озод қилинган бўлиб, ушбу маблағлар муассасанинг моддий-техника ва ижтимоий базасини мустаҳкамлашга, шунингдек, муассаса ходимларини белгиланган тартибда моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилди (2.13-расм).



### **2.13-расм. Тиббиёт ташкилотини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишлари<sup>62</sup>**

«Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» Президент Фармонига асосан давлат тиббиёт ташкилотларига берилган солик имтиёzlари натижасида бўшаб қоладиган маблағлар тиббиёт муассасасини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш билан бир қаторда, тиббиёт мақсадидаги эҳтиёт қисмлар, сарфлаш материаллари ва бошқа буюмларни сотиб олишга йўналтирилди.

Бундан кўзланган мақсад давлат тиббиёт ташкилотларининг аҳолига кўрсатадиган тиббий хизматлари сифатини ошириш, тиббий хизмат учун керакли бўлган, касалликларга аниқ ташҳис қўядиган замонавий тиббий асбоб-ускуналарни бюджетдан

<sup>62</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

ташқари маблағлар ҳисобидан сотиб олишга имконият яратиши, беморлар муолажаси учун керакли дори-дармон воситалари ҳамда тиббий хизмат учун зарур бўлган товарлар билан узлуксиз таъминлаш. Буни биз илмий тадқиқот олиб бориш жараёнида иккита давлат тиббиёт ташкилотининг молиявий ҳисобот маълумотларини таҳлил қилиш жараёнида ўргандик (2.6-жадвал).

Қуидаги 2.6-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2017-2021 йилларда ҳар иккала стационар даволаш муассасасининг бюджетдан ташқари даромадларида ўсган. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази билан Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси фаолиятининг фарқли жиҳатларини бюджетдан ташқари даромадлари таркиби ҳамда фаолият ихтисослиги пуллик тиббий хизмат кўрсатишдан олинган даромадларида кўришимиз мумкин. Буни қуидагича изоҳлаш мумкин:

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида асосан травматология-ортопедия, вертебрология ва реабилитология бўйича пуллик тиббий хизматлар кўрсатилади. Беморларни стационар шароитда даволаш учун 110 ўрин ташкил қилинган.

Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонасида эса ички касалликлар (терапия), неврология ва болалар неврологияси бўйича пуллик тиббий хизматлар кўрсатилади. Беморларни стационар шароитда даволаш учун 120 ўрин ташкил қилинган.

2.6-жадвал


**Даволаш муассасаларида бюджетдан ташқари даромадлар таркиби динамикаси<sup>63</sup>, (минг сўмда)**

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2017 йилга нисбатан 2021 йилдаги ўзгариш сумма
<b>Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази</b>						
Фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан	5 632 060,9	7 144 586,9	10 789 726,5	7 289 665,5	15 453 817,0	9 821 756,1
Бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан	38 169,7	32 388,4	76 683,8	69 896,9	15 663,6	- 22 506,1
Ҳомийликдан олинган				29 880,0	315,0	315,0
бошқа тушумлар			39 503,7	83 520,7		
<b>Жами</b>	<b>5 670 230,6</b>	<b>7 176 975,3</b>	<b>10 905 914,0</b>	<b>7 472 963,1</b>	<b>15 469 795,6</b>	<b>9 799 565,0</b>
<b>Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси</b>						
Тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фойзигача бўлган микдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар	18 806,0	17 900,0	22 590,0	32 621,0	59 773,0	40 967,0
Фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар	777 500,0	677 907,4	257 000,0	304 988,5	1 253 750,0	476 250,0
бошқа тушумлар			3 834,0		11,5	11,5
<b>Жами</b>	<b>796 306,0</b>	<b>695 807,4</b>	<b>283 424,0</b>	<b>337 609,5</b>	<b>1 313 534,5</b>	<b>517 228,5</b>

<sup>63</sup> Тадқиқот обьектларининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

2.6-жадвал маълумотларидан яна шуни фарқлаш мумкин-ки, фаолият ихтисослиги бўйича пуллик тиббий хизмат кўрсатишдан тушадиган тушум Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига, Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонасида эса тиббиёт муассасасининг моддий рафбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига тушади.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан фойдаланиб, даволаш муассасаларида тиббий пуллик хизмат кўрсатишдан олинган даромадларнинг бюджетдан ташқари жами даромадлардаги улушини аниqlаш мумкин (2.14-расм).



**2.14-расм. Даволаш муассасаларида пуллик тиббий хизмат кўрсатишдан олинган даромадларни бюджетдан ташқари жами даромадлардаги улуши, (фоизда)<sup>64</sup>**

Даволаш муассасаларининг 2017-2021 йилларда пуллик тиббий хизмат кўрсатишдан олган даромадларининг улуши бюджетдан ташқари жами даромадлари таркибида юқорилигини кўришимиз мумкин.

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази бўйича 2017-2021 йиллар мобайнида пуллик тиббий хизмат кўрсатишдан олган даромади 99,3 фоиздан

<sup>64</sup> Тадқиқот обьекти молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

99,9 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Фақатгина 2020 йилда пандемия сабабли даромад 97,5 фоизга тушган.

Жадвал маълумотларидан Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонасининг 2017-2021 йиллардаги пуллик тиббий хизмат кўрсатишдан олинган даромадларининг бюджетдан ташқари жами даромадлардаги улуши ўзгармаганлигини кўришимиз мумкин. Буни биз бюджетдан ташқари беморларни стационар даволаш режимига қатъий амал қилинганлиги ҳамда беморларни режа бўйича қабул қилинганлиги билан изоҳлашимиз мумкин. Тиббиёт ташкилотининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини маблағлари қонунчиликка мувофиқ тегишли манбалар ҳисобидан шаклланади ва улар ҳисобига ҳаражатлар амалга оширилади.

Тиббиёт ташкилотини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини маблағлари:

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари ва мавжуд кредиторлик қарзларини тўлаш;

бюджет ташкилотини моддий-техника базасини мустахкамлаш;

ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига йўналтириш.

Давлат тиббиёт ташкилотларига ғазначилик бўлимлари томонидан тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш маблағлари бўйича шахсий ҳисобваракда муомала амалга оширилган кун учун кўчирмалар тақдим этилади. Бу кўчирмаларни “УзАСБО” дастуридан электрон кўринишида ҳам кўчириб олиш мумкин. Ушбу кўчирмаларга асосан тиббиёт ташкилотлари бухгалтериясида тегишли бухгалтерия ёзувлари берилиб, З-мемориал ордер (381-сон шакл) расмийлаштирилади. Бош журнал китоби (308-сон шакл)га ёзувлар З-мемориал ордер маълумотлари асосида туширилади. Бош журнал китобидан тегишли ҳисбот шакллари расмийлаштирилади.

Биз илмий тадқиқот жараёнида 2017-2021 йиллардаги давлат тиббиёт муассасаларининг ҳисбот маълумотлари асосан бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳаражатларни таҳлил қилиш натижасида ўргандик (2.7-жадвал).

**Даволаш муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харажатларнинг  
молиялаштирилиши динамикаси<sup>65</sup>, (минг сўмда)**

Кўрсаткичлар	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил	
	Харажатлар	Жами харажатлар таркибидаги узунши (%)	Харажатлар	Жами харажатлар таркибидаги узунши (%)						
<b>Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази</b>										
I-гурух «Иш ҳаки ва унга тенглаштирилган тўловлар»	1 384 943,8	24,5	1 935 693,7	27,1	2 573 417,5	26,0	2 549 319,9	31,5	3 964 385,7	25,4
II-гурух «Иш ҳақига кўшимчалар»	338 485,1	6,0	473 338,6	6,6	621 319,1	6,3	610 534,6	7,5	968 393,5	6,2
III-гурух «Капитал кўйилмалар»									179 713,8	1,2
IV-гурух «Бошқа харажатлар»	3 922 496,1	69,5	4 728 650,4	66,2	6 695 777,3	67,7	4 938 580,6	61,0	10 492 523,9	67,2
Шундан,										
Товар ва хизматлар бўйича харажатлар	3 203 142,7	56,7	4 137 783,3	58,0	5 055 398,3	51,1	3 753 940,3	46,4	7 656 607,2	49,1
Асосий воситалар бўйича харажатлар	643 382,8	11,4	405 586,3	5,7	1 458 438,4	14,7	1 091 722,4	13,5	402 692,5	2,6
Бошқа харажатлар	75 970,6	1,3	185 280,8	2,6	181 940,5	1,8	92 917,8	1,1	2 433 224,1	15,6
<b>Жами</b>	<b>5 645 925,0</b>	<b>100,0</b>	<b>7 137 682,7</b>	<b>100,0</b>	<b>9 890 513,8</b>	<b>100,0</b>	<b>8 098 435,1</b>	<b>100,0</b>	<b>15 605 016,8</b>	<b>100,0</b>
<b>Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси</b>										
I-гурух «Иш ҳаки ва унга тенглаштирилган тўловлар»	82 293,90	10,4	39 556,70	5,7	17 737,50	6,0	12 092,00	3,6	204 114,70	15,9
II-гурух «Иш ҳақига кўшимчалар»	13 156,20	1,7	2 279,40	0,3	430,50	0,1				
IV-гурух «Бошқа харажатлар»	693 595,70	87,9	650 969,10	94,0	276 240,80	93,8	326 757,90	96,4	1 079 761,90	84,1
Товар ва хизматлар бўйича харажатлар	630 214,50	79,9	551 711,70	79,6	267 585,80	90,9	326 589,90	96,4	1 073 798,90	83,6
Асосий воситалар бўйича харажатлар	62 070,00	7,9	96 099,30	13,9	3 317,00	1,1			5 095,00	0,4
Ижтимоий нафақалар	360,00	0,05	2 040,00	0,3						
Бошқа харажатлар	951,20	0,1	1 118,10	0,2	5 337,90	1,8	168,00	0,05	868,00	0,1
<b>Жами</b>	<b>789 045,80</b>	<b>100,0</b>	<b>692 805,20</b>	<b>100,0</b>	<b>294 408,80</b>	<b>100,0</b>	<b>338 849,90</b>	<b>100,0</b>	<b>1 283 876,60</b>	<b>100,0</b>

<sup>65</sup> Тадқиқот обьектларининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017-2021 йилларда стационар даволаш муассасалари ҳисобланган Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси ўртасида харажатлар гурӯҳи кесими бўйича молиялаштиришда фарқланиш мавжуд.

2017-2021 йиллар бўйича Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида I- ва II-гурӯҳ харажатлари умумий харажатнинг 30,5-39 фоизини ташкил этган бўлса, IV-гурӯҳ харажати эса 61 - 69,5 фоизга teng бўлган.

Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонасининг 2017-2021 йиллардаги ҳисобот маълумотларида эса молиялаштириш ҳолати I- ва II-гурӯҳ харажатлари умумий харажатнинг 3,6-15,9 фоизини ташкил этган бўлса, IV-гурӯҳ харажати эса 84,1-96,4 фоизга teng.

Иккала стационар давлат тиббиёт ташкилотларининг харажатларини бюджетдан ташқари маблағлар билан молиялаштиришдаги бундай фарқланишларни қуидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, таҳлил қилинаётган даволаш муассасаларининг фаолияти йўналишлари бири-биридан фарқланади. Иккинчидан, бюджетдан ташқари маблағларининг сарфланиши ҳар хил. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилган харажатлар бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси даромадлари ҳисобидан молиялаштирилса, Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонасининг бюджетдан ташқари харажатлари тиббиёт ташкилотининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромадлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Юқоридаги жадваллар маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларнинг молиявий назоратини таъминлаш, бошқарув ходимларини ўз вақтида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тезкор маълумотлар билан таъминлашда бошқарув ҳисобини ташкил этиш ҳамда тиббиёт ташкилотининг ҳисоб сиёсатини шакллантириш зарур.

### **III БОБ. ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

#### **3.1. Давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш услубиётини такомиллаштириш**

Ҳар қандай давлат тиббиёт ташкилоти ўзининг молияхўжалик фаолиятини ривожлантириш ва амалга оширишнинг бозор иқтисодиёти шароитида самарали фаолият юритишни таъминлайдиган ҳисоб сиёсатига эга бўлиши керак. Давлат тиббиёт ташкилотларида ишловчи бухгалтерлар ҳисоб сиёсатини шакллантириш жуда машаққатли иш аммо мажбурий бўлган ҳужжат эканлигига ишонишади. Лекин, давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш харажатлари ўзини оқламайди, деб ўйлашади.

Шу сабабли, кўпинча ушбу муҳим ҳужжатни шакллантириш зарур бўлган тегишли малакали таълим ёки иш тажрибасига эга бўлмаган ходимларга ишониб топширилади. Шунингдек, амалда кўргина давлат тиббиёт муассасаларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг стандартлаштирилган варианти мавжуд эмас.

Давлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятида ҳисоб сиёсатининг аҳамиятини ортиқча баҳолаш қийин, чунки, бу ҳақиқатан ҳам тиббиёт муассасасининг бошқарув ва бухгалтерия ходимлари ҳамда муассасанинг таркибий бўлимлари учун ички қоидаларнинг мажмуаси ва муассасанинг молиявий ресурсларини бошқариш, уни ички назоратини таъминловчи ҳужжат ҳисобланади.

Яъни, ҳисоб сиёсатида ташкилотнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблари, намунавий шакллари назарда тутилмаган, хўжалик операцияларини қайд қилиш учун қўлланиладиган бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг шакллари ҳамда фаолият йўналиши бўйича пуллик тиббий хизматлар калькуляциясини шакллантириш тартиби каби мунозарали масалалар ўз ифодасини топади.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг бухгалтерия ва режа-молия бўлимлари учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ишончлилигини ҳамда муассасада ҳисобнинг тўғри ва тўлик юритилишини асословчи ҳужжат бу муассасанинг ҳисоб сиёсати бўлиб, молия йили учун даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш жараёнида бевосита фойдаланилади. Шунингдек, ҳисоб сиёсати давлат тиббиёт ташкилотида ҳужжат айланиши тартибини белгиловчи ҳужжатларни ҳам ўз ичига олади.

Ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ички тизимини такомиллаштириш йўлларини топиш учун хорижий тажрибадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳисоб сиёсатининг аҳамияти ва мазмуни давлат тиббиёт ташкилотини молия-хўжалик фаолиятини бошқариш жараёнида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиётини ривожланиши натижасида давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотларининг иқтисодий манфаатлари бирбираидан ажралиб кетди. Тўғри назоратни таъминлаш ва бухгалтерия ҳисобига умумий ёндашувни таъминлаш мақсадида давлат томонидан меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қонун ҳужжатлари янгиланди. Ушбу чора-тадбирларнинг натижаси инвесторлар ва давлат тиббиёт ташкилотлари манфаатларига дахл қилмасдан, бухгалтерия ва солиқ ҳисобини бирлаштириш ҳамда шаффофлигини таъминлашга қаратилган.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тиббиёт ташкилотларининг манфаатларини ҳисобга олиш мақсадида бухгалтерия ҳисобини тартибга солишга таъсир кўрсатадиган, улар манфаатларини илгари сурувчи ва ўз услубий ёндашувларини ҳимоя қилувчи профессионал бухгалтерия хизматини кўрсатувчи ташкилотлар ташкил этилган. Мамлакатимизда ҳам бундай ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, фақатгина хусусий тиббиёт муассасаларига шартнома асосида хизмат кўрсатади.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби эса, “Намунавий штатлар жадвали”га асосан тузилган бош бухгалтер

раҳбарлигидаги бухгалтерия хизмати ходимлари томонидан юритиб келинмоқда.

2016-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи билан бюджет ҳисобини давлат секторида молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш мақсадида бюджет ҳисобининг 13 та стандарти тасдиқланган бўлиб, шундан “Ҳисоб сиёсати” номли Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли БҲС) амал қилмоқда. Қолган 12 та бюджет ҳисобининг стандартлари 2023 йилнинг 1 январидан кучга кириши белгиланган. Бюджет ҳисобининг стандартлари кучга киргандан кейин давлат тиббиёт ташкилотлари ўзларининг биринчи молиявий ҳисботларини 2023 йил апрель ойида тақдим этишлари керак.


Бугунги кунда давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий ҳисботларни тайёрлаш учун ким жавобгар бўлишини, ушбу мутахассисларнинг професионаллик даражаси қандай эканлигини, бюджет ҳисобининг стандартларига мувофиқ молиявий ҳисботларни тайёрлаш ва уларнинг мазмунини ошкор қилиш учун етарли маълумотлар мавжудлигини аниқлашлари керак бўлади.

Бугунги кунда давлат секторида бюджет ҳисоби стандартларининг қабул қилиниши ва шаклланиши иқтисодий зарурият билан боғлиқ бўлиб, бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ҳамда уларнинг назорати юқори сифатли ҳисботларни шакллантиришни талаб қилмоқда. Ушбу шаклланиш бутунлай давлат бюджети, солиқ ва ғазначилик тизимишининг ўзаро таъсирига боғлиқ.

Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда давлат секторида молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартлари (IPSAS) талаблари ва қоидалари ҳисобга олиниши керак. Агар, маълум бир масала бўйича норматив-хукуқий ҳужжатларда бухгалтерия ҳисоби усуллари белгиланмаган бўлса, давлат тиббиёт ташкилоти давлат секторида халқаро молиявий ҳисбот стандартлари (IPSAS)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бюджет ҳисоби стандартларига мувофиқ давлат тиббиёт ташкилотлари ҳисоб сиёсатини янада

қатъий тартибга солиниши ва унинг қоидаларини профессионал мурлоҳаза асосида давлат секторида халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (IPSAS)га мувофиқлаштириш керак.

Биз илмий жиҳатдан, давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ва бюджет ҳисоби стандартлари бўйича давлат тиббиёт ташкилотларида ҳисоб сиёсатини мувофиқлаштириш кетма-кетлигини қўйидаги расм орқали ифодалаганмиз (3.1-расм).



**3.1-расм. Бюджет ҳисоби стандартлари ва давлат секторида халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича давлат тиббиёт ташкилотлари ҳисоб сиёсатини яқинлаштириш кетма-кетлиги<sup>66</sup>**

Ҳисоб сиёсатини давлат тиббиёт ташкилотларини фаолият йўналишига қараб ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштиришни ўз ичига олган мураккаб жараён бўлиб, тиббиёт ташкилотларида

<sup>66</sup>Муаллиф ишланмаси.

бухгалтерия ҳисобини юритишининг хусусиятларини ўрганиш, амалдаги қонунчиликни таҳлил қилиш, иқтисодий ва молиявий ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилади.


Бухгалтерия ҳисоби усулларини танлаш бўйича қарорлар қабул қилиш учун ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва такомиллаштириш жараёнida қўйилган мақсадларни мувофиқлаштириш энг қийин муаммолардан биридир. Тиббиёт ташкилоти раҳбарияти ҳужжатни турли йўналишларда ишлаб чиқиш натижасига таъсир қилувчи ҳисоб сиёсатини яратища турли мақсадларни кўзлаши мумкин.

Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда мақсадларни уйғунлаштириш имконияти 3.2-расмда кўрсатилган, аммо, бу имкониятлар жуда чекланган. Амалиётда бу меъёрларни ёки бухгалтерия ҳисоби ёндашувларини бирлаштириш натижасида давлат тиббиёт ташкилотларининг фаолият йўналишларига қараб ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг кўп вариантларини келтириб чиқаради.

Ҳисоб сиёсатини ҳар томонлама тўлиқ ва мукаммал ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун тиббиёт муассасаларида кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали иқтисодчи-ҳисобчи мутахассисларни жалб қилишни тавсия этамиз, шунингдек, малакали аудиторлик хизматларидан ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича маслаҳат олиш ҳам яхши самара беради.

Давлат тиббиёт ташкилоти ҳисоб сиёсатининг аудити энг яхши бухгалтерия ҳисоби усулларини танлашга ёрдам беради. Тўғри ишлаб чиқилган қоидалар ташкилотда шахсий ҳисобварақлар бўйича маблағлар ҳисобини юритиш ва уларнинг назоратини таъминлаш учун самарали воситага айланиш имконини беради.

Молия йили давомида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисботларни шакллантириш бўйича тиббиёт ташкилотларидаги муаммоли ҳолатлар, муассасанинг келгуси молия йили учун ҳисоб сиёсатига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун асос бўлиб хизмат қилади.



### 3.2-расм. Хисоб сиёсатини ишлаб чиқиши мақсадлари ва уларнинг шаклланишига таъсири<sup>67</sup>

Давлат тиббиёт ташкилотларида бундай тадбирлар молия или давомида тизимли равишда амалга оширилиши керак. Давлат тиббиёт ташкилотлари фаолияти ва қонун ҳужжатларидағи

<sup>67</sup>Муаллиф ишланмаси.


ўзгаришларни доимий равища кузатиб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳисоб сиёсатини шакллантириш ҳеч қандай муддатларга қатъий боғланмаган, тугамайдиган жараён бўлиб, бунинг натижасида тиббиёт ташкилотининг маълум бир даврдаги эҳтиёжларини қондирадиган бухгалтерия усули ва услублари мажмуаси ишлаб чиқилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг ҳисоб сиёсати йилдан-йилга изчил қўлланилиши керак, ундаги ўзгаришлар аҳамиятсиз ва қоидалардан истисно бўлиши керак.

Шундай қилиб, давлат тиббиёт ташкилотларининг ҳисоб сиёсатини тўғри шакллантириш билан бухгалтерия жараёнида иштирок этадиган барча тузилмаларнинг самарали ўзаро таъсирини таъминлаш мумкин. Шунингдек, тиббиёт ташкилотларида ишловчи ходимларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш ва материал сарф-харожатларини камайтириш имкониятига эришилади.

Ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобининг маълум функцияларини амалга ошириш имкониятига, молиявий ҳисботларнинг ишончлилик даражасига ва давлат тиббиёт ташкилотининг молиявий бошқарув самарадорлигига таъсир қиласи. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни ташкилот раҳбари амалга оширади. Раҳбар ҳисоб сиёсати, ички ҳисоб ва молиявий ҳисбот тизимининг ишлаб чиқилиши, ички назорат тартиби, бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва ишончли юритилиши, ҳисоб ҳужжатларининг сақланиши, ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисботни тайёрланиши, солиқ ҳисботлари ва бошқа ҳужжатларнинг тайёрланиши ҳамда ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаши шарт. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун давлат тиббиёт ташкилоти бош бухгалтери ёки молиявий бошқариш вазифаси юклатилган мансабдор шахс бухгалтерия хизматини амалга оширишга масъул ҳисобланади.



**3.3-расм. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ташкилий-услубий таъминотининг схематик кўриниши<sup>68</sup>**

<sup>68</sup>Муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги тасвиrlанган расмда давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда муассаса раҳбари масъул эканлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнларини ташкил этишда, шунингдек, ҳисоб жараёнида асосий функция ва вазифаларни тўғри ва ўз вақтида бажарилиши устидан тўлақонли назоратни олиб боришда бош бухгалтерга бош бухгалтер ўринбосари ҳамда ёрдамчи бухгалтер лавозимларига тайинланган бухгалтерлар кўмаклашишади.

Соғлиқни сақлаш тизимидағи барча давлат тиббиёт ташкилотларининг амбулатор ва стационар шароитларда аҳолига тиббий хизматлар кўrsatiшини ҳисобга олиб, фаолият йўналишлари ва ихтисослашувига мос ҳолда ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва унинг услубиётини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биз илмий тадқиқотимиз давомида тадқиқот обьектларидан бири бўлган Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг ҳисоб сиёсатини шакллантиридик (1-илова).

Ҳисоб сиёсатини шакллантириш жараёнида марказда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ташкилий, техник ва услубий жиҳатларига алоҳида эътибор берилди. Ҳисоб сиёсатида ҳисоб обьектлари бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш, бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар айланиши, ҳисботларни (молиявий, солиқ ва статистик) тузиш, тасдиқлаш, тақдим этиш ҳамда ҳисоб сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масалалари батафсил ёритиб берилган.

Хусусан, ҳисоб сиёсатининг 2.1-бандида “Марказда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш” масаласи ёритилган бўлиб, бунда марказ бухгалтерия ходимларининг лавозим йўриқномалари келтирилган. Ҳар бир бухгалтерия ходими учун лавозим йўриқномасини бош бухгалтер ишлаб чиқади, уларни таништиради ва танишганлиги тўғрисида имзо қўйдиради.

Бунинг ўзига хос афзалликлари шундан иборатки, бухгалтерияда иш ҳажмининг кўплиги, шахсий ғазна ҳисобварақ-

лардаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар айланиш микдорининг катталиги туфайли ҳар бир ҳисобчи мутахассис ўз вазифасини бажаришда қатъий тартибга амал қилади, ўзига тегишли ҳисоб объектлари бўйича қунлик маълумотларни тайёрлаб боради ҳамда чораклик ва йиллик ҳисботларни тайёрлаш учун бош бухгалтерга маълумотларни тақдим қилади. Ўз навбатида марказнинг таркибий бўлим ва бўлинмалари моддий жавобгар шахсларидан ҳисботлар ва бухгалтерия маълумотларини тайёрлаш учун керакли маълумотларни талаб қилиш имкониятига эга бўлади.

Ҳисоб сиёсатининг 2.5-бандида инвентаризация ўтказишнинг тартиби ва муддатлари кўрсатилган бўлиб, инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасини комиссия далолатномалари орқали расмийлаштириш, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича бухгалтерия проводкалари берилган. Аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, моддий жавобгар шахслар бўйича ҳар ойда ва ҳар чоракда марказ балансидаги моддий қийматликларнинг сақланиши юзасидан назорат тадбирлари ўтказилиб турилади. Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади бўйича айбдор шахслар аниқланиб, етказилган заарар микдори марказ фойдасига ундирилади. Чунки, марказдаги моддий жавобгар шахслар бўйича “Тўлиқ моддий жавобгарлик шартномаси” тузилади.

Тиббий хизматлар калькуляциясини шакллантириш тартибининг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши бу ҳозирги қуннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, пуллик тиббий хизмат турлари бўйича нархларни шакллантиришда тиббий хизмат бирлиги нархини (шифокор маслаҳати, муолажалар, текширувлар, хирургик амалиёт ва бошқалар) ҳамда бир ўрин-кун нархини аниқлашда таннархга киритиладиган бевосита ва билвосита харажатларни аниқлаш имконини беради.

Бухгалтерия ҳисобида хужжатлар айланишининг ҳисоб сиёсатига киритилиши бу марказда ҳисоб ишларининг яхшиланишига, бухгалтерия ҳисобининг назорат қилиш функциясининг кучайишига ёрдам беради. Хужжатлар айланиши графигига риоя қилиш бўйича жавобгарлик, шунингдек,

хужжатларни ўз вақтида ва сифатли тузиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботовида акс эттириш учун уларни ўз вақтида тақдим этиш, хужжатлардаги мавжуд маълумотларнинг ишонччилиги бўйича жавобгарлик ушбу ҳужжатларни тузган ва имзолаган шахслар зиммасига юкланди.

Соғлиқни сақлаш тизимиға кирувчи умумий ва ихтисослаштирилган стационар муассасаларда ҳисоб сиёсатини шакллантириш услубиёти амбулатор шароитда даволовчи муассасаларга қараганда бир мунча мураккаб. Буни илмий ишимизнинг обьектлари сифатида танлаб олинган Шайхонтоҳур тумани тиббиёт бирлашмаси ва Шайхонтоҳур тумани 40-сон Оиласвий поликлиникаси ҳисбот маълумотларини таҳлил қилиб, ўрганиш жараённида гувоҳ бўлдик.

Амбулатор даволаш муассасаларининг стационар даволаш муассасаларидан ажралиб турувчи асосий фарқли жиҳатлари қўйидагилар:

Амбулатор даволаш муассасалари аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатганилиги туфайли молиялаштириш асосан бюджет маблағлари ҳисбидан амалга оширилади.

Амбулатор даволаш муассасаларида фаолият ихтисослиги бўйича пуллик тиббий хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар мавжуд эмас. Чунки, бу ерда тор доирадаги ихтисосликлар бўйича тиббиёт ходимлари фаолият юритади.

Амбулатор даволаш муассасаларида фақат тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари ишлатилади.

Амбулатор даволаш муассасаларининг беш йиллик ҳисбот маълумотларини ўрганиш жараённида яна шу нарсага гувоҳ бўлдикки, йиллик бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича касса ва ҳақиқий харажатлари стационар даволаш муассасаларига нисбатан анча кам. Чунки, аҳолига тиббий хизматлар амбулатор шароитда кўрсатилиб, bemorларга маслаҳат берилади ва касаллик турига қараб диагностик текширув ўтказилади.

Стационар даволаш муассасалари томонидан тиббий хизматлар амбулатор шароитда ҳам кўрсатилади. Бу касалликнинг тури ва даражасига боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳисоб сиёсатини шакллантириш учун аввало давлат тиббиёт ташкилотининг фаолият йўналишига, кўрсатаётган тиббий хизматлар турларига эътибор бериш керак. Шунингдек, маблағларни шаклланиш манбалари ҳам мухим аҳамиятга эга.

Давлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятига мос ҳолда ҳар бир ҳисоб объектлари бўйича ҳисоб сиёсатини тўлақонли, ҳисоб сиёсати элементлари ва принциплари асосида шакллантирилиши ички назорат тизимининг яхшиланишига, муассаса таркибий тузилмаларининг бухгалтерия хизмати билан ахборот алмашиш тизимини такомиллаштиришга ҳамда бухгалтерия ахборотларининг ишончлилигини таъминлашга олиб келади.

### **3.2. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш**

Ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳозирги кунда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг асоси ҳисобланиб, ушбу ўзгаришлар барча соҳаларни қамраб олган ҳолда ўз самарасини бермоқда. Давлат секторида ҳам ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги бу соҳада ташкилий-услубий жиҳатдан норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштириш, хориж тажрибасини чуқур ўргангандан ҳолда миллий иқтисодиётимизга халқаро стандартлар талабларини жорий этишни тақозо этмоқда.

Давлат молиясини бошқаришда иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш энг аввало, молия органларининг самарали фаолият олиб боришига боғлиқdir. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, давлат молиясини бошқариш, бюджет интизомини таъминланиши, давлат бюджети маблағларининг шакллантирилиши, самарали ва мақсадли сарфланишида

бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий назорат тизими алоҳида аҳамият касб этади.

Давлат сектори тузилмаси кўп тармоқли бўлиб, унда давлат тиббиёт муассасалари алоҳида ўринга эга. Давлат тиббиёт ташкилотлари асосан давлатнинг аниқ бир функциясини амалга ошириш учун бюджет маблағлари ҳисобига сақлаб туриладиган муассасалардир. Давлат тиббиёт ташкилотлари давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, фаолият йўналишига мос тиббий хизматлар кўрсатишдан, ҳомийлик, вақтинчалик бўш бино ва иншоотларнинг ижараси ҳамда бошқа қонунчилик билан тақиқланмаган бюджетдан ташқари маблағлар тушумлари ҳисобига маблағ билан таъминланади ва улар ҳисобига белгиланган тартибда харажатлар амалга оширилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг бошқа соҳалар ҳисоб тизимиға нисбатан ўзига хос бўлган алоҳида хусусиятлари мавжуд бўлиб, аввало, барча жараён бюджет ижроси жараёнини узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ташкил қилинади. Бунда, даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси бўйича хўжалик муомалаларини рўйхатга олиш ва назорат қилиш, бухгалтерия ҳисоби счёtlарида активларни ҳолати ва ҳаракати, мулкий хуқуқлари ва мажбуриятларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш, бошқарувнинг самарадорлигини таъминлаш учун бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш ҳамда молиявий, солик ва бошқа ҳисботларни тузиш ҳисобланади.

Бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар таркибида салмоқли ўринни таълим соҳасидан кейин соғлиқни сақлаш соҳаси эгаллаган бўлиб, унда давлат тиббиёт ташкилотлари алоҳида хусусиятга эга. Давлат тиббиёт ташкилотларида нафақат бюджетдан молиялаштирилади, балки, бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиши жиҳатидан ҳам энг юқори ўринни эгаллайди. Буни биз мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги сўнгги беш йиллик асосий кўрсаткичларини 3.1-жадвал маълумотларида ҳам кўришимиз мумкин.

3.1-жадвал

**Соғлиқни сақлаш тизимининг 2017-2021 йиллардаги асосий кўрсаткичлари<sup>69</sup>**

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2017 йилга нисбатан 2021 йилдаги ўзгариш	
						(+,-)	%
Шифохона муассасалари сони	1135	1165	1205	1232	1281	146	112,9
Шифохона ўринлари сони, минг	135,7	153,6	153,4	161,0	165,5	29,8	122,0
10 000 ахолига	41,6	46,6	45,2	46,6	46,6	5	112,0
Стационар муассасаларда даволанган беморларнинг жами сони, минг	5984,8	6235,6	6154,0	5532,1	5926,1	-58,7	99,0
Битта шифохона ўрнига тўғри келадиган аҳоли сони	241	215	221	213	213	-28	88,4
Ҳомиладор аёллар ва туғадиганлар учун ўринлар сони, минг	17,7	17,4	17,3	17,3	17,8	0,1	100,6
10 000 аёлларга (15-49 ёш)	20,9	19,6	19,3	19,1	19,6	-1,3	93,8
Амбулатория-поликлиника муассасалари сони	5296	5627	5955	6032	6676	1380	126,1
Амбулатория-поликлиника муассасаларининг қуввати, бир сменада қатновлар сони, минг	405,3	440,8	468,6	682,6	461,3	56	113,8
10 000 ахолига	124,1	133,7	149,5	197,5	130,8	6,7	105,4
Акушерлик-гинекология хоналари сони:	2157	2186	1900	1982	1699	- 458	78,8
Болалар поликлиникалари (бўлимлари) сони:	1102	1128	2058	1067	535	-567	48,5
Барча мутахассисликдаги шифокорларнинг сони, минг	85,4	89,8	91,9	93,3	95,6	10,2	111,9
10 000 ахолига	26,1	27,2	27,1	27,0	27,1	1	103,8
Битта шифокорга тўғри келадиган аҳоли сони:	383	367	369	370	369	-14	96,4
Барча мутахассисликдаги аёл шифокорлар-нинг сони, минг	43,1	44,8	44,3	44,4	44,3	1,2	102,8
жами шифокорлар сонига нисбатан, фоизда	50,5	49,9	48,2	47,6	46,3	-4,2	91,7
Ўрта тиббиёт ходимлари сони, минг	348,2	356,7	365,7	369,9	372,5	24,3	107,0
10 000 ахолига	106,6	108,2	107,8	107,0	105,6	-1	99,1
Битта ўрта тиббиёт ходимига тўғри келадиган аҳоли сони	94	92	92,7	93	95	1	101,1

<sup>69</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика маълумотлари асосида муаллиф хисоб-китоблари.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда шифохона муассасалари сони 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 146 тага кўпайган, яъни 12,9 фоизга ошган. Шунга мос равишда шифохона ўринлари сони 29,8 мингга, ҳар 10 000 аҳолига хизмат кўрсатиш ҳам 5 тага кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, амбулатория-поликлиника муассасалари сони 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 1380 тага кўпайган, яъни 26,1 фоизга ошган. Бу мамлакатимизда аҳолига тиббий хизматларнинг асосий қисми амбулатор шароитда кўрсатиласяпти дегани. Чунки, тор доирадаги мутахассис шифокорлар асосан амбулатория-поликлиникаларда фаолият юритади. Амбулатор шароитда даволанаётган беморларнинг кўпайиши натижасида баъзи касалликларни даволаш осон бўляяпти. Натижада стационар шароитда даволаниш учун bemорлар сони қисқарайапти, буни 2021 йилда 2017 йилга нисбатан стационарларда даволанган bemорларнинг жами сони 58,7 мингтага қисқарганлигидан ҳам билиш мумкин.

Давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва уни малакали мутахассислар билан таъминлаш бўлиб, бу борада ҳам сўнгги беш йилда сезиларли ўзгариш бўлганлигини жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин. Жумладан, 2021 йилда 2017 йилга нисбатан барча мутахассисликдаги шифокорларнинг сони 10,2 мингга, ўрта тиббиёт ходимлари сони эса, 24,3 мингга ошганлиги ҳам соғлиқни сақлаш соҳасидаги ижобий ҳолат ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган бюджет маблағлари ҳам кескин ошганлигини бюджет параметрларидан кўришимиз мумкин. Соғлиқни сақлаш харажатларининг 60 фоизидан ортиғи тиббиёт ходимларининг иш ҳаққини ташкил этса, ажратиладиган маблағлар ҳажми бўйича кейинги йўналишлар озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон воситалари, тиббиёт буюмлари, вакциналар ва бактериологик препаратларга сарфланадиган харажатлар ҳисобланади.


Биз илмий тадқиқотимиз давомида ўрганган тиббиёт ташкилотларининг молиявий ҳисобот маълумотларида ҳам IV гурӯҳ таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситаларига қилинган харажатлар энг юқори улушни ташкил қилган. Амбулатор шароитда тиббий хизмат кўрсатувчи давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий ҳисоботида дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари учун қилинган харажатлар IV гурӯҳ харажатлари таркибидаги энг юқори улушни ташкил қилган.

Шунинг учун, стационар даволаш муассасаларида овқатланиш билан боғлиқ харажатлар ва тушумлар мавжудлиги туфайли биз уларнинг амалдаги ҳисобини юритиш ҳамда назорат қилиш ҳолатини ўрганиб чиқдик.

Маълумки, стационар даволаш муассасаларида озиқ-овқат маҳсулотларининг кирими ва сарфланишининг аналитик ҳисоби амалда “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)га асосан “УзАСБО” дастурий мажмуасида юритилади ҳамда хужжатлаштириш тартиби ҳам ушбу Йўриқноманинг иловаларига асосланади (3.4-расм).

Стационар даволаш муассасаларида парҳез (даволовчи) овқатланиш ўткир ёки сурункали касалликлари бор (тузалиш, шунингдек, зўрайган даврдаги) инсонлар учун ташкил этилади. Парҳез овқатланиш шифокор назорати остида стационар даволаш муассасаларида амалга оширилади.

Шунга қараб, тиббиёт ташкилотлари бўлимларида даволанаётган bemorlarning касалликлари ва уларни ҳолатига қараб озиқ-овқат маҳсулотларини бериш учун меню-талабнома (299-сон шакл) парҳез-шифокори томонидан тузилади ҳамда муассаса бўлимлари кесимида парҳез столлари номенклатураси шакллантирилади.



### 3.4-расм. Давлат тиббиёт ташкилотларида озиқ-овқат маҳсулотлари кирими ва чиқимини ҳужжатлаштириш<sup>70</sup>

Хозирги вақтда профессор М.И.Певзнер томонидан тавсия этилган илмий асосланган ва амалиётда ўзини ижобий томондан кўрсата олган парҳез (муолажа) столлари номенклатураси мавжуд бўлиб, ушбу номенклатурага асосан 15 та (рақамлар билан белгиланган) асосий ва уларнинг қўшимчалар киритилган шакли

<sup>70</sup>Муаллиф ишланмаси.

(кирил алифбосининг кичик ҳарфлари билан белгиланган)даги столлар ажратилган<sup>71</sup>.

Бизни тадқиқот объектимиз ҳисобланган Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида даволанаётган ҳар бир bemornining тиббий ҳолатидан келиб чиқиб овқатланиш таркиби ва парҳез столлари парҳез шифокори томонидан белгилаб қўйилган (3.2-жадвал).

### 3.2-жадвал

#### **Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази bemorлари учун парҳез столларининг номенклатураси<sup>72</sup>**

Парҳез рақами	Қўллаш учун кўрсатмалар
1	Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касаллигининг босилаётган босқичи ёки ремиссия босқичи, ўткир гастрит (ўткир гастрит зўрайиши) касалликнинг босилаётган босқичида ёки сурункали гастрит (кислоталик сақланиб қолган ёки ошганда)
5	Сурункали холециститнинг ўткир бўлмаган зўрайиши ва ремиссия босқичида, сурункали гепатит ремиссия босқичида
7	Ўткир диффуз гломерулонефрит, пиелонефрит ва буйракнинг бошқа касалликлари
9	Қандли диабет
10	Ревматизмнинг фаол даври, II босқичдаги сурункали юрак-қон томирлар этишмовчилиги
15	Рационал парҳез (гипонатрий, гипоаллерген бўлиши мумкин)

Ҳар бир столнинг характеристикаси ахборот қисмининг мажбурий таркибий қисмини: тайинлаш учун кўрсатмалар (касаллик ёки синдром), тайинлаш мақсади, кимёвий таркибининг ўзига хосликлари ва пазандалик ишловининг қўлланилувчи усуллари, аниқ нутриентли таркиби ва калориялилиги, овқатланиш тартиби, рухсат берилган ва тақиқланган озиқ-овқатлар ва таомларни қамраб олади.

Номенклатура тизими касаллик кечиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда парҳез овқатланишини индивидуаллаш-

<sup>71</sup>Шайхова Г.И. ва бошқалар. Овқатланиш гигиенаси. Дарслик. -Т.:”Yangi asr avlod”, 2011. 383-384 бетлар.

<sup>72</sup>Муаллиф томонидан Певзнернинг парҳез столлар номенклатураси асосида тузилган.

тиришни таъминлашга имкон беради ва беморга парҳез муолажаси (диетотерапия)нинг турли босқичларида ўрнини алмаштириб берилишини таъминлайди.

Парҳез овқатланиши тўғри ташкил этиш рационал овқатланишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Парҳез овқатланишнинг ташкил этилиши ва у даволаш муассасининг барча бўлинмаларида бир хилда қўлланилиши учун шифокор-парҳезшунос (диетолог) масъулдир. У парҳез ҳамшираларига раҳбарлик қиласи, овқатланиш блоки ишини назорат қиласи.

Стационар даволаш муассасаларида даволанаётган беморларнинг парҳез овқатланиши учун тўлайдиган пуллари ҳам уларнинг тиббий ҳолатидан келиб чиқиб белгиланган парҳез столлари асосида амалга оширилиши керак. Лекин, амалдаги ҳолат бўйича овқатланиш билан боғлиқ тўловлар барча беморлар тиббий ҳолатидан қатъий назар умумий ҳолда бир қийматда ундирилиши даволаш муассасининг пуллик тиббий хизмат кўрсатиш нархномасида белгилаб қўйилган. Бизнинг фикримизча, стационар даволаш муассасаларида даволанаётган беморлар овқатланиши учун тўлайдиган пулларини парҳез шифокори томонидан белгилаб берилган парҳез столлари бўйича тўлашлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг учун стационар даволаш муассасаларида парҳез столлари номенклатурасига қараб овқатланиш таннархи бўйича калькуляция ишлаб чиқилиши керак.

Бунинг ўзига хослиги шундан иборатки, стационар даволаш муассасаларида озиқ-овқат маҳсулотларининг кирими ва унинг мақсадли сарфланиши назорат қилиб борилади.

Маълумки, стационар даволаш муассасаларининг молияхўжалик фаолиятини ўрганиш жараёнида беморларнинг бўлимлар кесимида овқатланиш рационига бўлган талаби ва уларга овқат тарқатиш тартибини ҳужжатлаштиришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилдик.

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида даволанаётган беморларнинг бўлимлар кесимида овқатланиш рациони бўйича кунлик талаби

фақатгина битта “Беморларнинг овқатланиш рациони” ҳужжати орқали акс эттирилади ва умумий овқатланиш бўлимига бўлим мудири ҳамда бўлим катта ҳамшираси томонидан имзоланган ҳолда берилади (3.3-жадвал).

### 3.3-жадвал

#### **Беморларнинг овқатланиш рациони**

#### **Терапия**

(бўлим номи)

2022 йил 20 февраль соат 16<sup>00</sup> ҳолатига

Беморлар сони	Шу жумладан, пархезлар		Изоҳ
	Пархез рақами	Беморлар сони	
50	№5 – 3 №7 – 4 №9 – 4 №10 - 6 №15 - 33	50	

**Бўлим мудири** \_\_\_\_\_  
 (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

**Катта ҳамшира** \_\_\_\_\_  
 (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

Бу ҳужжат билан фақат бўлимда даволанаётган bemorlar va parxez столлар сонини аниқланади. Lekin bўlim палаталари бўйича даволанаётган bemorlar сони ва уларга овқатни тарқатиш учун палаталар кесимидағи фамилияси, исми, шарифи ҳамда пархез столлари рақами ҳақида тўлиқ маълумотлар бу ҳужжатда ўз аксини топмаган.

Бизнинг фикримизча стационар шароитда даволанаётган bemorlarни овқатлантириш учун бўлимлар томонидан тўлиқ маълумотларни ўзида мужассамлаштирувчи “беморларнинг овқатланиш рационига бўлган талаби” ва “беморларга овқатларни тарқатиш учун талаб” ҳужжатлари ҳам расмийлаштирилиши керак.

**3.4-жадвал**

**Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази**  
 (муассаса номи)

**Умумий овқатланиш бўлими учун терапия бўлимидаги bemorlarning  
ovqatlaniш rationiga bўlgan talabi**

**2022 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ ОЙИ**

2022 йил 20 февраль соат 12<sup>00</sup> ҳолатига bemorlar borligi tўғрисида  
maъlumotlar

Палаталар рақами	Беморлар сони	Шу жумладан, столлари бўйича					
		1	5	7	9	10	15
1	4			1	1		2
2	4					1	3
3	2						2
4	5		1	1		1	2
5	4				1		3
6	3		1				2
7	4			1		1	2
8	4				1		3
9	2						2
10	5		1			1	3
11	4					2	2
12	5			1	1		3
13	4						4
<b>Жами</b>	<b>50</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>6</b>	<b>33</b>	

**Бўлим палата ҳамшираси**

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Стационар даволаш муассасаларида умумий овқатланиш бўлимига бўлган эҳтиёж даволаш бўлимларининг мудирлари ва катта ҳамширлари томонидан бериладиган ҳар кунлик “беморларнинг овқатланиш rationiga bўlgan talabi” асосида аниқланади. Бунинг учун бўлим катта ҳамшираси палата ҳамширларининг палаталар бўйича bemorlarning овқатланиш rationiga bўlgan talablari (3.4-жадвал)ни умумлаштириши ва 3.6-жадвалдаги шакл бўйича овқатланиш rationinini тузиши керак.

Бўлим палата ҳамшираси томонидан бўлимда даволанаётган bemorlarغا овқатни тарқатиш учун палаталар кесимида

беморларининг овқатланиш рационига бўлган талаби ҳам тузиши керак (3.5-жадвал).

**3.5-жадвал**

**Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази**  
 (муассаса номи)

**Тарқатиш учун терапия бўлими bemorlarinning ovqatlaniш racioniga**

**бўлган талаби**

**« 20 » ФЕВРАЛЬ 2022 ЙИЛ**

Палата рақами	Беморларнинг Ф.И.Ш.	Парҳез столи	Палата рақами	Беморларнинг Ф.И.Ш.	Парҳез столи
1	Амирор А.Ж.	7	3	Сайфиева Қ.Ю.	15
	Кадиров С.И.	15		Тошпулатова О.Д.	15
	Салимов М.И.	7		Рахимов И.Ж.	15
	Чориев Т.Б.	15		Камилов А.Ж.	5
2	Умиров О.Ж.	15	4	Пулатов С.Ж.	15
	Латипов И.Х.	15		Алексеев А.Г.	7
	Шербутаев С.М.	10		Магай Е.Б.	10
	Вахидов В.Э.	15		Шорасулов Д.Ш.	7
5	Ганиев С.Б.	9	7	Лолаев Р.Ю.	15
	Дамиров Р.Э.	15		Тохиров В.А.	10
	Жумаев Л.Ж.	15		Фармонов Ч.Б.	15
	Эрназаров Э.Х.	15		Камолов О.Ш.	9
6	Хакимова Д.Э.	15	8	Расулов И.Т.	15
	Эшнаева Б.З.	5		Василев Д.Д.	15
	Равшанова Ф.Н.	15		Махкамов И.Т.	15
9	Чутбоев Б.Э.	15	11	Бахромов Б.Д.	10
	Фозилов Й.К.	15		Улмасов У.У.	15
10	Додиев Ф.У.	5		Йулдошев Ф.С.	10
	Уктамов С.Я.	15		Урманов С.В.	15
	Яркулов М.Ж.	10		Яриев С.Ю.	7
	Самиев С.Ш.	15		Мамиров И.М.	15
13	Сариев В.О.	15	12	Маннанов О.Г.	9
	Алимов В.О.	15		Ермеков Е.Е.	15
	Келдиёров В.Ж.	15		Лукманов Ф.Б.	15
	Нигматов О.А.	15			
	Зоиров П.Э.	15			

**Жами: 50 та bemor**

**Бўлим палата ҳамшираси**

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Бундан мақсад овқатни қатыйй равишда пархез шифокорининг рецепти бўйича таъминлашдир. Бунинг учун палата ҳамшираси ҳар куни эрталаб бўлимда стационар даволанаётган беморлар рўйхатини тузади, у ерда палата рақами, bemoranning тўлиқ фамилияси, исми, шарифи ҳамда пархез шифокори томонидан кўрсатилган пархез стол рақами қайд қилинади.

Бу ҳужжат икки нусхада тузилиб, биринчи нусхаси овқат тарқатувчига ва иккинчи нусхаси бўлим катта ҳамширасига берилади.

Бизнинг фикримизча, стационар даволаш муассасаларида даволанаётган bemorlarning овқатланиш рационини тузишда бўлимларнинг катта ҳамширалари палата ҳамширалари томонидан тузиладиган 3.4- ва 3.5-жадвалдаги ҳужжатларга асосланиши ҳамда 3.6-жадвалдаги шакл бўйича овқатланиш рационини тузиши керак.

### **3.6-жадвал**

#### **Беморларнинг овқатланиш рациони**

##### **Терапия**

(бўлим номи)

**« 20 » ФЕВРАЛЬ 2022 ЙИЛ**

<b>Пархез столи рақами</b>	<b>Беморларнинг сони</b>	<b>Изоҳ</b>
1	0	
5	3	
7	4	
9	4	
10	6	
15	33	
<b>ЖАМИ</b>	<b>50</b>	

**Бўлим мудири** \_\_\_\_\_  
 (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

**Катта ҳамшира** \_\_\_\_\_  
 (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

Тадқиқотимиз обьекти бўлган Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг “Терапия” бўлимида даволанаётган bemорларни кунлик овқатланиш рационини тузиш ва уни назорат қилишининг амалдаги ва биз таклиф қилаётган ҳолатларини солиштирсак, бизнинг таклиф қилган шаклларимиз самарали ҳисобланади. Чунки, бизнинг таклиф қилган шаклларимизда бўлимдаги палаталар сони бўйича даволанаётган bemорларнинг аниқ миқдори билан уларга тарқатиладиган парҳез таомлар сонини солиштириш имкони бўлади.

Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини даволанаётган bemорлар сонидан келиб чиқиб сарфланишини назорат қилиш, тезкор маълумотларни шакллантириш ҳамда овқатланиш учун кетадиган харажатларни таҳлил қилиб бориш мумкин бўлади. Парҳез таомларнинг турлари бўйича калькуляцияни шакллантириб, bemорлардан овқатланиш учун тўловларнинг бир хиллигига чек қўйилади. Бундан ташқари стационар даволаш муассасаларида даволанаётган bemорларнинг ойлик овқатланганлиги бўйича бўлимлар кесимида йиғма ҳисботи шакллантирилади. Биз бу ҳисботни Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази мисолида амалиётга жорий қилганмиз (2-илова).

Бу стационар даволаш муассасаларида “X” касалларнинг овқатланишига чек қуяди, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан олинган озиқ-овқат маҳсулотларининг сарфланишини назорат қилишини таъминлайди.

Даволаш муассасаларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан олинаётган дори-дармонлар ҳамда ярани боғлаш воситаларининг самарали ва мақсадли ишлатилишини назорат қилишининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари учун қилинадиган харажатлар давлат тиббиёт ташкилотларида асосий аҳамиятга эга бўлиб, дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари ахолига стационар ва амбулатор шароитда тиббий хизмат

кўрсатишда бевосита фойдаланадиган товар-моддий захирасига киради.

Муассаса сметасида бюджетдан ва бюджет ташқари ажратиладиган маблағлар ҳажми бўйича иккинчи ўринни доридармон воситалари, тиббиёт буюмлари, вакциналар ва бактериологик препаратларга сарфланадиган харажатлар эгаллайди.


Шунинг учун муассасаларда дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситаларини кирими ва унинг сарфланиши устидан назорат қилиш, йиғма ҳисобот шаклларини такомиллаштириш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишда тезкор маълумотларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, давлат тиббиёт ташкилотларида дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари кирими ва чиқими бухгалтерия ҳисобининг бошланғич ҳужжатлари ва ҳисоб регистларида ҳисобга олинади.

Қуйидаги 3.5-расм маълумотларидан қўриб, шуни таъкидлаш мумкинки, давлат тиббиёт ташкилотларида дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситаларини кирими ҳамда уларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилиш учун биринчи навбатда бошланғич ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш керак. Шу кетма-кетликда тиббиёт муассасаларининг ҳисобот шакллари шакллантирилади.

Илмий тадқиқот олиб бориши жараёнида биз дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари ҳисобининг стационар ва амбулатор даволаш муассасалардаги амалдаги ҳолатини ўрганганимизда бир қанча ечимини кутаётган муаммолар борлигига амин бўлдик. Жумладан, давлат тиббиёт ташкилоти бухгалтериясига провизор ва бўлимлар катта ҳамширалари томонидан топширадиган ҳисботда бюджет, бюджетдан ташқари ҳамда ҳомийлик маблағлари ҳисобидан олинган дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситаларининг ҳисботда ажратилмаганлиги, бўлимлар ўртасида ички ҳисбот шаклини йўқлиги. Давлат тиббиёт ташкилотларининг бўлим (бўлинма)лари ўзаро дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари ички алмашиниши юк хатлари асосида амалга оширилган бўлиб, суммалари ёзилмаган. Бу ўз навбатида, муассасада дори-

дармонлар ва ярани боғлаш воситалари ҳисобини юритишида ва улардан самарали фойдаланиши назорат қилишда қийинчилклар түгдирди ҳамда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида харажатлар сметасини тузишга ҳам салбий таъсир қиласи.



**3.5-расм. Давлат тиббиёт ташкилотларида дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари кирими ва чиқимини ҳужжатлаштириш<sup>73</sup>**

Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари ҳисобини тўғри юритилмаслиги қуйидаги оқибатларга олиб келади:

<sup>73</sup>Муаллиф ишланмаси.

бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан олинган дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситаларидан самарали фойдаланишни назорат қилишнинг имкони бўлмайди;

ҳомийликдан олинган дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситаларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш мумкин эмас;

ташкилотда дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари билан боғлиқ ўғриликлар, “X” bemorlarغا ишлатилиш ҳолати кўпаяди;

ташкилотнинг молиявий ҳисбот шаклларида дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситаларининг киrimi, чиқими ва қолдиқлари нотўғри шаклланишига олиб келади;

ташкилот бўлимларининг катта ҳамширалари топшириган ҳисбот маълумотлари билан провизорнинг ҳисбот маълумотлари бир-бирига тўғри келмаслик ва ҳисбот топширишга масъулият билан ёндашилмаслик ҳолатлари юз беради;

Давлат тиббиёт ташкилотларида дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситаларининг ҳисобини тўғри юритиш мақсадида биринчи навбатда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқдик (1-илова). Ҳисоб сиёсатида дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари киrimi, балансдан чиқарилиши ҳамда бухгалтерия проводкаларида акс эттирилишини кўрсатиб ўтдик.

Тадқиқотимиз обьекти мисолида «Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари»нинг ички алмашинув ҳисботи шаклини ишлаб чиқдик (3.7-жадвал). Ҳисбот шаклида муассаса бўлимлари ўртасида дори-дармон ва ярани боғлаш воситаларининг ой давомида ички алмашинуви бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар кесимида, аниқ суммаларда ҳамда ой бошида ва охирида қолдиқларни кўрсатган ҳолда ифодаланиши белгиланган.

Катта ҳамшираларнинг дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари бўйича ҳисоб-китобларни тўғри бажариш учун масъулият билан ёндашиши ҳам белгилаб қўйилган.

3.7-жадвал

**Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази  
«Протезлаш» бўлимининг 2022 йил февраль ойи учун «Дори-дармонлар ва ярани боғлаш  
воситалари»нинг ички алмашинув хисоботи<sup>74\*</sup>, (сўмда)**

№	Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари номи	Ўлчов бирлиги	Ой бошига қолдиқ			Ой давомида кирим қилинди			Ой давомида сарфланди			Ой охирига қолдиқ			
			Микдо- ри	Нархи	Суммаси	Микдо- ри	Нархи	Сумма- си	Микдо- ри	Нархи	Суммаси	Микдо- ри	Нархи	Сумма- си	
<b>Бюджет маблағлари хисобидан олинган (Ногиронлиги бўлган шахслар учун)</b>															
<b>1</b>	Анальгин 2,0	ампула	0	498	0	50	498	24 900	45	498	22 410	5	498	2 490	
<b>2</b>	Цефтриаксон 1,0	флакон	11	3200	35 200	75	3200	240 000	53	3200	169 600	33	3200	105 600	
<b>3</b>	Шприц 2,0	дона	15	420	6 300	0	420	0	15	420	6 300	0	420	0	
<b>Жами</b>			<b>X</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>41 500</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>264 900</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>198 310</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>108 090</b>
<b>Бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан олинган (Пуллик тиббий хизмат кўрсатиш учун)</b>															
<b>1</b>	Димедрол 1,0	ампула	9	164,34	1 479,06	0	164,34	0	9	164,34	1 479,06	0	164,34	0	
<b>2</b>	Левокарнитин 5,0	ампула	28	9 220	258 160	0	9 220	0	28	9220	258 160	0	9220	0	
<b>3</b>	Щприц 5,0	дона	36	490	17 640	50	490	24 500	72	490	35 280	14	490	6 860	
<b>Жами</b>			<b>X</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>277 279,06</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>24 500</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>294 919,06</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>6 860</b>
<b>Хомийлардан олинган (Беморларга ишлатиш учун)</b>															
<b>1</b>	Система	дона	25	3200	80 000	12	3200	38 400	31	3200	99 200	6	3200	19 200	
<b>2</b>	Метралин 100,0	флакон	55	1820	100 100	0	1820	0	42	1820	76 440	13	1820	23 660	
<b>3</b>	Щприц 10,0	дона	48	501	24 048	20	501	10 020	56	501	28 056	12	501	6 012	
<b>Жами</b>			<b>X</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>204 148</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>48 420</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>203 696</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>48 872</b>
<b>Ҳаммаси</b>			<b>X</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>522 927,06</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>337 820</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>696 925,06</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>163 822</b>

\*Изоҳ. Ҳисботга асос бўлувчи ҳужжатлар илова қилишини шарт.

Топширди:

“Вертебрология” бўлими катта ҳамшираси \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Қабул қилди:

“Протезлаш” бўлими катта ҳамшираси \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

<sup>74</sup>Муаллиф ишланмаси

Ички алмашинув ҳисоботи ҳар ойда муассаса бухгалтериясига бўлим катта ҳамшираси томонидан бўлимнинг «Дори-дармон ва ярани боғлаш воситалари» ҳисоботи билан бир вақтда топширилади. Давлат тиббиёт ташкилотида дори-дармон ва ярани боғлаш воситалари бўйича ички молиявий назоратни такомиллаштириш, маблағлардан самарали фойдаланиш, пуллик тиббий хизмат кўрсатиш таннархини асоссиз оширишнинг олдини олиш ва бошқарув жараёнини тезкор бухгалтерия ахборотлари билан таъминлаш мақсадида бўлимнинг ойлик топшириладиган «Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари» бўйича ҳисоботи шаклини ишлаб чиқдик (З-илова).

Бу ҳисбот шаклини амалиётга жорий қилишдан мақсад давлат тиббиёт ташкилотларида дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари бўйича аналитик ҳисобни маблағлар манбаси бўйича тўғри юритиш, молиявий назоратни таъминлаш ва молиявий ҳисбот шаклларида қолдиқларни ушбу ҳисбот маълумотлари билан бир хилликда акс эттириш. Ҳисботларни муассасанинг моддий бойликлар ҳисобчиси ҳар ойда қабул қилиб, текшириб “УзАСБО” дастурига киритиб боради.

Пуллик тиббий хизмат кўрсатиш хукуқи давлат тиббиёт ташкилотларига берилганлиги туфайли фаолият йўналишидан келиб чиқиб барча стационар ва амбулатор даволаш муассасалари аҳолига ва чет эл фуқароларига пуллик тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Пуллик тиббий хизмат турлари бўйича таннархни шакллантиришда дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари харажатлари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки, пуллик тиббий хизмат турлари бўйича таннархни шакллантиришда ҳисбот маълумотларини таҳлил қилиш, дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситаларининг сарфланиш меъёрини аниқлаш натижасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг таннархи камаяди.

Таклиф этилаётган ҳисботлар шакли давлат тиббиёт ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига

олинган, ҳомийлар томонидан етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситаларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш, улардан белгиланган меъёрлар асосида фойдаланишни назорат қилиш ҳамда ташкилот фаолияти йўналишига мос тиббий хизматлар таннархини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бундан ташқари бошқарув жараёнида қарорлар қабул қилиш учун оператив ахборотлар билан таъминлашда, моддий жавобгар шахслар масъулиятини оширишда ва маблағлардан фойдаланиш ҳолатини назорат қилиб, дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун маблағлар билан узлуксиз таъминлашда, дебитор ва кредиторлар билан ҳисобкитобларни ўз вақтида амалга оширишда ҳисбот маълумотларидан фойдаланилади.

## **ХУЛОСА**

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуидаги мұхим хулосалар ва таклифлар шакллантирилди:

1. Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш ва уларнинг моддий техника базасини янгилаб бориш мақсадида давлат бюджетидан молиялаштириш ҳажми сүнгги беш йил ичида қарийб 3 баробарга ошган. Шу билан бирга, давлат тиббиёт ташкилотлари сони, штат бирликлари ва ахолига кўрсатиладиган тиббий хизмат турлари ҳам кенгайган. Давлат тиббиёт ташкилотлари фақат, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиб қолмасдан, балки, фаолият ихтисослиги бўйича ахолига стационар ва амбулатор шароитда пуллик тиббий хизматлар кўрсатиш сезиларли даражада ривожланган. Бу эса, мавжуд шарт-шароитдан келиб чиқиб, давлат тиббиёт ташкилотларининг фаолият ихтисослиги ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, тиббиёт муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий назоратнинг назарий ҳамда услубий асосларини тадқиқ этиш заруриятини вужудга келтиради.

2. Давлат тиббиёт ташкилотларининг фаолият ихтисослиги ва тиббий хизматлар кўрсатиши бўйича бир-биридан фарқланиши, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби, бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиш манбалари ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги илмий тадқиқот давомида ўрганилди. Шу асосда давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг мақсади, вазифалари ва объектлари назарий жиҳатдан асосланди. Давлат тиббиёт ташкилотлари молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш ва назорат қилиш, ҳисботларни тузиш ва тақдим қилиш ҳамда бухгалтерия ахборотларидан фойдаланувчилари учун тезкор ва ишончли маълумотларни тайёрлашда ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг зарурлиги назарий жиҳатдан тадқиқ этилди.

3. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ «УзАСБО» дастурий мажмуаси орқали юритиш тўлиқ йўлга қўйилган бўлиб, хўжалик жараёнлари, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби, молиявий ҳисботларни шакллантириш билан боғлиқ барча ишлар дастурий мажмуанинг «Хужжатлар» менюсида бухгалтерия хизмати ходимлари томонидан бажарилмоқда. Мазкур ҳолат давлат тиббиёт ташкилотларида ишловчи бухгалтерия ходимларининг ўртасида фақат, техник ишни, бош ҳисобчининг оғзаки топшириқларини бажариш билан чекланишга, лавозим йўриқномаларини талаб даражасида билмаслик натижада бухгалтерия ҳисобини мантиқан юритиш бўйича кўниумага эга эмаслигига олиб келаяпти. Энг асосийси бухгалтерия ҳисобини юритишида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олмаслик, бухгалтерияга топшириладиган ҳужжат ва ҳисботларни моддий жавобгар шахслардан талаб қила олмаслик ҳамда ўз вақтида моддий жавобгар шахсларни назорат қила олмаслик ҳолатларида содир бўлади. Давлат тиббиёт ташкилотлари бухгалтериясида содир бўладиган салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун муассаса фаолияти ихтисослиги бўйича ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ назорат тизими таъминлашнинг услубий жиҳатлари такомиллаштирилиб бориши ҳамда амалиётга жорий этилиши талаб этилади.

4. Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисобини юритиш учун алоҳида шахсий ғазна ҳисобвараклари очилади. Шунингдек, бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси тузилади, тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказилади. Сметалар ижроси бўйича ҳисботлар ҳам шахсий ғазна ҳисобвараклар бўйича шакллантирилади. Давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини юритиш ҳамда молиявий

назоратини таъминлаш борасида стационар ва амбулатор шароитда хизмат кўрсатувчи даволаш муассасалари ҳисботидаги харажатлар таркиби таҳлил қилинганда, энг юқори улушни озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармон ва ярани боғлаш воситалари харажатлари ташкил қилган. Бу эса, давлат тиббиёт ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфланиши, кўрсатиладиган тиббий хизматлар билан боғлиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармон ва ярани боғлаш воситаларидан белгиланган меъёрлар асосида фойдаланиш юзасидан молиявий назоратни ташкил этиш зарурияти мавжудлигидан далолат беради.

5. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисботларни тузишда хўжалик муомалаларини амалга оширишнинг қонунийлигини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини, активларнинг бут сақланишини таъминлаш, талонтарож қилиш ҳоллари ва хатоликларнинг олдини олиш ҳамда аниқлаш учун ички назоратни таъминлашнинг зарурий шарти бу муассасада ҳисоб сиёсатини услубий жиҳатдан тўғри шакллантириш ҳисобланади. Ҳозирги вақтда барча давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби электрон шаклда юритилаётганлиги сабабли ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва уни амалиётга жорий қилиш масалалари очик қолмоқда. Лекин, давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда, ҳисобни техник ва услубий жиҳатдан тўғри юритишда, бошқарув ва молиявий назоратни таъминлашда, ахолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар нархини тўғри шакллантиришда, молиявий фаолиятнинг самарадорлигини оширишда, тиббий хизмат турлари бўйича амалга оширилган харажатлар юзасидан тезкор ахборотларни шакллантиришда ҳамда солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича имтиёзларни ҳисобга олишда ҳисоб сиёсати асосий ролни ўйнайди.

6. Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шакллантирилган молиявий ҳисботлар ташки фойдаланувчилар учун асосий манба ҳисобланади, чунки,

молиявий ҳисботлардаги маълумотларнинг ишончлилиги ва шаффофлиги муҳим масалалардан саналади. Шунинг учун, давлат тиббиёт ташкилотларининг молиявий ҳисботларига қўйилган умумий талаблари мавжуд бўлиб, молиявий ҳисботларнинг шакллари, уларни тузиш тартиби ва тақдим этиш муддатлари молия органлари томонидан белгиланади.

7. Давлат тиббиёт ташкилотларининг фаолият йўналишларидан келиб чиқиб ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва шу асосда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритиш зарур. Фаолият йўналишига мос тарзда ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобининг ташкилий, техник ва услубий таъминотини шакллантириш, таркибий тузилмаларнинг бухгалтерия хизмати бўлими билан ахборот алмашиш тизимини мустаҳкамлаш, жорий бухгалтерия ахборотларининг ишончлилигини таъминлашга эришилади.

8. Давлат тиббиёт ташкилотларида кўрсатиладиган тиббий пуллик хизмат турларининг ҳар бири бўйича таннархни алоҳида шакллантириш мақсадга мувофиқ. Тиббий хизматларнинг турлари бўйича калкульяцияни шакллантириш, таннархни аниқлаш ва улар билан боғлиқ амалга ошириладиган харажатларнинг мақсадлилиги, таннарх кўрсаткичлари бўйича ҳисоб ишларини юритиш ҳамда маблағлар сарфига оид ахборотларнинг очиқлилигини таъминлашга хизмат қиласди.

9. Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий-хўжалик жараёнларини бошқариш, маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлаш, таркибий тузилмалар фаолиятини назорат қилиш, самарали бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминлаш учун бошқарув ҳисобини жорий этиш зарур. Давлат тиббиёт ташкилотларида бошқарув ҳисобини юритиш йўлга қўйилиб, тиббий хизматларнинг турлари бўйича амалга оширилган харажатлар юзасидан оператив ахборотларни шакллантириш, маблағлардан фойдаланиш ҳолатини назорат қилиш ва маблағлар билан узлуксиз таъминлаш, ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга

ошириш юзасидан самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти яратилади.

10. Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфланиши, тиббий хизматлар билан боғлик дори-дармон ва тиббий воситалар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлардан белгиланган меъёрлар асосида фойдаланиш ҳолати юзасидан молиявий назоратни ташкил этиш лозим. Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар билан боғлик дори-дармон ва тиббий воситалар, озиқ-овқат маҳсулотларининг меъёрлар асосида сарфланиши ҳолатини ўрганиш йўлга қўйилиб кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг таннархини камайтириш имконияти яратилди.

# **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

## **I. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ЎРҚ-404-сон қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 1995 йил 21 декабрдаги ЎРҚ-163-I-сон қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги «Давлат молиявий назорат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-6300-сон Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чукурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3923-сон Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сон Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3231-сон қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет

жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3917-сон қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-128-сон қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиши харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 54-сон қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сон қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 276-сон қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон Қарори билан тасдиқланган «Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги низом.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 февралдаги 31-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг турған даволаш-профилактика муассасаларида овқатланишни ташкил этиш ва унинг учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ташкилотлари тузилмасини янада оптималлаштириш ва соғлиқни сақлаш тизими тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 292-сон қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги «2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 506-сон қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 марта “Молия вазирлиги ҳузурида Давлат молиявий назорат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш ҳамда бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 129-сон қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» (19-сон БХМС, 1999 йил 2 ноябрь, 833-сон).

20. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари (2002 йил 14 март, 1111-сон).

21. “Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида” Низом (2004 йил 6 апрель, 1334-сон).

22. “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Низом (янги таҳрирда) (2004 йил 29 август, 1401-сон).

23. «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси маблағларини тасарруф этиш учун тиббиёт ташкилотлари ҳузуридаги маҳсус комиссиялар тўғрисида»ги Низом (2006 йил 14 январь, 1536-сон).

24. «Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси тўғрисида»ги Низом (2006 йил 14 январь, 1537-сон).

25. «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон).

26. «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом (2014 йил 15 декабрь, 2634-сон).

27. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти «Ҳисоб сиёсати» (1-сон БХС, 2016 йил 27 декабрь, 2853-сон)

28. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 11 апрелдаги 150 -сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи даволаш -профилактика муассасаларида ахолига кўрсатиладиган пуллик хизматлар нархларини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом.

29.«Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар» (2018 йил 26 декабрь, 2971-сон).

30. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 3 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи тиббиёт ташкилотлари томонидан пуллик хизматни ташкил этиш тўғрисида”ги 293-сонли буйруғи.

31. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида чораклик ва йиллик ҳисбот шакллари (2020 йил 30 июнь, 3255-сон).

32. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. - Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017.-48 b.

33. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. - Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017. - 104 b.

34. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 йил.

35. Мирзиёев Ш.М. “Кучли ва самарали тиббиёт тизимини шакллантириш –халқпарвар давлатнинг энг асосий вазифаси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси

вакиллари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи.  
18.03.2022 йил. <http://www.xs.uz>.

36. World Health Organization. Global expenditure on health: public spending on the rise? Global Report. ISBN 978-92-4-004121-9. World Health Organization 2021.

37. World health statistics 2022: monitoring health for the SDGs, sustainable development goals. ISBN 978-92-4-005114-0. World Health Organization 2022.

## **II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

38. Andreea Cîrstea. The Need for Public Sector Consolidated Financial Statements. Procedia Economics and Finance. Volume 15, 2014, Pages 1289-1296.

39. Бакайбаева А.С. Ўзбекистон Республикасида бюджет ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш йўллари. и.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореферати. – Т.: ТМИ, 2020. –58 б.

40. Бўриева Н.Х. Соғлиқни сақлаш тизимини молиявий таъминоти ва бухгалтерия ҳисобини ўзига хос хусусиятлари. Монография. – Т.: “Navro‘z”, 2019. -128 б.

41. Davor Vašiček, Gorana Roje. Accounting System in Croatian Public Healthcare Organizations: an Empirical Analysis. Theoretical and Applied Economics. Volume XVII (2010), No. 6(547), pp. 37-58.

42. Jan van Helden., Ron Hodges. Public Sector Accounting and Budgeting for Non-Specialists 2016th Edition. USA. –256 p.

43. Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришнинг натижа мезонларини шакллантириш. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” илмий электрон журнали. – Тошкент, 2019. № 3-сон, 1-10-б.

44. Ибрагимов К.Ш. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботни такомиллаштириш (Олий таълим муассасалари мисолида). И.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореферати. – Т.: ТМИ, 2018. –54 б.

45. Ибрагимов К.Ш. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботни такомиллаштириш (Олий таълим муассасалари мисолида). и.ф.ф.д. (PhD) диссертацияси. 2018. –153 б.

46. Kuliboyev A.Sh. «Organization of management accounting in public medical institutions» IMPACT: International Journal of Research in Business Management, Vol. 10, Issue 5, May 2022. – Pp. 1–8

47. Кулибоев А.Ш. Тиббиёт муассасаларида ҳисоб сиёсатини шакллан-тиришнинг методологик масалалари.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. – Тошкент, 2017. № 4-сон, 1-8-б.

48. Кулибоев А.Ш. Давлат тиббиёт муассасаларида меҳнатга ҳак тўлаш ҳисоби ва унинг ўзига хос хусусиятлари. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. – Тошкент, 2018. № 6-сон, 1-10-б.

49. Кулибоев А.Ш. Давлат тиббиёт муассасаларида инвентаризация ўтказиш ва уни ҳужжатлаштириш масалалари.//«Янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари» «Умид» жамғармаси битиувчиларининг биринчи Халқаро конференциясининг илмий-амалий мақолалар тўплами. 2020 йил 3-4 январь. -Тошкент: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020. 544 б. 53-57 бетлар.

50. Кулибоев А.Ш. Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш босқичлари. // “Молия ва банк иши” илмий электрон журнали. – Тошкент, 2022. № 1-сон, 84-89-б.

51. Kuliboyev A.Sh. «Rules and steps of accounting policy in state medical institutions». //International scientific and practical conference «Modern psychology and pedagogy: Problems and solutions» Imperial College London, 16.04.2022. – Pp. 575-580.

52. Kuliboyev A.Sh. «Management accounting system in state medical institutions and its organizational aspects».// International conference on Developments in Education. Toronto, Canada. August 29<sup>th</sup> 2022. -Pp. 56-60.

53. Кулибоев А.Ш. Давлат тиббиёт муассасаларида пуллик хизматлар ҳисобини юритишнинг айрим масалалари.//“Замонавий

ишлаб чиқаришнинг иш самарадорлиги ва энерго-ресурс тежамкорлигини ошириш муаммолари” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами., Андижон машинасозлик институти, 2018 йил 3-4 октябрь. – Хонобод.: 2018, – 965 б. 496-499 бетлар.

54. Кулибоев А.Ш. Давлат тиббиёт муассасаларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришда ахборот тизимларидан фойдаланиш//«Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларини жорий этишда акциядорларнинг ролини кучайтириш йўллари» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами., Тошкент молия институти, 2018 йил 14 декабрь. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2018. –648 б. 244-246 бетлар.

55. Кулибоев А.Ш. Соғлиқни сақлаш тизимиға бюджетдан ажратилаётган маблағларни назорат қилишда рақамли иқтисодиётни ўрни ва аҳамияти// “Иқтисодиётнинг ижтимоий секторини ривожлантиришнинг долзарб масалалари: миллий ва хорижий тажриба” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция тезислар тўплами., Андижон Давлат университети, 2020 йил 15 май. – Андижон.: АДУ, 2020. – 462 б. 221-224 бетлар.

56. Кулибоев А.Ш. Давлат тиббиёт муассасаларида бюджет маблағлари ҳисобини юритишнинг амалий жиҳатлари//«Замонавий бизнесни бошқариш, иқтисодиёт, инновацион технологиялар ва ижтимоий фанларни ривожлантириш: назария ва амалиёт уйғунлиги» мавзусидаги олий ўқув юртлариаро Халқаро конференция материаллари тўплами., Тошкент молия институти, 2021 йил 24 май. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2021. –915 б. 518-522 бетлар.

57. Кулибоев А.Ш. Оператив ҳисоб: рақамли иқтисодиётдаги ўзгаришлар. //«Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида статистика тизимини янада такомиллаштириш» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами., Тошкент молия институти, 2022 йил 18 март. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2022. –631 б. 151-152 бетлар.

58. Лепинских Т.В. Управленческий учет доходов и расходов в учреждениях здравоохранения. Автореферат дисс. к.э.н. Сургутского государственного университета. Сургут, 2010. -19 с.

59. Макарова Н.Н. Концепции формирования учетной политики экономических субъектов. Автореферат дисс. д.э.н. Санкт-Петербургский государственный аграрный университет. Йошкар-Ола, 2011. -34 с.

60. Мехмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: наза-рия ва амалиёт. Монография. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2016. -136 б.

61. Мехмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. (DSc) дисс. автореферати. – Т.:ТМИ, 2018. –76 б.

62. Мехмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. (DSc) диссертацияси. 2018. –230 б.

63. Остонокулов А.А. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисботи методологиясини такомиллаштириш. Монография. –Т.: «VNESHINVESTPROM», 2021. –208 б.

64. Остонокулов А.А. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисботи методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. (DSc) дисс. автореферати. – Т.:ТМИ, 2021. – 72 б.

65. Стонокулов А.А. Бюджет ташкилотларида товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатлари ва сотиш ҳисоби услубиётини такомиллаштириш. // «Молия» илмий журнали. - Тошкент, 2020. №5-сон. 13-23-б.

66. Парыгина Н.М. Бюджетный учет и организация внутреннего контроля медицинских услуг в клинических диагностических центрах. Автореферат дисс. к.э.н. Академия бюджета и казначейства Министерства финансов Российской Федерации. Москва, 2011. -26 с.

67. Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришни такомиллаштиришнинг методологик асослари. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2017. –248 б.

68. Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш. и.ф.д. (DSc) дисс. автореферати.– Т.:ТДИУ, 2018. –70 б.

69. Рябоконь Н. А. Организация бухгалтерского учета доходов и расходов в учреждениях здравоохранения в условиях смешанного финансирования. Автореферат дисс. к.э.н. Южно-Российский государственный университет экономики и сервиса. Мичуринск, 2009 г. -26 с.

70. Jens Heiling. Contributing to The Global Economy. Public Sector Accounting - A Discipline in Its Own Right. ERNST & YOUNG GMBH, Stuttgart, Germany. September 29, 2020.

71. Wiwied Widiastuti Saktiani. Pengaruh sistem informasi akuntansi dan pengendalian internal terhadap kualitas pelaporan keuangan (Studi Pada Koperasi TS Bandung). <https://www.researchgate.net/publication/333172508>. May 2018

72. Трофимова Л.Б. Особенности форм учетной политики в учреждениях государственного сектора. В журнале «Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях». 2013. № 22 (334).

73. Ушаков А.А. Бухгалтерский учет и аудит эффективности использования средств в муниципальных учреждениях здравоохранения. Автореферат дисс. к.э.н. Ростовский государственный экономический университет. Ростов-на-Дону, 2012. -24 с.

74. Федотов А.В. Бухгалтерский учета и контроль расходов по содержанию государственных учреждений здравоохранения Краснодарского Края. Автореферат дисс. к.э.н. Кубанский государственный аграрный университет. Краснодар, 2006. - 24 с.

75. Федченко Е.А. Методология анализа и контроля эффективности использования бюджетных средств государственными учреждениями. Автореферат дисс. д.э.н. Российской экономический университет имени Г.В.Плеханова. Москва, 2017. - 48 с.

76. Хамирова З.У. Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари фаолиятини самарали ташкил қилиш масалалари. Монография. – Т.: “VNESHINVESTPROM” 2021. –183 б.

77. Хамирова З.У. Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятини такомиллаштириш. и.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореферати. –Т.:ТМИ, 2021. –58 б.

78. Шанасирова Н.А. Соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳаржатлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. и.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореферати.– Т.:ТДИУ, 2022. – 45 б.

79. Қурбонов Ш.М. Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ички аудитни такомиллаштириш. и.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореферати.– Т.: ТМИ., 2022. –58 б.

80. Қурбонов Ш.М. Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ички аудитни такомиллаштириш. и.ф.ф.д. (PhD) диссертацияси. 2022. –140 б.

81. Ғаниев Ш.В. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш (таълим тизими мисолида). иқт. фан. ном. дисс. автореферати. –Т.: Ўз Р БМА., 2008. –28 б.

82. Фуқаролар учун бюджет 2018-2021 маълумотлари.

### **III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар**

83. Anwar Shah. Budgeting and budgetary institutions. Public Sector Governance and Accountability Series. The World Bank. Washington. 2007.

84. Азаренкова Г.М. и.др. Финансовый контроль: международный опыт (научно-практическое издание). -Киев: УБД НБУ, 2013.- 429 с.

85. Болтинова О.В., Петрова И.В. Бюджетный контроль. Учебное пособие для магистратуры. -М.: Изд-во Норма, 2018. -160 с.

86. Воробьева О. А. Основы бухгалтерского учета в государственных и муниципальных учреждениях: учебное пособие. – Курган: Издательство Курганского гос. ун-та, 2017. – 190 с.
87. Воробьева И.П., Спесивцева А.Л., Барышева Г.А. Бухгалтерский учет в бюджетных учреждениях. Учебное пособие. - Томск: Изд-во ТПУ, 2012. – 252 с.
88. Жуклинец И.И. Бухгалтерский учет в бюджетных учреждениях: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. -М.: Издательство Юрайт, 2016. -504 с.
89. Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б. Бюджет назорати ва аудити. Ўқув қўлланма. -Т.: «infoCOM.UZ», 2010. -192 б.
90. Ibragimov K.Sh. Byudjet hisobi. Darslik – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. –540 б.
91. Измоденов А.К. Бюджетный контроль. Учебник. – Екатеринбург.: Изд-во Урал.гос.экон.ун-т, 2014. – 282 с.
92. Коренкова С.И. Бюджетный учет и отчетность. Учебное пособие для вузов. –Москва.: Издательство Юрайт, 2019. -195 с.
93. Макоев О.С. Контроль и ревизия. Учебное пособие. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. -256 с.
94. Маслова Т.С. Контроль и ревизия в бюджетных учреждениях: учеб. пособие. 2-е изд., перераб. -М.: ИНФРА-М, 2017. -227с.
95. Mehmonov S.U. va Ubaydullayev D.Yu. Byudjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi. Darslik. – Т.: “Sano – standart”, 2013. -454 б.
96. Mehmonov S.U., Kuliboyev A.Sh. Byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari jamg‘armalari hisobi. O‘quv qo‘llanma.–Т.:“Iqtisod-Moliya”, 2018.-192 б.
97. Опарина С.И., Кришталева Т.И., Гурко А.И. Бюджетный учет и отчетность. Учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. -М.: Издательство Юрайт, 2016. -347 с.
98. Остонақулов М. Бюджет ташкилотларида янги бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. -480 б.

99. Резниченко С.М., Сафонова М.Ф., Швырева О.И. Современные системы внутреннего контроля: учебное пособие. – Краснодар: Куб ГАУ, 2016. – 439 с.
100. Самаруха В.И., Деревцова И.В. Государственный финансовый контроль в Российской Федерации. Учебное пособие. - Иркутск.: Изд-во БГУ, 2018. -160 с.
101. Tuychiyev A.J., Ostonokulov A.A., Ibragimov K.Sh., Tursunov A.S. Byudjet hisobi. Darslik. – Т.: “Iqtisod –Moliya” 2018. 428 б.
102. Tuychiyev A.J., Ostonokulov A.A., Ibragimov K.Sh., Tursunov A.S. Byudjet tashkilotlarida byudjet hisobi. Darslik – Т.: “Iqtisod-Moliya” 2019. –329 б.
103. Фирстова С.Ю. Бухгалтерский учет в медицине. Учебник. – М.: «АйПиЭр Медиа», 2007. -283 с.
104. Qo‘ziyev I.N., G‘aniyev Sh.V., Ramazonov A.S. Byudjet hisobi va nazorati (1-qism). Darslik. – Т.: “Nihol Print”, 2022. –632 б.
105. Hamdamov B.K. va Ostonokulov A.A. Byudjet nazorati. O‘quv qo’llanma.– Т.: “Iqtisod –Moliya”, 2018. -318 б.
106. <http://www.president.uz> Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.
107. <http://www.gov.uz> Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали.
108. <http://www.aza.uz> Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот агентлиги расмий веб-сайти.
109. <http://www.mf.uz> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий веб-сайти.
110. <http://www.ssv.uz> Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги расмий веб-сайти.
111. <http://www.lex.uz> Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
112. <https://ach.gov.uz/uz> Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси расмий веб-сайти.

113.<http://www.stat.uz> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси веб-сайти.

114.<https://data.gov.uz/> Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар портали.

115.<https://openbudget.uz/> Ўзбекистон Республикаси очик бюджет портали.

116.<https://www.ifac.org/> Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси.

117.<https://www.ipsasb.org/> Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича кенгаш.

118.<https://www.imf.org> Халқаро валюта жамғармаси.

## **ИЛОВАЛАР**

***1-илова***

# **НОГИРОНЛИГИ БҮЛГАН ШАХСЛАРНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ПРОТЕЗЛАШ МИЛЛИЙ МАРКАЗИННИГ 2022 ЙИЛ НАМУНАВИЙ ҲИСОБ СИЁСАТИ**

Тошкент 2022 йил

## **1. Умумий қоидалар**

### **1.1. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳақида маълумот**

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази (кейинги ўринларда “Марказ” деб юритилади) 1997 йил 3 июнда Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан 659—ракам билан давлат рўйхатидан ўтказилган. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг ташкилий—ҳукуқий шакли муассаса ҳисобланиб, амалга оширилаётган фаолият тури шифохона муассасалари фаолияти ҳисобланади.

Марказ Ўзбекистон Республикаси тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидағи давлат тиббиёт муассасаси ҳисобланади.

Марказ фаолиятининг молиявий таъминоти манбалари қўйидагилардан иборат:

- Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва даволаш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

- Фундаментал ва амалий илмий грантлар учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

- Фаолият турига мувофиқ пуллик тиббий хизматлар ҳисобидан тушадиган маблағлар;

- Ҳомийлик ва қонунчилик билан такиқланмаган бошқа маблағлар.

Марказ фаолияти бўйича харажатлар ўрнатилган тартибда маблағлар турлари бўйича бюджет маблағлари харажатлар сметаси

### **1.2. Ҳисоб сиёсати ва унинг мақсади**

Ҳисоб сиёсати - белгиланган принципларга мувофиқ марказ томонидан бюджет ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботларни тузишда қўлланиладиган аниқ услублар, асослар, йўл қўйишлар, қоидалар ҳамда усуллар мажмуидир.

Марказнинг ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ташкилий (бухгалтерия ҳисобини юритиш шакли, бухгалтерия хизматини ташкил этиш, инвентаризацияни ўтказиш тартиби ва муддатлари, бошқариш тизими, ички молиявий назоратни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, бухгалтерия бўлимининг бошқа ички хўжалик бўлинмалари билан алоқалари), техник (бухгалтерия ҳисобида хужжатлар айланиши, ҳисоб регистрлари, бухгалтерия счётларида акс эттириш, ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш усувлари, фойдаланиладиган дастурий таъминот ва бошқалар) ва услубий (асосий фондларни қайта баҳолаш услублари, инвентаризация қилишда мулкни баҳолаш усувлари, пуллик тиббий хизматлар калькуляцияси ва бошқалар) жиҳатларини ўз ичига қамрайди ҳамда даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси бўйича тезкор ишончли бухгалтерия ахборотларини шакллантириш имконини беради.

Ҳисоб сиёсатининг мақсади марказ молия-хўжалик фаолияти бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботларни тузиш, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни очиб бериш тартибини белгилаб беришдан иборат.

Ҳисоб сиёсатига амал қилиш марказ бухгалтерия бўлими ходимлари учун мажбурий ҳисобланади. Шунингдек марказ молия - хўжалиги фаолиятида иштирок этувчи ходимлар ҳам ҳисоб сиёсати талабларига амал қилиши шарт.

### **1.3. Ҳисоб сиёсатини шакллантириш**

Марказнинг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва Кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари ва Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги буйруқлари билан тасдиқланган Низомлар ва Йўриқномалар, Ўзбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган Низомлар ва Йўриқномалар, Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандартлари ҳамда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва тартибга солиш масалаларини ўзида мужассам этган бошқа меъёрий хужжатларга асосланилди.

Ҳисоб сиёсатини шакллантириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли БХС) «Ҳисоб сиёсати» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 декабрда рўйхат рақами 2853-сон билан рўйхатдан ўтказилган)дан фойдаланилди.

Ҳисоб сиёсати Марказ бош врачи ўринбосарининг буйруғи билан тасдиқланади ва йилдан-йилга изчил қўлланилади.

Ҳисоб сиёсати молиявий ҳисботни барча қўлланилаётган бюджет ҳисоби стандартлари асосида шакллантирилишини таъминлайди.

Молиявий ҳисбот ўзига хос талаблар бўлмаганида:

- а) аҳамиятга эга бўлиши - маълумот ундан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириши;
- б) ишончли бўлиши - Марказ фаолиятининг барча натижалари ва молиявий ҳолатини холисона кўрсатиши, ҳодисалар ва операцияларнинг иқтисодий моҳиятини акс эттириши;
- в) холис (бегараз) бўлиши ва мажбурий бўлмаслиги;
- г) тўла (тугалланган) бўлиши — Марказ хўжалик фаолиятининг барча фактларини тўла акс эттириши лозим.

## 2. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш

### 2.1. Марказда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш

Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига асосан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этишни Марказ бош врачи амалга оширади.

Марказ бош врачи:

ҳисоб сиёсати, ички ҳисоб ва ҳисбот тизими ишлаб чиқилишини;  
ички назорат тартибини;  
бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва ишончли юритилишини;  
ҳисоб хужжатларининг бут сақланишини;  
молиявий ҳисботнинг тайёрланишини;  
солик ҳисботининг ва бошқа молиявий хужжатларнинг тайёрланишини;  
ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини;  
бухгалтерия ҳисобига оид қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қиласи.

Бош ҳисобчи бошчилик қиласиган Марказнинг бухгалтерияси мустақил таркибий бўлинма ҳисобланади ва Марказнинг бошқа бирон-бир бўлинмаси таркибига киритилиши тақиқланади. Марказ бухгалтериясининг таркибий тузилиши илова қилинади (**1-илова**).

Бош ҳисобчи Марказ бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари ҳисобланади.

Марказ бош ҳисобчиси бевосита Марказ бош врачи, бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисботларни тузиш ва тақдим қилиш масалалари бўйича эса, агар қонунчиликда бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, юқори ташкилот бош ҳисобчисига ҳам бўйсунади ҳамда ташкилотда бухгалтерия ҳисобини юритилишига, молиявий ҳисботларни ўз вақтида ва тўлиқ топширилишига, шунингдек, бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига жавобгар бўлади.

Бош ҳисобчининг хўжалик операцияларини ҳужжатлар асосида расмийлаштириш ва уларни бухгалтерия ҳисоби хизматига тақдим этиш бўйича талаблари Марказнинг барча ходимлари учун мажбурийдир.

Бош ҳисобчига унинг ҳисобот бўйича тўғридан-тўғри вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган топширикларни бериш мумкин эмас. Шунингдек, бош ҳисобчига пул маблағлари ва моддий қимматликлар учун бевосита моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган вазифаларни юклаш мумкин эмас. Унга банклар ва бошқа ташкилотлардан бевосита пул маблағларини олиш тақиқланади.

Марказ бухгалтериясининг ходимлар сони Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 24 мартағи “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий-ижтимоий муассасалари ва ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 123-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги Қариялар ва ногиронлиги бор шахслар “Саховат” уй-интернатлари, Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, Ногиронлиги бўлган шахслар ва ногиронлиги бўлган болалар учун “Мурувват” уй-интернатлари, Қариялар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказларининг маъмурий-бошқарув, техник ва хизмат қўрсатиш персонали намунавий штатлари” (7-илова)га асосан аниқланади ва ҳар бир ходим учун бажарадиган вазифаларини бош ҳисобчи лавозим йўриқномалари билан белгилайди. Бухгалтерия ходимларининг лавозим йўриқномалари илова қилинади (**2-илова**).

Марказда бухгалтерия ҳисоби “UzASBO” дастурий мажмуасида электрон қўринишда юритилади ва молиявий ҳисоботлар шакллантирилади.

Марказда бухгалтерия ҳисоби “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатдан ўтказилган)га мувофиқ бухгалтерия ҳисоби юритишнинг мемориал ордер шаклида олиб борилади.

Текширилган ва ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҳужжатлар санаси бўйича тартиблаштирилиб, қуидаги доимий рақамли мемориал ордер — жамланма қайдномалар билан расмийлаштирилади:

1-мемориал ордер — касса операциялари бўйича жамланма қайднома (381-сон шакл);

2-мемориал ордер — бюджет маблағларининг ҳаракатига доир жамланма қайднома (381-сон шакл);

3-мемориал ордер — бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига доир жамланма қайднома (381-сон шакл);

5-мемориал ордер — иш ҳақи ва стипендиялар бўйича ҳисоб-китоб ва рақалари йиғиндиси (405-сон шакл);

6-мемориал ордер — турли ташкилотлар ва муассасалар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бўйича жамланма қайднома (408-сон шакл);

8-мемориал ордер — ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича жамланма қайднома (386-сон шакл);

9-мемориал ордер — асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва жойдан жойга кўчирилиши бўйича жамланма қайднома (438-сон шакл);

11-мемориал ордер — озиқ-овқат маҳсулотларининг киримида доир жамланма қайднома (398-сон шакл);

12-мемориал ордер — озиқ-овқат маҳсулотларининг сарфига доир жамланма қайднома (411-сон шакл);

13-мемориал ордер — материаллар сарфига доир жамланма қайднома (396-сон шакл);

- 17-мемориал ордер — асосий воситаларга эскириш хисоблаш (274-сон шакл);
- 18-мемориал ордер — асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолаш (274-сон шакл);
- 19-мемориал ордер — йилни якунлаш операциялари (274-сон шакл);
- 20-мемориал ордер — беғараз ёки марказлашган тартибда келган товар-моддий захиралари (274-сон шакл);
- 21-мемориал ордер — хорижий валютани қайта баҳолаш (274-сон шакл);
- 22-мемориал ордер — бошқа ҳисоблар (274-сон шакл);
- 23-мемориал ордер — Товар-моддий захираларни күчириш (274-сон шакл).

Юқорида келтириб ўтилган мемориал ордерлар бухгалтерия ходими (ижрочи) томонидан “UzASBO” дастурий мажмуасида электрон кўринишда бирламчи ҳисоб хужжатлари асосида ҳар ойда шакллантирилиб борилади.

## **2.2. Марказда бирламчи ҳисоб хужжатлари ва унга имзо қўйиш хуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати**

Операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб хужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун асос бўлади. Марказ томонидан ахолига кўрсатилган пуллик тиббий хизматлар хақи банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда тўлов терминалларининг чеклари ҳам бошланғич ҳисоб хужжатлари деб тан олинади.

Бошланғич ҳисоб хужжатлари хўжалик операциялари амалга оширилаётган пайтда ёки операциялар амалга ошириб бўлинганидан кейин тузилади.

Ҳисобот даврига тегишли бўлган хўжалик операциялари, агар улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжатлар олинмаган бўлса, тегишли бошланғич хужжат расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Бошланғич ҳисоб хужжатларининг мажбурий реквизитлари қуидагилардир:

бухгалтерия ҳисоби субъектининг номи;

хужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;

хўжалик операциясининг номи, мазмuni ва ўлчов бирликлари кўрсатилган миқдор ўлчови (натура ва пулда ифодаланган ҳолда);

хўжалик операциясини бажарган шахсларнинг (шахснинг) идентификация қилиш учун зарур бўлган фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари ёхуд бошқа реквизитлари кўрсатилган ҳолда лавозимлари номи ва имзолари.

Бошланғич ҳисоб хужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида, тўғри ва ишончли тузилиши, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардир.

Бошланғич ҳисоб хужжатлари электрон хужжат тарзида тузилиши ва тақдим этилиши мумкин.

Бошланғич ҳисоб хужжатларига хўжалик операцияси иштирокчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Банк ва касса-пул хужжатларида тузатишлар ҳамда ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди.

Бош ҳисобчи ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланмаган бошланғич ҳисоб хужжатлари ижро учун яроқсиз ҳисобланади ва ижрога қабул қилинмайди.

Касса кирим ордерлари бош ҳисобчи (ёки унинг ўринбосари) ва кассир томонидан имзолангандагина ижро учун яроқли ҳисобланади.

Ҳисоб регистрларида акс эттириладиган ёзувлар учун тўлиқ расмийлаштирилган бошланғич ҳисоб хужжатлари асос бўлиб хизмат қиласи.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари икки ёқлама ёзув усулига мувофиқ юритиладиган журнallар, қайдномалар, китоблар ва тасдиқланган бланкалардан (шакллардан) иборатдир.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари техника воситаларидан, ахборот тизимларидан ва ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда электрон хужжат тарзида яратилиши, ишлов берилиши ва сақланиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби регистрининг мажбурий реквизитлари қуидагилардан иборат:

- регистрнинг номи;
- бухгалтерия ҳисоби субъектининг номи;
- регистрни юритиш бошланган ҳамда тугалланган сана ва (ёки) регистр тузилган давр;
- хўжалик операцияларининг хронологик ва (ёки) тизимли гурухланиши;
- хўжалик операцияларининг ўлчов бирлиги кўрсатилган ҳолда пулдаги ўлчов микдори;
- регистрни юритиш учун масъул бўлган шахсларнинг лавозимлари, фамилиялари ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари кўрсатилган ҳолдаги имзолари ёки ушбу шахсларни идентификация қилиш учун зарур бўлган бошқа реквизитлар.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларига тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Пул, товар-моддий бойликларни ва бошқа бойликларни қабул қилиш ҳамда бериш учун асос бўлиб хизмат қиласидан ҳужжатлар, кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, шунингдек молиявий ва бошқа ҳисботлар бухгалтерия ҳисоби Марказ бош врачи томонидан ёки у белгилайдиган шахслар томонидан имзоланади.

Марказ бош врачи имзолаш ҳукуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлади. Биринчи рўйхатга марказда раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар, иккincinnига эса, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар киради. Имзолар намуналари ва муҳр изи карточкаси илова қилинади (**3-илова**).

### **2.3. Ҳисоб сиёсатини шакллантириш принциплари**

Марказнинг ҳисоб сиёсати Ўзбекистон Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Конуни ва «Ҳисоб сиёсати» номли Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли БХС)да белгиланган принципларига асосан шакллантирилди.

Ҳисоб сиёсатини шакллантириш принциплари қуидагилардан иборат:

#### **Иккиёқлама ёзув усулида ҳисоб юритиш**

Иккиёқлама ёзув усулида ҳисоб юритиш принципи марказ бухгалтерияси барча хўжалик операцияларини ҳисоб регистрларида рўйхатга олишни иккиёқлама ёзув тизими асосида амалга оширишини билдиради. Иккиёқлама ёзув тизими бир хўжалик операцияси бўйича бир сумманинг бюджет ҳисобининг икки счётида — бирининг дебетида ва иккincinnининг кредитида акс эттирилишини назарда тутади.

#### **Узлуксизлик**

Узлуксизлик принципи бюджет ҳисобини юритиш муддати марказнинг фаолияти даврига мувофиқ бўлишини, яъни ҳисоб ёзувлари юритиш марказнинг ташкил этилишидан то тугатилгунига қадар амалга оширилишини билдиради. Марказ ўз фаолиятини тугатган кундан бошлаб бюджет ҳисобини юритишни тўхтатади.

Узлуксизлик принципига асосланиб тайёрланган молиявий ҳисбот марказ доимий фаолият юритишни ва номаълум узоқ муддат давомида ўз фаолиятини давом эттиришини билдиради.

## **Хўжалик операциялари, ҳолатлар, активлар ва пассивларга пул билан баҳо бериш**

Барча хўжалик операциялари, ҳолатлар, активлар ва пассивлар ягона, бир хил бирликда ўлчаниши — пул билан баҳоланиши лозим. Ўзбекистон Республикасида пул ўлчов бирлиги — сўм ва унинг юздан бир улуши тийин ҳисобланади.

### **Ишончлилик**

Ахборотда жиддий хатолар ёки ғаразлилик бўлмаса ва фойдаланувчилар унга таянишлари мумкин бўлса, у ишончли ҳисобланади.

Операциялар ва ҳолатларнинг ишончлилиги бирламчи ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқланади ва ҳар бир ҳисоб ёзуви ҳақиқатда амалга оширилган хўжалик операцияларини тасдиқловчи бирламчи ҳисоб ҳужжатларига асосланган бўлиши керак.

### **Ҳисоблаш**

Ҳисоблаш принципига мувофиқ активлар, пассивлар, даромадлар ва ҳаражатлар, марказ томонидан амалга оширилган хўжалик операциялари ва ҳолатлар бюджет ҳисобида бу ҳаракатлар юзасидан пул маблағлари ёки эквивалентлари олинган ёхуд тўланган пайтда эмас, балки шу ҳаракатлар содир этилган (ёки ҳақиқатда олинган) пайтда акс эттирилиши лозим.

### **Олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик)**

Олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик) принципи молиявий ҳисоботда активлар ва даромадларни ошириб баҳолашга ҳамда мажбуриятлар ёки ҳаражатларни камайтириб баҳолашга йўл қўйилмаслигини назарда тутади.

Бу принципнинг кўлланиши яширин захираларни барпо этишга ёки таъминотни ошириб кўрсатишга, активлар ёки даромадларни, мажбуриятлар ва ҳаражатларни атайлаб камайтиришга ва ошириб кўрсатишга йўл қўймайди.

### **Мазмуннинг шаклдан устунлиги**

Мазкур принцип агар ҳисоб ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботлардаги ахборот операция ва ҳолатларнинг мазмунини ишончли акс эттиrsa, мазкур ахборот молиявий ҳисоботда ҳисобга олиниши ва кўрсатилиши лозимлигини англатади.

### **Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги**

Молиявий ахборот фойдали ва мазмунли бўлиши учун у турли ҳисобот даврларидаги ахборотлар билан қиёсланадиган бўлиши лозим. Фойдаланувчилар марказ томонидан молиявий ҳисобот тайёрлашда фойдаланилган ҳисоб сиёсатидан, мазкур сиёсатдаги барча ўзгаришлардан ва шундай ўзгаришларнинг натижаларидан хабардор бўлишлари керак.

### **Молиявий ҳисоботдаги бетарафлик**

Молиявий ҳисоботда тақдим этилаётган ахборот ишончли бўлишини таъминлаш учун холисона бўлиши лозим.

### **Ҳисобот давридаги даромадлар ва ҳаражатларнинг мувофиқлиги**

Ҳисобот давридаги даромадлар ва ҳаражатларнинг мувофиқлиги мазкур ҳисобот давридаги ҳаражатларни амалга оширишни таъминлаган мазкур даврдаги даромадларнигина акс эттирилишини англатади.

## **Активлар ва мажбуриятларни ҳақиқий баҳолаш**

Активлар ва мажбуриятларни ҳақиқий баҳолаш принципи бюджет ташкилоти учун баҳолашда активнинг қиймати асос бўлишини назарда тутади.

### **2.4. Ишчи счёtlар режаси**

Марказда бухгалтерия ҳисоби ишчи счёtlар режаси “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатдан ўтказилган)га асосан шакллантирилди ва “UzASBO” дастурий мажмуасига киритилди. Марказнинг ишчи счёtlар режаси илова қилинади (**4-илюва**).

Ишчи счёtlар режаси марказнинг бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб варақаларида алоҳида ҳисбот маълумотларини шакллантиришга мослаштирилган.

Бунда қуйидаги ишчи счёtlар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар манбалари бўйича ажратилди:

- 01 – Асосий воситалар;
- 01/1- Бюджет маблағлари
- 01/2 - Грант маблағлари
- 01/3 – ривожлантириш жамғармаси маблағлари

Худди шундай тартибда қуйидаги счёtlар ҳам ажратилади:

- 02 – Асосий воситаларнинг эскириши;
- 03 – Номоддий активлар;
- 06 – Материаллар;
- 09- Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар;
- 15 – Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб китоблар;
- 16 – Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар;
- 17 – Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар;

285 – Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар.

### **2.5. Марказда инвентаризация ўтказишнинг тартиби ва муддатлари**

Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддасига асосан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончлилиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий тарзда инвентаризациядан ўтказиш орқали тасдиқланади.

Марказда инвентаризацияни ўтказиш тартиби ва муддатлари “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш” номли Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сонли БҲМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 2 ноябряда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган) га мувофиқ амалга оширилади.

Инвентаризациянинг асосий мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш;
- ҳақиқатда мавжуд мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солишириш;
- мажбуриятлар ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

Қуйидаги ҳолларда инвентаризация ўтказилиши мажбурий:

мол-мулк ижарага берилганда, сотиб олинганда, сотилганда, шунингдек, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда марказни ўзгартириш (давлат тасарруфидан чиқарилган) да;

йиллик молиявий ҳисботни тузиш олдидан.

## Марказ балансидағи күрсаткычларни инвентаризациядан ўтказиш муддатлари

T/p	Баланс күрсаткычлари	Мажбурий тартибда инвентаризация ўтказиш муддати	Бошқа ҳолларда	Изоҳ
1	Асосий воситалар	йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан		Умумий ҳолатда
2	Номоддий активлар	йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан		Умумий ҳолатда
3	Товар-моддий захиралар	йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан		Умумий ҳолатда
3.1.	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ҳар чоракда		
3.2.	Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари	Ҳар чоракда		
3.3.	Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари	йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан		
3.4.	Ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари	Ҳар чоракда		
3.5.	Машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари	йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан		
3.6.	Бошқа товар-моддий захиралар	йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан		
4.	Пул маблағлари, қийматликлар ва қатъий ҳисобдаги бланклар	Ҳар ойда		
5.	Молиявий қўйилмалар	йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан		

Ҳисобот йилидаги инвентаризациялар сони, уларни ўтказиш санаси, активлар ва мажбуриятлар рўйхати марказ бош врачи томонидан белгиланади.

Инвентаризацияни ўтказиш учун марказ бош врачининг бўйруғи билан қуидаги таркибда доимий ишлайдиган инвентаризация комиссияси тузилади ва доимий ишлайдиган инвентаризация комиссиясининг вазифалари кўрсатилади. Доимий ишлайдиган инвентаризация комиссиясининг бўйруғи илова қилинади (5-илова).

Моддий жавобгар шахслар инвентаризация бошланишига қадар мол-мулкка доир барча кирим-чиқим хужжатлари бухгалтерия ёки комиссияга топширилгани ва улар жавобгарлигига келиб тушган барча қийматликлар кирим килингани, чиқиб кетганлари эса чиқимга ҳисобдан ўчирилгани тўғрисида тилхат берадилар. Тилхат илова қилинади (6-илова).

Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчаси комиссия далолатномалари орқали расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисобида “Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 апрелда 1334-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) ва “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатдан ўтказилган)га мувофиқ акс эттирилади.

Марказда инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасини ҳисобда акс эттириш бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (7-илова).

### **3. Ҳисоб объектлари бўйича ҳисоб сиёсати**

#### **3.1. Асосий воситалар ҳисоби**

**Асосий воситалар**-қонунчиликка мувофиқ зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ташкилот томонидан узоқ вақт давомида (бир йилдан ортиқ) фойдаланадиган, шунингдек, ижарага бериши мумкин бўлган моддий активлардир.

Марказ ўзининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган фаолиятини амалга ошириши, шунингдек тиббий хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган, қийматидан қатъи назар 1 йилдан ортиқ хизмат қилиш муддатига эга бўлган моддий активларни бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар таркибида ҳисобга олади ва акс эттиради.

**Асосий воситалар таркибида қўйидагилар ҳисобга олинади:** иморатлар, иншоотлар, машина ва ускуналар, компьютер техникаси ва унга қўшимча қурилмалар, транспорт воситалари, кутубхона фонди, узаткич мосламалари, ишчи ва маҳсулот берувчи ҳайвонлар ва бошқа асосий воситалар (музей бойликлари, ҳайвонот олами экспонатлари, саҳна-томуша воситалари, ўқув кинофильмлари, магнит дисклари ва ленталари, кассеталар ва ҳоказо).

**Киймати ва хизмат муддатидан қатъи назар, қўйидагилар асосий воситалар таркибиغا киради;** қишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналари, катта ёшдаги ишчи ва маҳсулот берувчи ҳайвонлар (шу жумладан, майдаси ҳам), кутубхона фондлари, музей бойликлари (музей экспонатларидан ташқари), ҳайвонот олами экспонатлари ва намунавий лойиҳалаштиришга оид ҳужжатлар.

**Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар, қўйидагилар асосий воситалар таркибиغا киритилмайди:**

махсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумлаб ва ёппасига ишлаб чиқариш учун ёки якка тартибдаги буюртмаларни тайёрлаш учун мўлжалланган, мақсадли йўналтирилган асбоблар ва мосламалар);

махсус ва санитария кийим-кечаклари, махсус пойабзаллар;

кўрпа-тўшак анжомлари;

ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва бошқалар);

ошхона анжомлари, шунингдек ошхона учун дастурхон-социқлар;

тикланиши бўйича харажатлар қурилиш-монтаж ишлари таннархига киритиладиган вақтингчалик (нотитул) иншоотлар мосламалар ва қурилмалар;

бир йилдан кам фойдаланиш муддатига эга бўлган алмаштириладиган ускуналар;

ов қуроллари (траплар, тўрлар, кармоқлар, матраплар ва бошқалар) ва шу каби моддий қимматликлар.

Ушбу юқорида келтирилган моддий қимматликлар бухгалтерия ҳисобида товар-моддий захиралар таркибида ҳисобга олинади.

#### **Асосий воситалар кирими**

Асосий воситалар қўйидагилар натижасида марказ балансига кирим қилинади:

олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;

капитал қўйилмалар тугаганидан сўнг тикланган объектни қабул қилиш-топшириш;

бегараз келиб тушиш;

товар-моддий захиралар таркибидан ўтказиш;

асосий воситаларнинг ортиқча (ҳисобга олинмаган) объектларини аниқлаш;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобига кирим қилиниши асосий воситаларнинг дастлабки қиймати бўйича амалга оширилади.

Сотиб олинган асосий воситалар, тугалланган қурилишлар ва иншоотлар, шунингдек, ташкилотнинг ўзида тайёрланган асосий воситаларнинг дастлабки қийматига уларнинг сотиб олиш нархи ва уларга қилинган барча харажатларнинг тўлиқ суммасида, жумладан, мазкур асосий воситаларни фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда киритилади.

Беғараз олинган асосий воситанинг дастлабки қиймати бухгалтерия ҳисобида мазкур бандда назарда тутилган харажатларни ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган санадаги уларнинг белгиланган тартибда аниқланган жорий қиймати бўйича акс эттирилади.

Ҳисобга қабул қилинган асосий воситаларнинг дастлабки қийматини ўзгартиришга асосий восита обьектларида амалга оширилган қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жихозлаш, реконструкция ёки модернизация қилиш, қисман тугатиш ва қайта баҳолаш амалга оширилган ҳолларда рухсат этилади.

Қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жихозлаш ишларига асосий воситалар обьектининг технологик ёки хизмат мўлжалининг ўзгариши, оширилган ишлар кўлами ва сифатини янада яхшилашга доир бошқа ҳоллар туфайли қилиниши лозим бўлган ишлар киритилади.

Реконструкция қилиш ишларига ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иктисодий кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда ишлаб чиқариш кувватларини ошириш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатини яхшилаш ва номенклатурасини ўзгартириш мақсадларида асосий воситаларни реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган мавжуд асосий воситалар обьектларини қайта қуриш киритилади.

Модернизация қилишга илғор техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни замонавийлаштириш ва уларни янгилари, унумдорлиги янада юқори бўлганлари билан алмаштириш асосида асосий воситалар ва уларнинг айрим қисмларининг техник-иктисодий кўрсаткичларини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси киради.

Асосий воситалар текинга олинганда баҳоси ноаник бўлганда ёки инвентаризация натижасида ортиқчasi белгиланган тартибда аниқланган жорий қиймати **бозор баҳосида** кирим қилинади. Бозор баҳоси ўрнатилган тартибда аниқланиб далолатнома асосида расмийлаштирилади.

Марказ балансига асосий воситаларни кирими бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

Асосий воситаларнинг бутлиги устидан назоратни йўлга қўйиш ва уларнинг ҳисобини ташкил этиш учун ҳар бир обьект (предмет)га, кутубхона фондларидан ташқари, ўн белгидан иборат инвентар рақами берилади.

Бунда, дастлабки уч белги субсчётни билдиради, тўртинчи ва бешинчи белги — гурухни, колган беш белги эса, предметнинг гурухдаги тартиб рақамини билдиради. Гурухлар ажратилмаган субсчётлар бўйича эса, тўртинчи ва бешинчи белги «Нол» билан белгиланади.

Масалан, 0100000001 — инвентар рақамида 010 «Туаржой иморатлар» субсчётини, 001 — обьектнинг тартиб рақамини билдиради;

0131000001 — инвентар рақамида 013 «Машина ва жихозлар» субсчётини, 10-турух — хўжалик инвентари, 00001 — предметнинг тартиб рақамини билдиради.

Барча асосий воситалар марказ бош врачининг буйруғи билан тайинланган моддий жавобгар шахсларнинг масъул жавобгарлигига бўлиши керак.

Асосий воситаларни сақлаш учун моддий жавобгар бўлган шахслар билан моддий жавобгарлик шартномаси тузилиб, асосий воситаларнинг инвентар рўйхатини юритиши керак. Тўлиқ моддий жавобгарлик шартномаси илова қилинади (9-илова).

Моддий жавобгар шахс алмашган тақдирда унинг жавобгарлигига бўлган асосий воситаларнинг инвентаризацияси ўтказилади ва бу ҳақда қабул қилиш — топшириш далолатномаси тузилади. Бу далолатнома марказ бош врачи томонидан тасдиқланади.

### **Асосий воситаларга эскиришни ҳисоблаш**

Марказ асосий воситаларининг эскириши бюджет ташкилотлари асосий воситаларининг йиллик эскириш меъёрларидан келиб чиқсан ҳолда, ҳар йили аниқланади ва ҳар ойда шу ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилади. Бюджет ташкилотлари асосий воситаларининг йиллик эскириш меъёрлари илова қилинади (10-илова).

Бунда эскириш меъёрлари асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қийматига нисбатан фоизларда белгиланади.

Асосий восита обьектларида амалга оширилган қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция ёки модернизация натижасида дастлабки қабул қилинган меъёрий қўрсаткичлари яхшиланиши (оширилиши) ҳолларда марказ шу обьектнинг амалга оширилган қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция ёки модернизация ишлари тугатилган ойдан кейинги ҳисобот ойининг биринчи санасидан бошлаб шу обьектнинг самарали фойдаланиш муддатини қайта кўриб чиқади.

Бегараз олинган асосий воситалар обьектларининг самарали фойдаланиш муддати қуидагича аниқланади:

ташкилотлардан олинганлар учун — амалда фойдаланилган муддатларини ва аввал ҳисобланган эскириш суммасини ҳисобга олган ҳолда;

бошқа юридик ва жисмоний шахслардан олинганлар учун — ташкилотларда доимий ишлайдиган инвентарлаш комиссияси томонидан белгиланган обьектнинг бозор баҳоси ва фойдаланиш муддатидан келиб чиқсан ҳолда.

**Марказ балансидаги қуидаги асосий воситалар бўйича эскириш аниқланмайди:** кабинет ва лабораторияларда жойлашган ўкув ишлари ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган жиҳозлар, экспонатлар, нусхалар, амалдаги ва амал қилмаётган моделлар, макетлар ва бошқа кўргазмали қўлланмалар, фойдаланиш мумкин бўлган ёшга етмаган кўп йиллик кўчатлар, кутубхона фондлари, фильмлар фондиди, қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилмаган капитал қурилиш обьектлари ёки унинг қисмлари ҳамда тугалланмаган қурилишлар.

Асосий воситалар обьекти бўйича эскириш ҳисоблаш мазкур обьект асосий воситалар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойининг биринчи санасидан бошланади ҳамда мазкур обьектнинг дастлабки (тикланиш) қиймати доирасида ёхуд бу обьектни балансдан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади.

Ҳисобот йили мобайнида асосий восита обьектлари бўйича эскириш ҳар ойда йиллик эскириш суммасининг **1/12 миқдорида** ҳисобланади.

Асосий восита обьектлари бўйича эскириш ҳисоблаш ҳисобот даврида амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида тегишли ҳисобот даврида акс эттирилади. Марказ асосий воситаларининг эскириши бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

## **Асосий воситаларни қайта баҳолаш**

Асосий фондларни қайта баҳолаш қонунчилликка мувофиқ амалга оширилади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш - асосий воситалар объектларининг тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштиришдир. Асосий воситалар қайта баҳолаш натижасида ҳисоб ва ҳисботда жорий қиймат бўйича акс эттирилади.

“1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) асосида марказда ҳар йили 1 январь ҳолати бўйича асосий фондлар (жорий йилнинг 1 февралигача) қайта баҳолашдан ўтказилади. Асосий воситалар қийматини қайта баҳолаш индекс усулида амалга оширилади. 2022 йил 1 январь ҳолатига асосий фондларни қайта баҳолаш индекслари илова қилинади (11-илова).

Асосий воситаларни қайта баҳолаш жараёнида унинг қиймати ортиши ёки камайиши ҳам мумкин. Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижалари бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисботда жорий (қайта баҳоланганд) қиймати бўйича акс эттирилади.

Марказ асосий воситаларини қайта баҳолаш бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

## **Асосий воситаларни таъмирлаш**

Асосий воситаларни ишчи ҳолатида сақлаб туриш уларни таъмирлаш (жорий, ўртacha ва капитал тарзда) воситасида амалга оширилади.

Жорий таъмирлаш - асосий воситалар объектини ишчи ҳолатида сақлаб туриш мақсадида амалга ошириладиган таъмирлашдир.

Ўртacha таъмирлашда таъмирланаётган агрегатни қисман ажратиш ва деталларнинг қисмларини тиклаш ёки алмаштириш амалга оширилади.

Ускуналар ва транспорт воситаларини капитал таъмирлаш - агрегатни тўлиқ ажратиб йиғиш амалга ошириладиган таъмирлашдир, базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган деталлар ва узелларни алмаштириш ёки тиклаш ҳамда агрегатни йиғиш, созлаш ва синааб кўришдир.

Бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлаш - базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган конструкцияларнинг деталлари ва узелларини алмаштириш ёки тиклаш амалга ошириладиган таъмирлашдир.

Асосий воситаларда амалга оширилган жорий ва ўрта таъмирлаш харажатлари ва уларнинг дастлабки қийматини ўзгартиришга сабаб бўлмайдиган капитал таъмирлаш харажатлари асосий воситалар таркибига киритилмайди ҳамда ҳисботларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари иқтисодий таснифининг (кейинги ўринларда иқтисодий тасниф деб юритилади) тегишли кодлари бўйича ҳақиқий харажатлар сифатида акс эттирилади ва ҳисбот йилининг охирида молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) манбаси бўйича ҳисобдан чиқарилади. Марказ асосий воситаларини таъмирлаш бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

## **Асосий воситалар ижараси**

Марказнинг бўш турган асосий воситалари “Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори билан тасдиқланган)га асосан Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази томонидан ижарага берилади. Бунда З томонлама ижара шартномаси тузилади, марказ “Балансда сакловчи” сифатида иштирок этади.

Вақтинча бўш бино майдони ёки мол мулк ижарага берилиши режаланганда марказ томонидан тегишли тартибда давлат мулкини ижарага бериш марказига хат асосида мурожат қилинади. Хатга ижарага бериладиган майдон чизмаси ва мол-мулк рўйхати бошланғич баҳоси ва самарали фойдаланилган муддати кўрсатилган ҳолда илова қилинади. Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази томонидан белгиланган тартибда ижара шартномаси расмийлаштириб берилади ва шартномага тўлов муддатлари графиги ҳамда ижара майдони чизмаси илова қилинади.

Марказ (“Балансда сақловчи”)нинг бош врачи ва бош бухгалтери ижарага берилаётган мол-мулкнинг тикланган қиймати тўғрисида тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавоб берадилар.

Шартномага асосан мол-мулкини бериш ва қайтариш уч томонлама топшириш-қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда, томонларнинг ваколатли вакиллари иштирокида амалга оширилади, далолатномада қуйидагилар кўрсатилади:

далолатнома тузилган жой ва сана;

ижара шартномасининг реквизитлари (тузилган санаси, тартиб рақами);

мулкнинг техник ҳолати.

Бериш далолатномаси томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланади ва томонларнинг муҳрлари билан тасдиқланади.

Вақтинча бўш бино майдони ижарага берилганда марказ томонидан ижарага олувчи билан алоҳида коммунал хизматдан фойдаланиш харажатларини қоплаш бўйича алоҳида шартнома расмийлаштирилади.

Коммунал хизматлар бўйича алоҳида счётчиклар ўрнатилади. Агар счётчик ўрнатиш имкони бўлмаганда амалдаги меъёрлар бўйича ҳисоб - қитоблар амалга оширилади.

Асосий воситалар бўйича ижара шартномасига асосан ҳисобланган ижара суммасини 40 фоизи марказнинг ривожлантириш жамғармасига тушади. Марказ асосий воситаларининг ижараси ҳисоб-қитоблари бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (**8-илова**).

Марказ (“Балансда сақловчи”) йил чорагида камида бир марта ўзи унинг юритишида бўлган давлат мулкини хатловдан ўтказишга ва фойдаланимаётган давлат мулки аниқланган тақдирда 10 кун мобайнида ижарага берувчига давлат мулки жойлашган жойни, миқдори, таркиби ва бошқа умумий тавсифларини кўрсатган ҳолда унинг ҳақидаги маълумотларни тақдим этишга мажбур.

### **Асосий воситаларни балансдан чиқариш**

Марказ балансидан асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тартиби “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Низом (янги таҳрирда) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги томонидан 2004 йил 29 августда 1401-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган)га мувофиқ амалга оширилади.

Асосий воситалар қуйидагилар натижасида марказ балансидан чиқарилади:

тугатиш;

сотиш;

бегараз бериш;

камомад ёки ўйқотишнинг аниқланиши;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Марказ давлат тиббиёт муассасаси бўлганлиги боис асосий воситалар Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан келишган ҳолда балансдан чиқарилади.

Асосий воситалар қуйидаги ҳолларда уларни тугатиш муносабати билан балансдан ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

- а) белгиланган хизмат муддати тугаганидан (тўлиқ эскириш ҳисоблаб ёзилганидан) кейин;
- б) жисмоний эскириш, ҳалокатлар, табиий оғатлар, фойдаланишнинг рисоладаги шартшароитларини бузиш оқибатида яроқсиз ҳолга келганлари;
- в) маънан эскирганлари;
- г) тегишли давлат органларининг қарорлари бўйича чиқиб кетадиганлари;
- д) курилиши, кенгайтирилиши, реконструкция қилиниши, замонавийлаштирилиши ва техник қайта жиҳозланиши муносабати билан чиқиб кетадиганлари.

Тикланиши мумкин бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган асосий воситалар тугатилиши керак.

Асосий воситаларни тугатиш муносабати билан уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун комиссия тузилади. Комиссия таркибига тегишли мутахассислар, бухгалтерия ходимлари ва моддий жавобгар шахслар киритилиши керак. Комиссия марказ бош врачи буйруғи билан тузилади.

Асосий воситаларни тугатиш муносабати билан балансдан чиқарилиши натижасида яроқли қисмлар эҳтимолий фойдаланиш баҳоси бўйича баҳоланиб кирим қилинади.

Асосий воситалар тугатиш муносабати билан балансдан чиқарилиши жараённида биринчи навбатда тегишли мутахассислар эксперт хулосаларини акс эттирган нуқсонлар далолатномаси расмийлаштирилади. Компьютер ва бошқа ахборот технологиялари ҳисобланган асосий воситалар ҳисобдан чиқарилишида тегишли лицензияга эга бўлган ташкилот ва мутахассислар жалб этилиб эксперт хулосаси олингандан сўнг балансдан ҳисобдан чиқариш бўйича далолатнома расмийлаштирилади.

Асосий воситалар марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан келишган ҳолда сотилади. Бунда:

бир инвентарь объектнинг қолдик қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг (сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда) юз баравари миқдоридан ортиқ ташкил этадиган автомототранспорт воситалари, шунингдек бошқа асосий воситалар қиймати баҳолаш ташкилотлари томонидан баҳолангандан кейин оммавий савдоларда сотилиши керак;

бир инвентарь объектнинг қолдик қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг (сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда) юз баравари миқдоридан ортиқ бўлмаган асосий воситалар марказ томонидан қонун хужжатларига мувофиқ тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали сотилади. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги талабига кўра ёки марказнинг ўз ташаббуси билан ушбу асосий воситалар асосий воситалар қийматини баҳолаш ташкилотлари томонидан баҳолангандан кейин оммавий савдоларда сотилиши мумкин.

сотишдан тушган маблағлар ривожлантириш жамғармаси шахсий ҳисобракамида жамланади ва улар қуйидаги тартибда тақсимланади:

50 фоизи — тегишли бюджет даромадига ўтказилади;

50 фоизи — марказ ихтиёрида қолади.

Марказ ихтиёрида қолдириладиган маблағлар фаолият ихтисослигига мувофиқ моддий-техник базани мустаҳкамлашга, шунингдек кредиторлик қарзни (мавжуд бўлганда) тўлашга йўналтирилади.

Асосий воситаларни беғараз берилиши Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Марказ асосий воситаларини балансдан чиқариш бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

### **3.2. Номоддий активлар хисоби**

**Номоддий активлар** - ташкилот томонидан узоқ муддат мобайнида ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун ушлаб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган идентификацияланадиган мол-мулк объектлари.

**Активларни бухгалтерия хисобига номоддий активлар сифатида қабул қилишда бир вақтнинг ўзида қўйидаги шартлар бажарилиши керак:**

номоддий-ашёвий тузилишга (шаклга) эга бўлмаслиги;

активлардан маҳсулот ишлаб чиқаришда, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишида ёхуд корхонанинг маъмурий ва бошқа функциялари учун узоқ муддат, яъни давомийлиги 12 ойдан юқори фойдали хизмат муддати ёки агар у 12 ойдан ошадиган бўлса, оддий операцион цикл мобайнида фойдаланиш. Бунда активнинг қиймати бир бирлик (комплект) учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган (харид қилиш пайтида) энг кам иш ҳақи миқдорининг камида эллик бараварини ташкил қиласди;

ташкилот ушбу активни кейинчалик қайта сотишни мўлжалламайди;

ишончлилик, яъни ташкилотда актив ва унга бўлган мутлақ хукуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи тегишли равишда расмийлаштирилган хужжатларнинг (патентлар, гувоҳномалар, бошқа муҳофаза қилувчи хужжатлар, патент, товар белгисидан воз кечиши (сотиб олиш) шартномасининг) мавжудлиги;

идентификация қилиш имконияти.

**Номоддий активлар фақат қўйидаги холларда хисобга олинади:**

ташкилотлар активдан келажакда иқтисодий фойда олиши ёки хизмат кўрсатиши имконияти бўлганда;

активнинг таннархи ёки ҳақиқий қийматини ишончли тарзда аниқланганда.

### **Номоддий активлар кирими**

Номоддий активлар қўйидагилар натижасида марказ балансига киритилади:

ишлаб чиқариш тугаганидан сўнг яратилган объектни қабул қилиш-топшириш;

олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;

бегараз келиб тушиш;

ортиқча (хисобга олинмаган) номоддий активлар объектларини аниқлаш;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларга кўра.

Сотиб олинган номоддий активларнинг дастлабки қийматига уларнинг сотиб олиш нархи ва уларга қилинган барча харажатларининг тўлиқ суммасида, жумладан мазкур номоддий активларни етказиб бериш ва ўрнатиш, ишга тушириш ва бошқа шу билан боғлиқ харажатларни хисобга олган ҳолда киритилади.

Сотиб олинган номоддий активларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар, сотиб олиш бўйича контрактларни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида ҳақиқий харажатлар сифатида ҳисоботларда акс эттирилади.

Номоддий активлар чет эл валютаси хисобига сотиб олинишида сотиб олинаётган номоддий активларнинг қиймати операция содир этилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича чет эл валютасини сўмга ҳисоблаб ўтказиш йўли билан аниқланади.

Бошқа юридик ва жисмоний шахслардан begaraz olinigan nomoddий активлар хисобda мазкур номоддий активнинг бухгалтерия хисобига киrim қилиш vaqtida belgilangan

тартибда аниқланган **жорий бозор қиймати** бўйича кирим қилинади. Марказ балансига номоддий активларни кирими бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

#### **Номоддий активлар бўйича эскириш ҳисоблаб ёзилмайди.**

#### **Номоддий активларни балансдан чиқариш**

Номоддий активлар фойдаланишга яроқсиз ҳолга келгунига қадар ҳисобда акс эттирилади. Фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган номоддий активлар белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Номоддий активлар қўйидагилар натижасида марказ балансидан ҳисобдан чиқарилади:

- тутатиш;
- сотиш;
- бегараз бериш;
- камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Марказ номоддий активларини балансдан чиқариш бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

#### **3.3. Товар-моддий захиралар ҳисоби**

**Товар-моддий захиралар** - ташкилотларда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган хом ашё ва материаллар, уларнинг доимий фаолияти давомида фойдаланиш ёки сотиш учун мўлжалланган ёки сотиш ёки тақсимлаш учун ишлаб чиқарилган активлардир.

Товар-моддий захиралар қўйидаги кўринишда бўлади:

- тайёр маҳсулот;
- курилиш материаллари;
- озиқ-овқат маҳсулотлари;
- дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари;
- инвентар ва хўжалик жиҳозлари;
- ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари;
- машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари;
- бошқа товар-моддий захиралар.

Товар-моддий захираларни қабул қилиш, сақлаш ва топшириш жавобгарлиги марказ бош врачининг буйруги билан тайинланган моддий жавобгар шахсларга юклатилади. Бу шахсларнинг алмашиниши омборларнинг инвентаризацияси ва марказ бош врачи томонидан тасдиқланадиган қабул қилиш-топшириш далолатномаларини тузиш билан амалга оширилади. Товар-моддий захираларни сақлаш жойлари тош-тарозу жиҳозлари, ўлчов асбоблари, ўлчов идишлари ва бошқа назорат мосламалари билан таъминланиши лозим.

#### **Товар-моддий захиралар кирими**

Товар-моддий захиралар қўйидагилар натижасида марказга кирим қилинади:

- етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиш;
- бегараз келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);
- узоқ муддатли активлар таркибидан ўтказиш;
- ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий захираларни аниқлаш;
- ташкилотнинг ўзида тайёрланиши;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Товар-моддий захиралар марказнинг бухгалтерия балансига таннархи бўйича киритилади, у харид қиймати (етказиб берувчига тўланадиган суммалар) ва уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади.

Товар-моддий захираларни харид қилиш бўйича харажатлар уларнинг юзага келишини тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари асосида белгиланади.

Ташкилот томонидан бегараз олинган ҳамда асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетиши натижасида олинган товар-моддий захираларнинг таннархи уларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниш санасидаги жорий қийматидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий захираларни инвентарлаш натижасида аниқланган активлар таннархи улар аниқланган санадаги жорий қийматдан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Товар-моддий захиралар чет эл валютаси ҳисобига сотиб олинишида сотиб олинаётган материал захираларнинг қиймати операция содир этилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича чет эл валютасини сўмга ҳисоблаб ўtkазиш йўли билан аниқланади.

Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари кирими бўйича ҳисоб регистрларига бошланғич ҳисоб ҳужжатлари (ҳисобварақлар, далолатномалар ва бошқалар) асосида ушбу материал захиралар олинган кун (сана) билан ёзилади. Бошланғич ҳисоб ҳужжатларида куйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак: маҳсулотлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари кимдан олинганлиги, номи, нави, миқдори (оғирлиги) баҳоси, суммаси, омборга келиб тушган вақти ва шу қимматликларни қабул қилган моддий жавобгар шахснинг қабул қилганлик ҳақидаги имзоси ва ҳ.к.лар.

Маҳсулот етказиб берувчининг ҳужжатларида фарқ бўлган ҳолларда қабул қилиш далолатномаси тузилади. Ушбу далолатнома марказдаги қабул қилиш комиссияси томонидан икки нусхада тузилади, бу далолатномани тузишда омбор мудири (моддий жавобгар шахс) ва маҳсулот етказиб берувчи томон ёки манфаатдор бўлмаган бошқа ташкилотларнинг вакили қатнашиши шарт.

Далолатноманинг бир нусхаси қабул қилинган моддий қимматликларни ҳисобга олиш учун, иккинчи нусхаси эса, маҳсулот етказиб берувчиларга даъво хати юбориша фойдаланилади.

Марказга товар-моддий захиралар киримини ҳисобга олиш бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

### **Товар-моддий захираларнинг балансдан чиқарилиши**

Чиқиб кетаётган товар-моддий захираларнинг қиймати чиқиб кетиши далилини аниқлаш пайтида балансдан ҳисобдан чиқарилиши керак. Товар-моддий захиралар марказнинг балансидан:

сотиш;

бегараз бериш;

сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги сабабли, жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида тутатиш (йўқ қилиш);

камомад, йўқотиш ёки шикастланиш (синиш, бўлиниш) аниқланиши;

бошқа операциялар ва ҳодисалар натижасида ҳисобдан чиқарилади.

Материалларни омбордан бериш марказ бош врачи (ёки унинг ўринбосари) томонидан тасдиқланган ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Товар-моддий бойликларни яъни материал қимматликларни сотищдан олинган маблағлар марказнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича Фазначилик бўлинмаларида

очилган шахсий хисоб рақамларида жамланади ва бюджет ташкилотлари томонидан куйидаги тартибда тақсимланади:

50 фоизи — тегишли бюджет даромадига ўтказилади;

50 фоизи — марказ ихтиёрида қолади.

Марказ ихтиёрида қолдириладиган маблағлар фаолият ихтисослигига мувофиқ моддий-техник базани мустаҳкамлашга, шунингдек кредиторлик қарзни (мавжуд бўлганда) тўлашга йўналтирилади.

Товар моддий захираларни беғараз бериш, сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги сабабли, жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида тугатиш жараёнида улар киримга олинган манбалари (бюджет, бюджетдан ташқари) бўйича харажатга чиқарилади.

Товар моддий захиралари фойдаланиш учун яроқсиз холатга келганда хисобдан чиқариш далолатномаси расмийлаштирилиб моддий жавобгар шахсадан ўчирилади.

Марказ балансидан чиқарилган товар-моддий захиралари бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

### **3.4. Марказда пуллик тиббий хизмат қўрсатиши**

Марказга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли Қарорига мувофиқ фаолият тури бўйича пуллик тиббий хизматлар қўрсатиши имконияти берилган.

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази низомига (Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори томонидан 2021 йил 2 июлида тасдиқланган) асосан ўз соҳаси бўйича аҳолига (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, норезидент шахсларга) пуллик тиббий хизмат қўрсатиши ҳуқуқи эга.

Марказда қўрсатиладиган пуллик тиббий хизматлар нархлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 11 апрелдаги 150-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи даволаш-профилактика муассасаларида аҳолига қўрсатиладиган пуллик хизматлар нархларини шакллантириш тартиби тўғрисида” ги Низомга асосан шакллантирилади.

Марказда қўрсатиладиган ҳар бир тиббий хизмат турлари бўйича харажатлар калькуляцияси тузилиб, марказ бош врачи томонидан тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан келишилади.

Марказда пуллик тиббий хизматларга нархларни шакллантириш қуйидаги услублар орқали амалга оширилади:

**Тиббий хизмат бирлиги нархини аниқлаши** (шифокор маслаҳати, муолажалар, текширувлар, хирургик амалиёт ва бошқалар). Ушбу услуг пуллик тиббий хизмат калькуляциясини ҳисоблаб чиқиши орқали амалга оширилади.

Пуллик тиббий хизмат таннархига қуйидаги харажатлар киритилади:

бевосита материал харажатлари;

бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

ягона ижтимоий тўловлар;

тиббиёт муассасасининг билвосита харажатлари;

Пуллик тиббий хизматларга нархларни шакллантиришда соф фойда суммаси рентабелликнинг чекланган даражасидан келиб чиқиб аниқланади. Рентабеллик микдори тиббий хизмат таннархидан 20% дан ортиқ бўлмаган микдорда ўрнатилади.

**Бир ўрин-кун нархини аниқлаши.** Ушбу услуг бир ўрин-кун учун калькуляцияни ҳисоблаб чиқиши орқали амалга оширилади.

Бир ўрин-кун нархини аниқлаш бир ўрин-кун учун калькуляцияси терапевтик, хирургик ва реанимация йўналишлари бўйича алоҳида шакллантирилади.

Ўрин-кун таннархига қўйидагилар киради:

бир ўрин-кун нархига киритилмайдиган ва ҳақиқий харажатлар бўйича тўланадиган бевосита материал харажатлар;

бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

ягона ижтимоий тўловлар;

чекланган рентабеллик, пуллик хизматни ташкил этиш бўлимига ажратмалар, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар.

Марказ томонидан кўрсатиладиган пуллик тиббий хизматлар хизмат таннархи, соғфойда суммаси, пуллик хизматни ташкил бўлимларини сақлаб туриш учун ажратмалар, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан келиб чиқсан ҳолда шакллантирилади.

Чет эл фуқароларига кўрсатилган хизматларга нархлар, “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида даволаш-профилактика муассасаларида аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматлар нархларини шакллантириш тартиби тўғрисида” ги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган нархларга 25%дан кам бўлмаган миқдорда устама қўллаган ҳолда белгиланган тартибда ундирилади.

Устама миқдори Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш маркази билан келишилган ҳолда белгиланади.

Пуллик тиббий хизмат кўрсатиш калкуляцияси жадвали илова қилинади (12-илова).

Бухгалтерия хизмати томонидан хар бир хизмат тури бўйича 090 –“Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар” субсчётида алоҳида аналитик счётлар очилади ва пуллик тиббий хизмат турлари бўйича молиявий натижалар аниқланади.

Марказда пуллик тиббий хизмат кўрсатиш бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

### **3.5. Пул маблағлари ҳисоби**

Марказда пул маблағлари ҳисоби қўйидаги меъёрий-хукукий ҳужжатларга мувофиқ юритилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2019 йил 23 ноябрь, 943-сон.

2. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобваракларини юритиш қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 30 марта 2772-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

4. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

### **Касса операциялари ҳисоби**

Марказда касса операцияларининг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги “Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 943-сон Қарори ва

“Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатдан ўтказилган)га мувофиқ юритилади.

Марказ нақд пулларининг тушумлари ва берилиши касса дафтарида ҳисобга олинади. Бунда чет эл валютаси маблағлари бўйича алоҳида касса дафтари юритилади.

Касса дафтарида ўчиришлар ва таъкидланмаган тузатишлар қилиш ман этилади. Қилинган тузатишлар марказ кассири, шунингдек, бош ҳисобчининг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг имзолари билан тасдиқланади.

Касса дафтаридағи ёзувлар кассир томонидан ҳар бир ордер бўйича пул олинган ёхуд берилганидан кейин дарҳол амалга оширилади. Ҳар куни, иш куни охирида кассир кун учун операциялар якунини ҳисоблайди, кассадаги кейинги кун учун пуллар қолдигини чиқаради ва кейинги куни бухгалтерияга кассир ҳисоботи сифатида касса дафтарида имзо чектирган ҳолда кирим ва чиқим касса ҳужжатлари билан бирга иккинчи йиртма варакни (касса дафтаридағи бир кун учун ёзувлар кўчирма нусхасини) топширади.

Топширилган касса ҳисоботи бухгалтерияда текширилади ва унинг асосида 1-мемориал ордер — касса операциялари бўйича жамланма қайднома (381-сон шакл) ва аналитик ҳисобнинг бошқа регистрларига ёзилади. 1-сон мемориал ордер бўйича ойлик айланмаларнинг умумий суммасидан бюджетдаги (бюджетдан ташқари) ҳисобвараклар бўйича айланмалар чиқариб ташланади.

Касса дафтарининг тўғри юритилиши устидан назорат қилиш марказ бош ҳисобчиси зиммасига юкланди.

Марказда касса операциялари бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

### **Шахсий ғазна ҳисобвараклардаги пул маблағлари ҳисоби**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигига марказга тегишли бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар турлари бўйича алоҳида шахсий ғазна ҳисобвараклари очилган бўлиб, бу ҳисобваракларда пул маблағлари ҳисоби юритилади. Ғазначилик томонидан ҳар бир шахсий ҳисобварак бўйича операция амалга оширилган вактда UzASBO дастурий мажмуасида электрон шаклда шахсий ҳисобваракдан кўчирма тақдим этилади. Марказ томонидан ғазначиликка юридик ҳамда молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўлаб берилишига оид белгиланган тартибда ҳужжатлар тақдим этилади.

Ғазначилик томонидан юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ҳамда тўлаб бериш Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилган) га асосан амалга оширилади.

Марказнинг бюджет ҳисобваракларидаги маблағларининг ҳаракати бўйича операциялар ҳисоби 2-мемориал ордер — бюджет маблағларининг ҳаракатига доир жамланма қайднома (381-сон шакл)да, ҳисобвараклардаги бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳаракатига доир операцияларнинг ҳисоби 3-мемориал ордер — бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига доир жамланма қайднома (381-сон шакл)да юритилади.

Марказнинг шахсий ғазна ҳисобваракларидаги пул маблағларининг ҳаракати бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

### **Хорижий валютадаги пул маблағлари, пул ҳужжатлари ҳамда бошқа пул маблағлари ҳисоби.**

Хорижий валютадаги пул маблағлари ҳисоби алоҳида ҳисоб рақамда юритилади. Хорижий валютадаги ҳисоб рақами чет эл валютаси турлари бўйича алоҳида очилиши

мумкин. Хорижий валютадаги пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий курси бўйича ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттирилади. Хорижий валютадаги пул маблағлари бўйича курс тафовутлари операция амалга оширилган кунда ёки ҳисобот ойининг охирги иш кунида аниқланади ва тегишли тартибда бухгалтерия ёзувларида акс эттирилади.

Пул хужжатлари таркибида дам олиш уйлари, санаторийлар учун пули тўланган йўлланмалар, йўл чиптаси, авиа ва темир йўл чипталари, почта маркалари, меҳнат дафтарчалари бланкалари ҳамда уларга илова қилинган варақлар ва бошқалар ҳисоби юритилади. Йўлдаги пул маблағлари таркибида асосан ғазна шахсий ҳисобварағидан нақд пул шаклида бериш учун банкдаги транзит варақга ўтказилган маблағлар акс эттирилади.

Хорижий валютадаги пул маблағлари, пул хужжатлари ҳамда бошқа пул маблағларининг ҳаракати бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

### **3.6. Дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар**

Марказ зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш жараёнида дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бўйича ҳисоблашувларни амалга оширади. Конунчиликка мувофиқ дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини муддати 90 кун этиб белгиланган.

Дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар бўйича келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда ташкилот уларни бартараф этиш мақсадида тушунмовчиликлар ҳақидаги материалларни тегишли идораларга тақдим этиши шарт.

### **Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар**

Марказда мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоблашувларни амалга ошириш белгиланган тартибда расмийлаштириладиган шартнома асосида амалга оширилади. Шартномалар тузиш асосан товар (иш хизматлар) хариди учун электрон шаклда тузилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси “Давлат хариди тўғрисида”ги Конуни (22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684-сон) талабларига амал қилинади.

Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириладиган давлат харидлари:  
бошлангич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион;  
электрон дўкон;  
эълон;  
тендер;

ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари.

Товар(иш хизматлар) хариди бўйича буюртмаларни марказ бўлимлари, бўлинмалари ва бошқа маъсул ходимлар томонидан расмийлаштирилиб марказ бош врачига тақдим этилади. Марказ бош врачи томонидан буюртма товар(иш ва хизмат)лар хариди бўйича тузилган комиссияга йўллайди. Комиссия томонидан ўрганилиб товар(иш, хизмат) хариди зарурлиги ўрганилиб сотиб олиш чоралари кўрилади.

Товар(иш ва хизмат)лар хариди бўйича тегишли маълумотларни биржа электрон сайтига таъминотчи киритади ва хужжатларни бухгалтерияга тақдим этади.

Белгиланган тартибда товарлар учун тўлов амалга оширилгандан кейин товарларни қабул қилиш жараёнида ишончнома фақат буюртма берган маъсул шахсга расмийлаштирилади ва маъсул шахс қўйилган талабга жавоб беришини ўрганиб таъминотчи иштироқида қабул қилиб олади ва ўрнатилган тартибда марказ омборига топширади. Агар товар талабга жавоб бермаса маъсул шахс томонидан қабул қилинмайди.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

## **Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар**

Марказда ўрнатилган тартибда қонунчиликка мувофиқ бюджет билан, шунингдек бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмаларга доир, жамғарип бориладиган пенсия тўловлари бўйича ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли Қарорига мувофиқ 2023 йил 1 январгача ривожлантириш жамғармаси даромадлари (фаолият ихтисослигига мос товар (иш хизматлар) сотишдан тушум, ижара тўлови тушуми, хомийлик маблағлари ва институт ихтиёрида қолдириладиган маблағлар) давлат бюджетига ундириладиган соликлар ва йифимларнинг барча турларидан озод килиниши, бўшаб қолган маблағлар моддий-техника ва ижтимоий базани мустаҳкамлашга, шунингдек ҳодимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилиши белгиланган.

Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

### **3.7. Ҳодимлар билан ҳисоб-китоблар**

#### **Ҳодимлар билан камомадларга доир ҳисоб-китоблар**

Марказнинг мулкига етказилган зарар ҳажми, зарар учун ҳодимнинг моддий жавобгарлик чегаралари ва тартибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси билан тартибга солинади.

Бир ойлик ўртacha иш хақидан ошмайдиган етказилган зарар суммасини айбордor ҳодимдан ундириш марказ бош врачанинг буйруғига мувофиқ амалга оширилади. Буйруқ етказилган зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан чиқарилиши мумкин. Бунда зарар ҳажми инвентаризация ўтказиш даврида мазкур жойда амал қилаётган бозор баҳолари бўйича ҳисобланади.

Агар ҳодимдан ундирилиши лозим бўлган етказилган зарар суммаси унинг ўртacha ойлик иш хақидан юқори ёки зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойлик муддат ўтган бўлса, ундириш суд орқали амалга оширилади.

Марказнинг мулки ўғирланганда, кам чиқканда, касдан йўқотиш ёки қасдан бузиш натижасида ҳамда бошқа ҳолларда етказилган зарар ҳажми **бозор қиймати** бўйича ҳисобланади.

Ҳодимлар билан камомадларга доир ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

#### **Ҳодимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича ҳисоб-китоблар**

Марказ ҳодимлари билан ижтимоий нафақалар бўйича ҳисоб-китоблар “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган)га асосан тартибга солинади.

Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизларга нафақа тўлаш билан боғлиқ харажатлар марказ томонидан — меҳнат ҳақи жамғармасига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

Ҳодимга нафақа, меҳнат қобилияти тикланган, ногиронлик белгиланган, ҳомиладорлик ва туғиши таътили тугаган, вафот этган ёки бола туғилган кундан бошлаб 6 ой муддат ичida мурожаат қилинганда тўланади. Бунда, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси уни олиш учун мурожаат қилинган кунгача бўлган 12 ойдан ошмаган давр учун берилади.

Вақтинча мәхнатта қобиляйтсизлик (хомиладорлик ва туғиши таътили) күнлари ходимнинг ишдан ноқонуний бўшатилгани тўғрисида низо кўрилаётган даврга тўғри келган ҳолларда, у ишга тикланган тақдирдагина (барча мәхнатта қобиляйтсиз күнлар учун) нафақа олиш хукукига эга бўлади.

Нафақа ойига бир марта — ойнинг иккинчи ярми учун бериладиган иш ҳақи билан бирга тўланади.

Вақтинча мәхнатта қобиляйтсизлик нафақаси иш стажининг давомийлигидан қатъи назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида қўйидагиларга тўланади:

байналминал жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;

қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;

Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тутатишда қатнашган ходимларга;

Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга;

мәхнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча мәхнатта қобиляйтсиз бўлган ходимларга.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил касаллиги, онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, СПИД, мохов (лепра) касаллиги, руҳий касалликлар) бўйича ҳисобда турган ходимларга улар томонидан давлат ижтимоий суғурта бадали тўлаган даврининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда вақтинча мәхнатта қобиляйтсизлик нафақаси қўйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

б) умумий иш стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

в) умумий иш стажи 5 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида

Қолган ходимларга вақтинча мәхнатта қобиляйтсизлик бўйича нафақа қўйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

б) умумий иш стажи 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида.

Ҳомиладорлик ва туғиши бўйича нафақа иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида берилади.

Ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича ҳисоб-китобларга доир бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

### **Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар**

Ҳисобдор шахслар билан уларга нақд пул тўламасдан ҳисоб-китоб қилиш имкони бўйлайдиган харажатларга тўлаш учун бериладиган аванслар бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ҳисоби олиб борилади. Ҳисоби бериладиган аванслар фақат мазкур марказда ишлайдиган шахсларгагина берилади.

Ҳисоби бериладиган аванслар аванс олувчининг ёзма аризасига биноан (аризада аванснинг нимага мўлжалланганлиги кўрсатилиши керак) марказ бош врачининг буйруғи асосида берилади. Ҳисоби бериладиган пуллар улар берилаётган вақтда кўзда тутилган мақсадлар учунгина сарфланади.

Марказ ходимлари билан хизмат сафарлари бўйича ҳисоблашувлар “Ўзбекистон Республикаси худудидаги хизмат сафарлари тўғрисида”ги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 19 ноябрда 2730-сон билан рўйхатдан ўтказилган) га мувофиқ тартибга солинади.

Аванс суммаларининг сарфланганлиги ҳақида ҳисобдор шахслар **аванс ҳисботи** (286-сон шакл)ни марказ бухгалтериясига топширадилар. Улар ушбу ҳисботга қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қиласидилар. Аванс ҳисботига илова қилинган ҳужжатлар ҳисобдор шахс томонидан уларнинг ҳисботда ёзилиш тартибига қараб рақамлаб чиқилади.

Бухгалтерияда аванс ҳисботлари арифметик текшириб чиқилади, шунингдек, ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги ҳамда маблағларни муайян мақсадлар учун сарфланганлиги текширилади. Текшириб чиқилган аванс ҳисботлари марказ бош врачи томонидан тасдиқланади.

Фойдаланилмаган аванс қолдиғи ҳисобдор шахс томонидан аванс ҳисботи топширилгандан сўнг уч кундан кечиктирмасдан марказ кассасига қайтарилиши лозим. Ҳисобдор шахсга олдин берилган аванс суммаси тўлиқ қайтарилгандан сўнг янгидан аванс берилади.

Ҳисоби бериладиган суммаларнинг сарфланганлиги ҳақида белгиланган муддатда аванс ҳисботи топширилмаган ёки фойдаланилмаган аванс қолдиғи кассага қайтарилмаган ҳолларда марказ бу қарзларни аванс олган шахсларнинг иш ҳақларидан қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Ҳисобдор шахслар билан қилинадиган ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисоби 8-мемориал ордер - ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича жамланма қайднома (386-сон шакл)да юритилади.

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларга доир бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

### **Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар**

Марказда ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси “Мехнат кодекси” (21.12.1995 йилдаги 161-I-сонли Қонуни), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Тибиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 276-сонли Қарори, жамоа шартномаси ҳамда ходим билан тузилган меҳнат шартномасига асосан тартибга солинади.

Марказнинг маъмурий-бошқарув, тибиёт ва фармацевтика ҳамда хўжалик бўлими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган штатлар жадвали асосида амалга оширилади.

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади. Меҳнатга ҳақ, қоида тариқасида, пул шаклида тўланади.

Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида иккى ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорида меҳнат ҳақи тўланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномасида белгиланади ва бир ойда икки марта берилади. Ойнинг биринчи ярми учун аванс тариқасида, иккинчи ярми учун иш ҳақи шаклида берилади.

Меҳнат ҳақи ҳисоби UzASBO дастурий мажмуасида электрон шаклда юритилади.

Иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш учун қуидагилар асосий хужжатлар ҳисобланади:

марказнинг ишга қабул қилганлик, бўшатганлик ва ходимларни тасдиқланган штатлар жадвали ва иш ҳақи ставкаларига мувофиқ жойдан-жойга қўчириш ҳақидаги буйруқлари;

фойдаланилган иш вақти ҳисоби ва иш ҳақи ҳисоблаш табели (421-сон шакл) ва бошқа хужжатлар.

Тўлдирилган ва тегишли имзолар билан расмийлаштирилган табеллар, ишга қабул қилиш ва бўшатиш тўғрисидаги буйруқлардан кўчирма ҳамда бошқа (ЖШШИР, жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварафи, паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта маълумотлари ва бошқа) маълумотлар марказнинг кадрлар бўлими томонидан «UzASBO» дастурий мажмуасига киритилади ҳамда иш ҳақи ҳисоблаш учун бухгалтерияга топширилади.

“Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш маҳсус фонди тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 20 сентябрда 177-сон билан рўйхатдан ўтказилган)га асосан ойлик иш ҳақига нисбатан 25 фоиз миқдорида ходимларни моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси ташкил этилади.

Ходимларни моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармасининг маблағлари ходимларга иш ҳақига устамалар ва мукофотлар белгилашга йўналтирилади.

Низом талаблари бўйича моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси маблағларидан марказ ходимларининг иш ҳақига устама белгилаш ва уларни моддий рағбатлантириш марказ бош врачининг ваколатига киради. Ходимларни моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ойлик устамалар белгиланганда уларни лавозим маошини 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Марказ бош врачи ва унинг ўринбосарларига моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси маблағларидан иш ҳақига устама белгилаш ва уларни моддий рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ваколатига киради.

Ўрнатилган тартибда иш ҳақидан мажбурий ва ихтиёрий ушланмалар амалга оширилади.

Аналитик ҳисоб марказнинг ҳар бир ходими бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларга доир бухгалтерия проводкалари илова қилинади (8-илова).

#### **4. Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар айланиши**

Марказда ҳисоб ҳужжатларини тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳамда ҳужжатлар айланишини амалга ошириш тартиби “Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия

вазирлиги томонидан 2004 йил 14 январда 1297-сон билан рўйхатдан ўтказилган) талабларига мувофиқ белгиланади.

Марказнинг бухгалтерия ҳисобида ҳужжатларнинг ҳаракати (уларни тузиш ёки бошқа корхоналардан олиш, ҳисобга қабул қилиш, ишлов бериш, архивга топшириш — ҳужжат айланиши) график билан тартибга солинади. Марказ бўйича ҳужжатлар айланишининг графиги илова қилинади (13-15 иловалар).

Марказ бош врачи томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланадиган шахслар ҳужжат айланиши графигини тузиш бўйича ишни ташкил этадилар. Ҳужжат айланиши графиги марказ бош врачининг буйруғи билан тасдиқланади.

График марказда оқилона ҳужжат айланишини таъминлаши зарур, яъни ҳар бир бошланғич ҳужжатнинг ҳаракати бўйича ижро этувчиларнинг мақбул сонини назарда тутиши, ҳужжатнинг бўлинмада энг кам муддатда бўлишини белгилаши лозим.

Ҳужжат айланиши графиги марказда барча ҳисоб ишининг яхшиланишига, бухгалтерия ҳисобининг назорат қилиш функциясининг кучайишига ёрдам бериши керак.

Ҳужжат айланиши графиги марказнинг ҳар бир бўлим ва бўлинмаси, шунингдек барча ижро этувчилар томонидан уларнинг ўзаро боғлиқлигини ва ишларни бажариш муддатларини кўрсатган ҳолда ҳужжатларни тузиш, текшириш ва уларга ишлов бериш бўйича бажариладиган ишларнинг схемаси ёки рўйхати кўринишида расмийлаштирилади.

Марказ ходимлари ўзларининг фаолият соҳасига тааллуқли бўлган ҳужжатларни ҳужжатлар айланиши графиги бўйича тузади ва тақдим этади. Бунинг учун ҳар бир ижроҷига графикдан кўчирма берилади. Кўчирмада ижроҷининг фаолият соҳасига тегишли ҳужжатлар, уларни тақдим этиш муддатлари ва ушбу ҳужжатлар тақдим этиладиган марказ бўлим ва бўлинмалари кўрсатилади.

Ҳужжатлар айланиши графигига риоя қилиш бўйича жавобгарлик, шунингдек ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тузиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботида акс эттириш учун уларни ўз вақтида тақдим этиш, ҳужжатлардаги мавжуд маълумотларнинг ишончлилиги бўйича жавобгарлик ушбу ҳужжатларни тузган ва имзолаган шахслар зиммасига юкланди.

Марказ бўйича ижроҷиларнинг ҳужжат айланиши графигига риоя қилишини назорат қилиш марказ бош врачи ёки у томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланадиган шахслар томонидан амалга оширилади.

## **5. Ҳисбот** **Молиявий ҳисбот**

Марказ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ҳамда Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 февралда 2971-сон билан рўйхатдан ўтказилган) талабларига мувофиқ молиявий ҳисботларни тузади ва топширади.

Марказнинг чораклик молиявий ҳисботлари ҳисбот йилининг 1 апрель, 1 июль ва 1 октябрь ҳолатига, йиллик молиявий ҳисботи эса, келгуси ҳисбот йилининг 1 январь ҳолатига кўра тузилади.

Йиллик ва чораклик молиявий ҳисботларга тушунтириш хати илова қилинади. Тушунтириш хатида харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси жараёнинг таъсир қилган асосий омиллар, жумладан, бюджетдан ажратилган маблағларни иқтисод қилинишининг сабаблари (таҳлиллари) (агарда иқтисод қилинган бўлса), дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг вужудга келиш сабаблари ва вақти, йўл қўйилган муддати ўтган қарздорликни ундириш бўйича кўрилган чоралар, қонунчиликка мувофиқ марказга солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар ва уларнинг сарфланиши тўғрисида

маълумотлар, шунингдек ҳисобот даврида марказга беғараз ёрдам ва марказлашган тартибда келиб тушган моддий қийматликлар тўғрисидаги маълумотлар, камомади аниқланган ва ўғирланган пул маблағлари ва бошқа товар-моддий қимматликлар суммаси ва ҳисоботлар билан боғлик бўлган бошқа тушунтиришлар келтирилади. Бундан ташқари, ҳисобот йилининг биринчи чораги бўйича молиявий ҳисоботларга тушунтириш хатида асосий воситалар ва бошқа активларини (жумладан, тугалланмаган қурилиш ва ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни) қайта баҳолаш бўйича ахборотлар очиб берилади.

#### **Марказ томонидан молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари**

<b>Марказ томонидан топширилладиган молиявий ҳисоботлар таркиби</b>	<b>Чораклик ҳисоботни тақдим этиш муддати</b>	<b>Йиллик ҳисоботни тақдим этиш муддати</b>
Баланс (1-сон шакл)	Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10 санасига қадар	Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 январига қадар
Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)	Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10 санасига қадар	Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 январига қадар
Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот	Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10 санасига қадар	Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 январига қадар
Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10 санасига қадар	Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 январига қадар
Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10 санасига қадар	Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 январига қадар
Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот	-	Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 январига қадар
Номолиявий активларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (5-сон шакл)	-	Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 январига қадар
Бюджет ташкилотини чет эл валюталари бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10 санасига қадар	Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 январига қадар

Тушунтириш хати марказ бош врачи ёки унинг ўринбосари (биринчи имзо ҳуқуқидан фойдаланувчи шахс), марказ бош ҳисобчиси ёки унинг ўринбосари (иккинчи имзо ҳуқуқидан фойдаланувчи шахс) томонидан имзоланади ва марказнинг асосий муҳри билан тасдиқланади.

«UzASBO» дастурий мажмуаси орқали марказ молиявий ҳисоботларни электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигига тақдим қиласи.

Дастурий мажмуа орқали электрон шаклда топширилган молиявий ҳисоботлар бир нусхада қофозга чоп этилиб, ҳисобот берувчи марказнинг бош врачи ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади ҳамда марказда белгиланган тартибда сақланади.

#### **Солиқ ҳисботи**

Марказ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (2007 йил 25 декабрь, ЎРҚ-136-сон) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги 2020-03-сон “Солиқ ҳисботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган)га мувофиқ “Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисбот”ини тузади ҳамда ҳисбет давридан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай Мирзо Улуғбек ДСИга электрон шаклда топширади.

Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли Қарорининг 4-бандига асосан 2023 йил 1 январгача Давлат бюджетига ундириладиган соликлар, Республика йўл жамғармасига йифимлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинингган, бўшаб қолган маблағлари марказнинг моддий-техника ва ижтимоий базасини мустаҳкамлашга, шунингдек, марказ ходимларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилиши белгиланган.

### **Статистик ҳисобот**

Марказ Ўзбекистон Республикаси “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонуни (2021 йил 11 август, ЎРҚ-707-сон), “Статистика ҳисботини электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 16 июлда 3312-сон билан рўйхатдан ўtkазилган) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2021 йил 11 октябрдаги 10-мб-сон «2022 йил учун статистика ҳисботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 25 ноябрда 3334-сон билан рўйхатдан ўtkазилган)га мувофиқ статистик ҳисботларни тузади ва топширади.

#### **Марказ томонидан статистик ҳисботларни тақдим этиш муддатлари**

Ҳисбот тури	Ҳисбот номи	Ҳисботни тақдим этиш муддати
1-эко (мухофаза) (йиллик)	Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида ҳисбот	Ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 18 февралидан кечиктирмай
1-нотижорат шакли (йиллик)	Нотижорат ташкилотининг фаолияти тўғрисида ҳисбот	Ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай
1-ИҲ шакли (йилда бир марта апрель ойи учун)	Ходимларнинг лавозимлари ва қасблари бўйича иш ҳақи тўғрисида апрель ойи ҳисботи	27-майдан кечиктирмай
12-корхона шакли (ойлик)	Ташкилот фаолияти тўғрисида ҳисбот	Ҳисбот давридан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай
1-НҲ шакли йилда бир марта	Ҳисобланган иш ҳақи миқдори бўйича ходимлар сонининг тақсимланиши тўғрисида ҳисботи	Ҳисбот давридан кейинги ойнинг 16-санасидан кечиктирмай
4-мехнат (чораклик)	Мехнат ҳисботи	Ҳисбот давридан кейинги ойнинг 16-санасидан кечиктирмай
1-мехнат шакли (йиллик)	Мехнат ҳисботи	Ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай

#### **6. Ҳисоб сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

Марказнинг ҳисоб сиёсатига қўйидаги ҳолларда ўзгартириш киритилади:  
бюджет ҳисобини тартибга солувчи қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда;

марказ қайта ташкил этилганда;


бухгалтерия ҳисобининг янги усуллари ишлаб чиқилганда;

Молиявий ҳисбот ахборотини очиб бериш имконияти бўлганда.

Бюджет ҳисоби маълумотларини солиштиришни таъминлаш мақсадида ҳисоб сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар молия йили бошидан, агар Марказ қайта ташкил этилаётган бўлса, уни қайта ташкил этилган санадан киритилади.

Марказ йиллик молиявий ҳисботга тушунтириш хатида келгуси молия йили учун ҳисоб сиёсатидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида маълумот беради.

**Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш  
миллий маркази бухгалтериясининг таркибий тузилиши**



*Хисоб сиёсатига  
2-илова*

**НОГИРОНЛИГИ БҮЛГАН ШАХСЛАРНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ  
ВА ПРОТЕЗЛАШ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ БУХГАЛТЕРИЯ  
ХОДИМЛАРИНИНГ ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАЛАРИ**

**ТОШКЕНТ - 2022 ЙИЛ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва  
протезлаш миллий маркази бош врачи  
Н.Юлдашев  
“ ” 2022 йил

**Бош ҳисобчининг  
ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИ**

**I.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

- 1.1. Бош бухгалтер марказ бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбаридир.
- 1.2. Бош ҳисобчи бошчилик қиласиган марказнинг бухгалтерияси мустақил таркибий бўлинма ҳисобланади ва марказнинг бошқа бирон-бир бўлинмаси таркибига киритилиши тақиқланади.
- 1.3. Марказ бош ҳисобчиси бевосита мазкур марказ бош ҳисобчисига, бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисботларни тузиш ва тақдим қилиш масалалари бўйича эса, агар қонунчиликда бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, юқори ташкилот бош ҳисобчисига ҳам бўйсунади ҳамда ташкилотда бухгалтерия ҳисобини юритилишига, молиявий ҳисботларни ўз вақтида ва тўлиқ топширилишига ҳамда Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома, шунингдек, бошқа норматив-хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига жавобгар бўлади.
- 1.4. Бош ҳисобчи бухгалтерия ходимлари учун хизмат вазифаларини ҳар бир ходим учун алоҳида белгилайди. Бухгалтерияда хизмат вазифалари функционал белгиларга қараб тақсимланади, яъни ходимларнинг ҳар бир гурухига ёки алоҳида бир ходимга ишнинг ҳажмига қараб, маълум бир соҳа бирктирилади.
- 1.5. Марказ бош ҳисобчиси лавозимга тайинланишида ва ундан озод этилишида белгиланган тартибда марказ бош врачининг буйруғига мувофиқ тузилган комиссия томонидан қабул қилиш — топшириш кунида ҳисоб, ҳисбот ва архив ҳужжатларининг ҳолатини кўрсатган ҳолда бухгалтерия ишларини қабул қилиш — топшириш тўғрисидаги далолатнома тузилади.

Зарур ҳолларда, ушбу комиссия таркибига юқори ташкилот ҳамда тегишли молия органлари билан келишилган ҳолда уларнинг вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

- 1.6. Бош ҳисобчи меҳнат таътилида, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврида ёки бошқа сабабларга кўра иш жойида бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини вақтинча бажариш олий маълумотли, амалий иш тажрибасига эга ҳисобчи ва иқтисодчи зиммасига юклатилади.

1.7. Бош ҳисобчига қўйилган малака талаблари: олий маълумотли, камида тўлиқ 3 йил бюджет ташкилотларида бош ҳисобчи лавозимида ишлаган бўлиши керак.

1.8. Бош ҳисобчи риоя этиши керак бўлган норматив-хукукий, методик ҳамда ички ташкилий ва фармойиш берувчи ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Конунлари ва Кодекслари;  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари ва Фармонлари;  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари;  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги буйруқлари билан тасдиқланган Низомлар ва Йўриқномалар;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган Низомлар ва Йўриқномалар;

Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги буйруқлари;

Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандартлари;

Марказнинг низоми;

Марказ бош врачи томонидан тасдиқланган ҳисоб сиёсати;

Марказ бош врачанинг буйруқлари.

## **II. БОШ ҲИСОБЧИННИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

2.1. Бухгалтерия ҳисобини амалдаги норматив-хуқукий ҳужжатларга амал қилган ҳолда юритиш, шунингдек, ҳисоб ишларини замонавий техник воситалар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш.

2.2. Бухгалтерия ҳужжатларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилишини ҳамда амалга оширилаётган операцияларнинг қонунийлигини олдиндан назорат қилиш.

2.3. Бюджет маблағларини, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағларни харажатлар сметасида кўзда тутилган муайян мақсадларга тўғри сарфланиши, шунингдек, пул маблағлари ва моддий қимматликларнинг бутлиги устидан мунтазам назорат қилиш.

2.4. Марказда бухгалтерия ҳисобини қонунчилик талабларига мувофиқ юритилишини назорат қилиш.

2.5. Марказда ходимларнинг иш ҳақларини ва унга тенглаштирилган тўловларини белгиланган тартибда ҳамда ўз вақтида ҳисоблаб чиқиш.

2.6. Смета ижроси жараёнида вужудга келадиган юридик ва жисмоний шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш.

2.7. Пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва моддий қимматликлар, шунингдек, бошқа активларни ва мажбуриятларни инвентаризация қилишда қатнашиш, инвентаризация натижаларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.

2.8. Моддий жавобгар шахсларга уларнинг жавобгарлигига турган моддий қимматликларнинг бутлигини сақлаш ва ҳисобини олиб бориш юзасидан тушунтириш ишларини ўтказиш.

2.9. Моддий қимматликларни олиш учун берилган ишончномаларнинг ҳисобини юритиш ва улардан тўғри фойдаланишини назорат қилиш.

2.10. Молиявий ҳисботларни белгиланган муддатларда тузиш ва топшириш.

2.11. Марказ бош врачи тасдиқлаши учун харажат сметаларини ва уларга илова қилинадиган ҳисоб-китобларни тузиш (марказ иқтисодчиси билан бирга).

2.12. Асосий воситалар ҳамда бошқа моддий қимматликларни уларнинг сақланиш ва фойдаланиш жойларида бутлигини мунтазам назорат қилиш.

